Сохибжон Топилдиев

# Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий жиҳатлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**Сохибжон Топилдиев**

# Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий жиҳатлари

Монография

**Тошкент**
**«MUMTOZ SO‘Z»**
**2012**

**УДК: 338.431(575.1)**
**ББК 63.3(5Ў)**

*Мазкур монографияда аграр муносабатларнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аграр муносабатлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари, аграр муносабатларнинг ривожланиш босқичлари, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр муносабатларни ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари, иқтисодийислоҳотлар жараёнида аграр муносабатларнинг ривожланиши, аграр ислоҳотлар натижасида шаклланган мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг самарадорлиги, Ўзбекистонда аграр муносабатларни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, иқтисодиётни модернизациялаш даврида аграр муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари тадқиқ этилган, илмий-назарий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

*Монография илмий тадқиқотчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги муаммоларини ўрганувчилар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.*

Маъсул муҳаррир и.ф.д., проф. Ф.Т.Эгамбердиев

Тақризчилар и.ф.д., проф. Б.А.Бегалов
и.ф.н., доц. К.Ю.Умаров

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгашнинг 2011йил 29 декабрдаги 5-сонли мажлиси қарори билан наширга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-398-30-6

*© С.Топилдиев, 2012*
*© «MUMTOZ SO'Z», 2012*

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI 210045/1
Ahborot-resurs markazi

# КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг деярли 17,5 фоизи, меҳнатда банд бўлганларнинг 30 фоизга яқини агросаноат мажмуаси ҳиссасига тўғри келади, шунингдек, аҳолининг 64 фоизи қишлоқ жойларида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда"[1].

Ўзбекистон Республикаси аграр тармоғида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш босқичларини тарихий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ қилиш тажрибасини умумлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Юқорида қайд этилганлар аграр иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул ечимларини топиш ва унинг ўзини модернизациялаш орқали миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнига таъсирини кучайтириш имконини беради. Ушбу ҳолатлар аграр муносабатлар тарихини чуқур таҳлил қилиш ва алоҳида минтақалари кесимида ўрганишнинг долзарблигини белгилаб беради.

---

[1] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б.11.

Аграр муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим жиҳатлари МДҲ олимларидан В.И.Бутов, Д.Д.Болдоржиев, А.Г.Гранберг, В.Демьяненко, Н.П.Кетова, Е.Серова, В.Я.Узун, Р.И.Шнипер, А.Ю.Юданов, А.К.Ястеребоваларнинг илмий ишларида тадкиқ этилган[2]. Аксарият олимларнинг фикрича, аграр бозорлар қишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олган ҳолда ер ресурслари бозори билан чамбарчас боглиқ ҳолда фаолият олиб борсагина, провард мақсадга тезроқ эришилади.

Ўзбекистонда аграр муносабатларни такомиллаштириш масалаларига А.Абдуғаниев, М.Абдусалямов, О.Абдуллаев, В.Р.Абдуллаев, А.Ф.Хуррамов, Ч.Муродов, Ф.Назарова, Ф.Т.Эгамбердиевлар ўз илмий ишларида алоҳида эътибор қаратган[3]. Иқтисодиётни эркинлаштириш

---

[2] Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.О. Основы региональной экономики. Учебное пособие. - Ростов на Дону, 2001. - С. 448.; Болдоржиев Д.Д. Экономическая теория. Учеб. пособие для вузов. - Смоленск. Смоленский регион IPA, 2002. - С. 98.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: Учебник для вузов. - М.: ГУ ВШЭ, 2000. - С. 496.; Демьяненко В., Рылко Д. Проблемы формирования и функционирования рынка сельскохозяйственных земель. - М.: Сборник «Год планеты», 1998. - С.110.; Кетова Н.П. Равновесии рынка земли и недвижимости // Макроэкономика. Учебно-методическое пособие. - М.: Ростов на Дону, 1997. – С. 56.; Агропродовольственные рынки России: опты исследования / Серова Е. АЦ АПЭ, 2000 (http://management.edu.ru/db/msg/128017.html); Узин В.Я. Приватизация земли и реорганизация сельскохозяйственных предприятий, идеи, механизмы, результаты, проблемы // Реорганизация сельскохозяйственных предприятий: их эффективность и устойчивое развитие материалы семинара. Голицыно. - М., 1999. - С. 76.; Шнипер Р.И., Новоселов А.С. Региональные проблемы рынковедения: Экономический аспект. - Новосибирск, ВО Наука, 1993. - С. 342.; Успенский В.А. Аграрный рынок России // Микроэкономика теория и российская практика / Юданов А.Ю., Думная Н.Н., Успенский В.А. и др. -М.: ИТД Кно Рус, 2002. - С. 132.; Ястребова О.К. Введение в агробизнес. - М.: Изд. Московского университета, 1994. - С.112.

[3] Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.; Абдусалямов М.А. Принципы, подходы и осиновые результаты первого экономических реформ в Узбекистане // Абдусалямов М.А., Голышев В.А., Каримов Р.К. и др. Стратегия реформ и макроэкономическая

шароитида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чикариш жараёни, улгуржи бозорлар ва қайта ишлаш ҳисобидан келадиган самарадорлик, минтақаларда ер ресурслари тақсимоти, ердан самарали фойдаланиш бўйича А.А.Абдувасиқов, Ф.Б.Аминов, О.С.Жумаев, А.С.Раҳматуллаев, А.Х.Тошқулов, К.И.Қундузовлар илмий тадқикот ишларини олиб боришган[4].

стабилизация. - Т.: UNDP, 1996. - С. 141.; Абдуллаев О. Жумҳуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари. - Т.: Меҳнат, 1991. – 215 б.; Абдуллаев В.Р. Ўзбекистон иктисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш (пахта толаси экспорти мисолида). Икт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. – 45 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иктисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. - 40.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. Икт. фан. док. ...дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. – 42 б.; Хуррамов А.Ф. Ўтиш иктисодиётида мулкий муносабатлар ва уларнинг аграр соҳадаги хусусиятлари. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2005. – 42 б., Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореф. дис...докт. экон. наук. - Т.: НУУз, 2003. – 40 с.

4 Абдувосиқов А.А. Иқтисодиётни эркинлаштриш шароитида Тошкент вилояти аграр ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар самарадорлиги. Икт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2005. – 20 б.; Аминов Ф.Б. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг худудий хусусиятлари (Қашқадарё вилояти мисолида) Икт. фан. ном. .... дис. автореф. - Т.: ЎзМУ 2004. – 20 б.; Жумаев О.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асослари: Икт. фан. ном. .... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 19 б.; Рахматуллаев А.С. Бозор иқтисодиёти шароитида кишлоқ хўжалигида ер муносабатларини такомиллаштриши (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқт. фан. ном. .... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2002. – 20 б.; Тошқулов А.Х. Солиқ солиш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини иктисодий рағбатлантириш механизмлари (Сурхондарё вилояти мисолида). Икт. фан. ном. .... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 24 б., Кундузова К.И. Турли хўжалик юритиш шаклида кишлок хўжалиги корхоналарида экинларни жойлаштиришни оптималлаштириш оркали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида). Иқт. фан. ном. .... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 22 б.

Умуман олганда, мамлакат ривожланишининг турли тарихий босқичларида аграр муносабатларни ислоҳ қилиш масалалари бўйича комплекс илмий ишланмалар иқтисодий адабиётларда етарлича очиб берилмаган. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг тарихий-иқтисодий таҳлили муаммосининг долзарблиги, уни ўрта ва узоқ муддатли даврда янада такомиллаштириш йўналишларини асослаб бериш зарурати ўрганилмаган.

Ушбу монографияда илк маротаба аграр муносабатларнинг шаклланишининг тарихий ва назарий жиҳатларини монографик тадқиқ этилди. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги унда илгари сурилган аграр муносабатларнинг олдида турган илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ёндашувлар муайян даражада ўз аксини топган бўлиб, у қуйидагиларда номоён бўлади:

**биринчидан,** аграр секторда озиқ-овқат хавфсизлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигининг асоси бўлмиш мураккаб иқтисодий, бошқарув ва институционал муносабатлар тизимлаштирилди;

**иккинчидан,** аграр муносабатлар ривожланишининг қуйидаги босқичлари аниқланди: дастлабки босқич (1917-1924 йй.) – ер ислоҳотларининг амалга оширилиши; жамоалаштириш доирасидаги ривожланиш босқичи (1925-1958 йй.); бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари кучайиш босқичи (1959-1990 йй.); аграр муносабатларнинг ислоҳ этиш босқичи (1991-2004 йй.); қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш босқичи (2005 й.дан ҳозирга қадар.);

**учинчидан,** аграр соҳани тарихий ривожланиши қуйидаги мезонлар асосида ажратиб олинди ва улар учун хос белгилари асосланди: қишлоқ хўжалиги ривож топган ижтимоий-иқтисодий тизим тури; тарихий омилларнинг тармоқни ривожланишига таъсири; қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорий кўрсаткичларининг ўзгариши, институционал муҳитнинг такомиллаштирилиши ва ҳ.к.;

**тўртинчидан,** республика аграр секторини ривожланиш хусусиятлари географик (суғориладиган зонада қишлоқ хўжалигини юритиш), ташкилий-иқтисодий (аҳоли тажрибаси ва кўникмаларидан фойдаланиш, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг юқори салмоғи), таркибий (экин майдонларида пахта хомашёси ва ғалла экинлари салмоғининг юқорилиги), институционал (аҳолининг бозор шароитларига янада тезроқ мослашиши, хусусий мулкдорларнинг пайдо бўлиши, аграр секторнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳ.к.) омилларнинг бирикуви туфайли шаклланди;

**бешинчидан,** қишлоқ хўжалигини кооперациялаштиришга оид тарихий тажрибани аграр соҳани модернизациялаш шароитларда қўллаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди, ушбу таклифлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига қишлоқда ишлаб чиқариш воситалари, янги техника ва хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради;

**олтинчидан,** қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларини бозор муносабатларига мослашуви фақат давлат ва бозор бошқаруви механизмларининг уйғунлашуви таъминлангандагина самарали бўлишининг назарий хулосалар ва амалий таклифлари ишлаб чиқилди ҳамда исботлаб берилди.

Мазкур монографияда илгари сурилган ғоялар, фикр мулоҳазалар мазмуни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасини такомиллаштириш, мам-

лакатимизда тадбиркорлик субектларини ташкил эитиш ва қайта ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммоларнинг илмий ечим сифатида илмий ва амалий тадбиқ этган.

# I боб. АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВЛАР

## 1.1. Аграр муносабатларнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати

Аграр муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос тури ҳисобланади. «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ, шунинг учун ҳам ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатларни ташкил этади[5]». Бошқа бир таърифда эса “Ер билан боглиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар” деб аталади дейилган[6].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, ер билан боглиқ иқтисодий муносабатлар аграр муносабатларнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли, аграр муносабатларнинг асосий хусусиятлари ҳам ерга узвий боглиқ бўлади. Уни қуйидагича асослаш мумкин:

– ернинг аграр ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатидаги хусусияти, ернинг нархи ва унинг сифати агробизнеснинг бошқа ресурсларини танлаш, уйғунлаштириш ва улардан фойдаланишнинг турли вариантларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ноэластиклиги бу соҳадаги даромадларнинг паст бўлишини белгилайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиқча ишлаб чиқарилиши уларнинг фойдалилик даражасини камайтиради.

Аграр муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири атроф-муҳитда бўлаётган табиий жараёнларнинг унга бевосита таъсир кўрсатишидир. Мазкур жараёнлар ернинг махсулдорлигида ва ушбу соҳадаги ишлаб чиқаришга

---

[5] Шодмонов Ш., Жўраев Т.: Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар тўплами. - Т., 2000. - Б.152.

[6] Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Меҳнат, 1995. - Б.338.

таъсир кўрсатувчи иқлим, об-ҳаво шароитларида ўзининг аксини топади.

Бозор муносабатлари шароитида ер товарга, тадбиркорлик объектига айланади. Аммо ер ресурслари маконда табиий равишда чекланган, уни такрор ишлаб чиқариб бўлмайди. Ер таклифи ер нархининг ортиши билан кўпайиб, аксинча, камайиши билан тушиб кетмайди. Шу сабабли, ер таклифи мутлақ ноэластик (ўзгармайдиган) бўлади. Ер ўзининг шу хусусиятлари билан бошқа ресурслардан фарқланади.

Ернинг мутлоқ ноэластиклиги тўғрисидаги фаразларни ҳам қандайдир маънода инкор этишга асос бор. Чунки ерларнинг мутлоқ ноэластиклиги фаразининг сусайишига қуйидаги омиллар таъсир этади.:

– янги ерларни ўзлаштириш;

– уларга инвестицияларни кенг жалб этиш;

– ерлардан олинадиган фойда натижасида уларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан, умуман олганда, муомаладан чиқиб кетиши ва хоказолар.

Аграр муносабатлар бозор муносабатлари шароитида янгича мазмун касб этади. Ерга бўлган мулкчилик муносабатлари аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади. Демак, аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ердан фойдаланиш характери хал этади, яъни бу ердан фойдаланиш эгалик қилиш ва тасарруф этиш демакдир.Қишлоқ хўжалигидаги яратилган меҳнат натижаларидан фойдаланиш, эгалик қилиш ҳам айнан ана шу жиҳатларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли Республика Президенти И.А.Каримов: “Бутун аграр саноатнинг муҳим масаласи негизи – ерга мулкчилик масаласидир. Ер ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаша учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради, шу сабабли республиканинг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатларининг қандай ташкил этилишига боғлиқлигидир”[7], деб оқилона фикр юритади ва шу соҳадаги келгуси тадбирларни белгилаб беради.

---

[7] Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Т., 1996. - Б.216.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари олиб борилишини талаб этади ва иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади.

Аграр соҳадаги асосий ресурс ер, лекин у чекланган, ерни меҳнат жараёнида яратиб бўлмайди. Кўпгина ресурслар ўзининг муқобилларига эга, аммо ер бундай хусусиятдан махрум, аммо ерни муқобил ишлатиш усуллари кўп. Шу сабабли ерга бўлган талаб доимо ортиб боради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Шу сабабдан, ерни ишлатиш учун текинга берилмайди, ер эгасига ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунларида ердан фойдаланишнинг товарларга асосланганлиги қайд этиб ўтилган. Бозор муносабатларига ўтаётган мамалакатларда ердан фойланишда ана шу хусусиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ер хўжалик юритиш объекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил топади. Яроқли ерлар бўш турмайди. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкидланганидек: "Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин"[8]. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасида "Фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади" деб ёзиб қўйилган. Ёки Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида "Деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун хужжатлари белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдони ҳам қўшганда сугориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади"дейилган[9].

---

[8] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999. 20-модда.
[9] Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Конуни. 8-модда, 1998 йил 30 апрель.

Ер мулк ҳисобланади, шу сабабли ундан ерга эга (мулкдор)ларнинг розилигисиз фойдаланиб бўлмайди. Ердан фойдаланиш учун унинг эгасига ҳақ тўлаш керак, ер участкаларидан фойдаланганлик учун рента тўлови тўланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда устунлик берилди. Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий, молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилларда саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имкони бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурслари, Республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир. Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Давлатимиз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Республикада аграр муносабатларни ислоҳ қилиш учун, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайтириш учун зарур шароитлар яратиб келинди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг стркутураси жиддий ўзгарди. Бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Аграр сиёсатнинг муҳим масаласи бу ерда мулкчилик масаласидир. Ер тўғрисидаги қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотиш мумкин эмаслиги, балки уни ўзоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилган.

Аграр муносабатлар жамият иқтисодий муносабатлар тизимининг ажралмас, муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Мазкур муносабатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерга бўлган мулкчилик муносабатлар аграр муносабатларнинг ядроси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ерга бўлган мулкчиликнинг хилма-хил шакллари мавжуд бўлиб, уларни икки: хусусий ва давлат мулки гуруҳларига ажратиш мумкин. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бирини турли-туманлиги билан тавсифлашди. Масалан, ерга бўлган давлат мулки қишлоқ хўжалиги маҳсулотига бўлган хусусий, жамоа, шахсий ва аралаш мулк билан уйғунлашиши мумкин.

Аграр муносабатлар – бу қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кенг доирасидир. Айниқса, меҳнатга банд аҳолининг сезиларли даражада катта қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган мамлакатлар учун аграр муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий соҳаларда банд бўлган аҳолининг учдан бир қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда.

Аграр муносабатлар – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва қишлоқ хўжалиги воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман субъектлар ўртасидаги муноса-батлардир. Фикримизча, аграр муносабатларни тор ва кенг маъноларда талқин этиш мумкин. Тор маънода аграр муносабатлар ерни, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигида вужудга қилувчи ички муносабатлари билангина чекланади. Кенг маънода эса аграр муносабатлар ўз ичига соҳа учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва уни сотувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида вужудга келадиган алоқаларни қамраб олади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида агросаноат мажмуи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, унда мамлакат ЯИМнинг қарийб 30% яратилади, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида 2008 йилда 27,5 % дан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилган. Фикримизча, ерга бўлган муносабатларни давлат мулкчилиги асосида амалга ошириш, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилишиинг асосий хусусиятли жиҳати ҳисобланади. Ерга бўлган давлат мулкчилиги шароитида аграр муносабатларнинг ўзи мазкур муносабатларниинг турли-туманлиги билан тавсифланади. Хусусан, мамлакатимизда давлат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги муносабатлар шу билан тавсифланадики, ер мазкур қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун салоҳият кўрситиш даври учун фойдаланишга берилган. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхона-

лари (ширкатлар) ўзларига ажратилган ер майдонларини шартнома асосида маълум муддатга деҳқонларга, уларнинг оилалари ва жамоаларга ижарага берадилар. Ижара муносабатлари Ўзбекистон Республикасида аграр муносабатларнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ерга бўлган давлат мулкчилигининг зарурлиги тарихий ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар, мураккаб ирригация иншоотлари ва суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Суғорма деҳқончилик шароитида ер нархи ўта қиммат бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик жоиздир. Чунки уни хусусийлаштириш жараёнида қишлоқ меҳнаткашларининг жуда кўпчилик қисми уни сотиб олиш имконига эга бўлмай қолган эдилар. Шундай шароитда ер аҳолининг кам сонли қисми қўлида мужассамлашиши мумкин ҳолос. Корхона тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ерга бўлган хусусий мулкчилик унинг ҳосилдорлигини саклаб қолиш ёки оширишнинг жуда ҳам самарали усули эмас.

Мамлакатимизда аграр ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигида турлича мулк шакллари, иқтисодий субъектларнинг турли-туманлиги билан тавсифланувчи хар хил хўжалик юритиш шакллари қарор топди. Булар мулкнинг давлат, хиссадорлик, ишлаб чиқариш кооперативлари шаклида намоён бўлувчи жамоа ёлланма ва ўз меҳнатидан фойдаланувчи хусусий мулк шаклларидир. Аграр соҳадан ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг таркиби ҳам тубдан ўзгарди. Аграр ислоҳотларнн амалга ошириш, аграр соҳанинг институционал асосларини яратиш асносида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:

- қишлоқ хўжалиги объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- кўп укладли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этилди;
- ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмокда;

• асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамда улар билан давлат ўртасидаги муносабатлар такомиллаштирилмоқда.

Мазкур ҳолатда, нафақат давлат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги, балки қишлоқ хўжалиги корхоналари билан уларнинг ходимлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тубдан ўзгарди.

Собиқ шўро ҳокимияти ижтимоий кафолатларни реал амалга оширишни, «жамиятдаги барча меҳнаткаш қатламлар»нинг ҳаётий неъматлардан баравар баҳраманд бўлишини эълон қилди. Бу вазифани ҳал қилишнинг устувор воситалари хусусий мулкчиликни тугатиш, «эзувчи синфлар»ни йўқотиш, хўжалик юритишнинг товарсиз, бозорсиз механизмини мустаҳкамлаш негизида тенг адолат принципларини таъминлашдан иборат бўлиши керак эди. Лекин инқилобдан кейинги социалистик қурилишнинг ҳаётий тажрибаси жиддий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасида большевиклар ваъда қилган адолатли ёндашувнинг қуруқ ваъда эканлигини кўрсатди.

Жозибали шиорларга амал қилмаслик яққол намоён бўла бошлади. Социалистик қурилишнинг стратегиясидаги янги бурилиш янги иқтисодий сиёсат принципларидан воз кечишга, «товарсиз социализм»нинг аввалги андозасини тиклашга, тенг тақсимот ғояси ва «фавқулодда ҳолат» амалиётига мурожаат қилишга олиб борар эди. Давлат эса аста-секин ишлаб чиқариш воситаларининг мутлоқ олий мулкдорига айланиб борди. Ҳаддан ташқари марказлашув ва расмий режалаштиришнинг қарор топиши халқнинг миллий ҳуқуқлари ва қадр-қимматини поймол қилишга сабаб бўлди.

Оддий меҳнаткашнинг аҳволи яхши эмас эди. Шўролар «казарма социализми» тизимида инсон тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилишни тобора орқа ўринга суриб қўя бошладилар, тараққиётнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ўртасидаги узилиш кучайди. Бу даврда «синфий душманларнинг хийла-найранглари»га қарши кураш компанияси кенг авж олди. Бундай шароитда ижтимоий-иқтисодий соҳада айрим муваффақиятлар кўзга кўринган бўлса-да, бу ютуқларга кат-

га йўқотишлар, халқ манфаатларига зид бўлган тадбирлар эвазига эришилди. Ижобий ўзгаришлар эса жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги чукур бузилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг боришига тўғри келди.

Халқнинг моддий аҳволидаги ўзгаришларга ҳарбий коммунизм режими етказган зарар ниҳоятда катта эди. Бундай шароитда янги иқтисодий сиёсатнинг ислоҳотчилик таъсири дарҳол намоён бўлолмас эди. Бунинг устига, Ўзбекистонда янги иктисодий сиёсат йўлига ўтиш журъатсизлик билан олиб борилди. 1921-1922 йилларда республикада амалга оширилган барча ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг ўзида аввалги сиёсий экстремизм таъсири сақланиб қолган эди. Натижада кенг халқ оммасининг моддий аҳволи ҳалокатли тарзда ёмонлашиб борди. Бу вақтга келиб Туркистонда озиқ-овқат соҳасидаги ғоят оғир аҳвол қаттиқ қурғоқчилик туфайли яна ҳам кескинлашди, қурғоқчилик Россиянинг марказий районларини қамраб олган эди. Қурғоқчилик туфайли ҳосилнинг бўлмаслиги, амалда республикамиздан олиб кетилган пахта эвазига айирбош қилиниб олиб келинадиган ғалланинг тўхтаб қолишига ва айни вақтда? Россиядаги оч аҳолининг Ўзбекистонга оқиб келишига сабаб бўлди. Москванинг империячи раҳбарияти Ўзбекистондаги вазиятнинг бирмунча қулайлигини эътиборга олиб, ЎЗССР ҳукуматидан Россиянинг очарчиликка йўлиққан районларидан «икки юз мингга якин деҳконлар, ишчилар, уларнинг хотинлари ва бошқаларни»[10] қабул қилишни талаб этди. Ҳақиқатда эса улар ундан анча кўпроқ бўлиб чиқди. 1921 йилнинг октябрига келиб республикага 330 минг оч қолганлар келган эди[11]. Улар, асосан, қишлоқ ва туманларга жўнатилди. Деҳқонлар анъанавий юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён қилиб, россиялик очларни бағрикенглик билан кутиб олдилар. Лекин бу ҳол шусиз ҳам вайрон бўлган Туркистон қишлоқлари учун оғир юк бўлиб тушган эди. Бироқ Кремлдаги олий сиёсий табақа Туркистон аҳолисининг ночор ҳолатда эканлиги билан ҳисоблашиб ўтирмади. В.И.Ленин

[10] «Известия» (ТуркМИҚ органи). 1921, 11 ноября.
[11] УзР МДА. 22-фонд, 1-рўйхат, 54-йиғма жилд, 15-варақ



NAMANGAN DAV
UNIVERSITET
Ahborot-resurs mar

Туркистон ўлкасига ўз вақтида «ғалла билан катта ёрдам» кўрсатилганлигини пеш қилиб, ТАССР раҳбариятига «Россиянинг оч қолган районларига» юбориш учун ўлканинг озиқ-овқат ресурсларини энг кўп миқдорда сафарбар қилишни талаб қилди. Мазкур расмий кўрсатмани бажариш учун 1921 йил кузининг бошларида Туркистондан Марказнинг очларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига 600 минг пуддан ортиқ (9600 тн) ғалла юборилди[12]. Ҳолбуки, бу ғаллага ночор аҳволда турган Туркистон аҳолисининг ўзи муҳтож эди.

Москванинг ташаббуси билан 1922 йил 1 январдан бошлаб республика аҳолисига, айниқса, унинг қишлоқдаги қисмига оғир юк бўлиб тушган алоҳида «очлик солиғи» жорий қилинди. Ҳатто Фарғона вилоятининг ниҳоятда оч қолган аҳолисидан ҳам 6600 пуд турли-туман маҳсулотлар ана шу солиқ йўли билан ундириб олинган эди[13].

Ҳаддан ортиқ солиқ юки кўп минг кишилик қочоқлар оқимини кўпайган ҳолда 1922-1923 йилларда оммавий очликнинг янгидан авж олишига сабаб бўлди. Хусусан, Фарғонада 500 мингга яқин, Самарқанд вилоятининг Жиззах ва Ўратепа уездларида 30 мингдан ортиқ очлар бор эди ва ҳоказо[14].

1923 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳвол бирмунча тузала бошлади, ниҳоят, янги иқтисодий сиёсат механизмлари ишлай бошлади, қишлоқ хўжалиги ва саноат тикланишга юз тутди.

Қишлоқларда деҳқон хўжаликларининг мустаҳкамланиши, озиқ-овқат солиғи жорий қилиниши, ижара муносабатлари тизими тикланиши, қишлоқ аҳолисининг меҳнат унумдорлигини қисман бўлсада оширишга, иқтисодий жиҳатдан тартибга солинишига ижобий таъсир кўрсатди.

1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнларига сезиларли таъсир қилди. Унинг ўтказилиши жараёнида ер олган деҳқонларга маълум даражада иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Масалан, янги ерларда барпо этилган хўжаликлар дастлабки

---

[12] ЎзР МДА. 22-фонд, 1-рўйхат, 54-йиғма жилд, 15-варақ.
[13] История гражданской войны в Узбекистане. - Т., 1970. - С.261.
[14] ЎзРМДА. 17-фонд, 1-руйхат, 93-йиғма жилд, 93-варақ.

йилларда соликдан озод қилиндилар. Бойларнинг ерларида барпо этилган янги хўжаликлар белгиланган солиқнинг фақат 25%, қўшимча ер олганлар эса 75% тўлар эдилар[15]. Айни вақтда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд иш қуроллари яроқсиз эканлиги сабабли республика сиёсий раҳбарияти ер берилган қишлоқ аҳолисини «жонли» ва «жонсиз» иш қуроллари билан таъминлаш чораларини кўрдилар. Меҳнат қуроллари, асосан, бадавлат хўжаликлардан мажбуран тортиб олинди. Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги деҳқон хўжаликларининг 79,9% ана шу йўл билан иш ҳайвонларига эга бўлдилар. 25586 хўжалик ем-хашак ва ер ҳайдаш қуроллари сотиб олиш учун қарз олди. 11154 хўжаликка озиқ-овқат ссудаси берилди, шундан қарийб ярми қайтариб бермаслик шарти билан берилган эди[16].

Ислоҳот жараёнида қишлоқ ҳаёти тузилишида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аввало, деҳқонларнинг ўртаҳол бўлиб бориши жараёни кўзга ташланди. Оммавий жамоалаштиришни амалга ошириш вақтига келиб Ўзбекистон қишлоқларида ўртаҳол деҳқон асосий сиймо бўлиб қолди. Лекин, умуман олганда, қишлоқ аҳолисининг умумий аҳволи пастлигича қолаверди.

Мустабид тузум биринчи галда дон экинларини эмас, пахта экинини тиклашга эътибор қаратди. 1928 йилнинг охирига келиб лалми экинлар экиш нисбатан 82%, суғориладиган экинлар 81%, пахта 122%, қора моллар 94% ни ташкил этди, холос. Оқибатда, 1929 йилда ҳам Ўзбекистонда бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларига карточка тизими сақлаб қолинди. XX аср 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб саноат молларининг давлат чакана нархлари пасайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эса оширилди. Масалан, 1926-1929 йиллар мобайнида республикада саноат молларининг чакана нархлари 11,6% пасайтирилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эса 45,3% оширилган эди. Бу тадбир қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи бирмунча яхшиланишига олиб келди.

---

[15] ЎзР МДА, 327-фонд, 1-рўйхат, 79-йиғма жилд, 77-варақ,
[16] ЎзР МДА, 327-фонд, 1-рўйхат, 79-йиғма жилд,78 - 85-варақлар.

Янги иқтисодий сиёсат туфайли рўй берган ўзгаришларнинг муҳим натижаларидан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги сезиларли бурилиш бўлди. Очарчилик даҳшати енгиб ўтилди. Эркин хўжалик юритиш, товар-пул муносабатларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини бир оз бўлса-да яна авж олдирди.

Шаҳар аҳолисининг ижтимоий аҳволида ҳам сезиларли силжишлар кўзга ташланди. Аввалги даврдан мерос бўлиб қолган ишсизлик, асосан, маҳаллий аҳолининг малакасиз қисми орасида мавжуд бўлиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. 1924 йилнинг охирига келиб Туркистонда 9 мингдан ортиқ ишсиз расман ҳисобга олинган эди[17].

Республика раҳбарияти ишсизлик натижасида ижтимоий портлаш келиб чиқиши мумкинлигини тушуниб, 20-йилларда ишсизликни юмшатиш юзасидан айрим чора-тадбирлар белгиладилар. Хўжалик органлари, артеллар ва жамиятларга ишламай турган биноларни, хом ашё ва ускуналарни меҳнат биржалари қарз бериб турдилар.

Моддий ресурслар чекланган бўлишига қарамасдан ишсизларга иложи борича ёрдам кўрсатилди[18]. Асосий маблағлар ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари жамғармаларидан ва бюджет дотацияларидан келиб тушарди, ишсизларга ёрдам кўрсатиш ойликлари ўтказиб туриларди.

Ўша йилларда ишсизликнинг тугатилиши ва аҳолининг моддий аҳволини яхшилашнинг муҳим шарти саноат ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши бўлди. Агар 1923-1924 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражанинг 25,1% ни ташкил этган бўлса, 1926-1927 йилларда 74,4% ни ташкил этди[19]. Бундай ўсиш саноат моллари танқислигини камайтиришга, истеъмол бозорининг нисбатан тўлишига имкон берди. Иш ҳақи ҳам ошиб борди. Масалан, 1923 йилдан 1930 йилгача ишчиларнинг ўртача иш

---

[17] Народное хозяйство Средней Азии. 1925, № 7. - С.48.
[18] ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 113-йиғма жилд, 14-варақ; 144-йиғма жилд, 129-варақ,.
[19] Материалы к отчету правительства УзССР ЦИК Советов СССР.

ҳаки 36 сўмдан 87 сўмгача кўтарилди[20]. Лекин ишчилар иш хаки ошиб борганига карамай, у пулнинг қадрсизланиши суръатидан орқада қолаётган эди.

Иқтисодиётнинг тикланиши ва мустаҳкамланишига қараб республиканинг миллий даромади ортиб борди, у 1924-1925 хўжалик йилидаги 20338 минг сўмдан 1932 йилда 837,8 млн. сўмга етди[21]. Улардан 1932 йилда ижтимоий эҳтиёжларга 332,7 млн. сўм ажратилди. Шу билан бирга Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқлари йўқлиги туфайли бюджет маблағларидан мустақил фойдалана олмасди. Ҳамма нарсани расман Москва белгилаб берарди, миллий республикалар билан ўз муносабатларини синфий ва империяча негизларда амалга ошириб, республикалар ҳуқуқларини мутлақо чеклар эди. Бундай ёндашув республиканинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари доирасидан айрим ижтимоий гуруҳларни чиқариб ташлаш ва миллий камситишларнинг кўпдан-кўп намоён бўлишини келтириб чиқарарди.

Мустабид тузумнинг ижтимоий сиёсати, унинг амалиёти ва халқ моддий фаровонлигини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишдаги нуқсонлари, айниқса, аҳолини ижтимоий таъминлашни ташкил этишда яққол намоён бўлди. Аввал бошданоқ шўро давлати «меҳнаткаш бўлмаган» қатламлардан ташқари ўлка маҳаллий аҳолисининг асосий қисми бўлган ўзбек деҳқонларини ижтимоий таъминлаш доирасидан чиқариб ташлаган эди. Фақат шаҳар аҳолиси, асосан ишчилар, «қизил жангчилар» ва уларнинг оила аъзолари (улар асосан европаликлар эди) ижтимоий таъминот тизими билан қамраб олинган эдилар. Мазкур йўл янги иқтисодий сиёсат йилларида ҳам, шунингдек, кейинги ўн йилликлар давомида ҳам сақланиб қолди. Қишлоқ аҳолиси давлат томонидан хеч қандай ижтимоий тўловлар билан таъминланмаган эди, улар ўзлари ҳақида ўзлари ғамхурлик қилишлари лозим эдилар.

Ижтимоий таъминотнинг устивор турларидан бири нафақа билан таъминлаш эди. 1932 йилда нафақанинг ўртача

[20] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2171-йиғма жилд, 59-варақ, 737-фонд,
[21] История народного хозяйства Узбекистана. - Т., 1962.

миқдори 32,9 сўмни ташкил этди[22]. Бу одамлар эҳтиёжларини қондиришга мутлақо етмас эди. Бунинг устига жамиятнинг кўпгина қатламлари пенсия ва нафақалар олиш ҳуқуқидан амалда фойдаланмас эдилар. Улар орасида деҳқонлардан ташқари диний муассасаларнинг хизматчилари ва бошқалар бор эдилар.

Кенг аҳоли оммасидан пул олишнинг усуллари орасида заёмлар муҳим рол ўйнарди, улар, кўпинча, бусиз ҳам жиддий молиявий муаммоларни бошдан кечираётган кишиларга мажбуран тиқиштириларди. Бунинг учун аҳолига мафкуравий, кўпинча, эса маъмурий таъсир кўрсатишнинг турли-туман шакллари қўлланарди. Натижада, 1924-1929 йиллар даврида заёмлар сотиш 45 бараварга кўпайди[23].

Савдо-сотиқни ва маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар бир текисда кечгани йўқ. Хусусий мулк эгаси ҳатто ўзининг нафи тегиши муқаррар бўлган соҳалардан ҳам сиқиб чиқарилди. Ҳолбуки, Ўзбекистонда савдо-сотиқ маҳаллий аҳоли фаолиятининг анъанавий соҳаси бўлиб келганлиги маълум.

Савдо-сотиқдаги хусусий секторга қарши кураш янги иқтисодий сиёсат йилларида ҳам, асосан, давлат ва кооператив савдони мустаҳкамлаш йўли билан олиб борилди. Бу даврда давлат савдосининг асосий тарғиботчиси бўлиб шаҳарда «Ўзбексавдо», қишлоқда «Ўзбекбирлашув» майдонга чиқди.

Янги иқтисодий сиёсат даврининг воқеликлари шунга имкон бердики, 20-йилларнинг иккинчи ярмида озиқ-овқат ва саноат молларининг хиллари, уларни олиб келиш миқдори кўпайиб борди. Буларнинг барини аҳолининг харид қилиш қобилиятини бирмунча ўсганлиги билан бирга қўшиб баҳоланса, унинг турмуш даражасида қандайдир ижобий силжишлар бўлганлигини сезиш қийин эмас. Афсуски, 20-йилларнинг охирига келиб янги иқтисодий сиёсат жадаллик билан сиқиб чиқарила бошланди. Навбатдаги «коммунизмга сакраш» устунлик қилди, у раҳбарликнинг маъмурий-буй-

[22] ЎзР МДА 737-фонд, 1-рўйхат, 511-йиғма жилд, 35 - 36-варақлар.
[23] ЎзР МДА 837-фонд, 1-рўйхат, 160-йиғма жилд, 45 - 48-варақлар.

рукбозлик усулларини мустаҳкамлаш билан бирга «буюк бурилиш» йўлида ўз ифодасини топди.

Ҳамма жойда «гайкаларни каттикроқ бураш», иқтисодий волюнтаризм сиёсати кучайтирилди, бу эса аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Чунки «буюк бурилиш» йўли ўз моҳиятига кўра халқни талашга асосланган эди. Давлат хазинасини тўлдиришнинг фавкулодда воситаси қоғоз пулларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайтирилиши бўлди, улар товарлар билан таъминланмади. Натижада сўмнинг ҳакикий киймати тезда пасайиб кетди. Биринчи беш йилликда у 60%дан кўпроқ пасайди. Нарх-наво шиддат билан кўтарилиб кетди. Озиқ-овкат ва саноат молларининг давлат нархи ўн баробар ортди[24]. Инфляциянинг юқори суръатлари иш ҳакининг реал қийматини таъминлай олмади. Биринчи беш йиллик охирига келиб, ишчилар ва хизматчиларга тўланадиган реал иш ҳаки камида 20% га пасайди.

Айникса, кишлокларда оғир вазият вужудга келди, у ерда ялпи камбағаллик, очлик, кенг деҳқонлар оммасининг қашшоқлиги кўзга ташланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбуран етказиб беришдан иборат ярамас тажриба аграр муносабатлар тизимини ишдан чиқариб, аҳволни янада мушкуллаштирди. Москва белгилаб берган нореал режа топшириқларини қандоқ қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий ҳокимият органлари жамоа хўжаликларидан ҳам, давлат хўжаликларидан хам, жамоалаштирилмаган якка хўжаликлардан ҳам улар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини битта қўймай «супуриб олардилар». Бундай тажриба кескин аграр тангликка, аҳолининг озиқ-овқат таъминотини ниҳоятда ёмонлашиб кетишига, халқнинг, айниқса, ўзбек деҳқонларининг турмуш даражаси ҳалокатли тарзда пасайиб кетишига олиб келди.

Шўро давлатининг бутун ҳудудида деҳконларни бу тарзда эзишнинг сталинча усули 1932-1933 йилларда ўзи-нинг энг юқори чўққисига кўтарилди ва яна очарчилик фожиаларини келтириб чиқарди. Хорижий тадқиқотчиларнинг баҳо-

[24] Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. -М., 1989. -С.141.

сига кўра, сунъий ташкил қилинган очарчилик қурбонлари сони умуман Иттифоқ бўйича камида 7 млн. кишини ташкил этган. Ўзбекистон ҳам бу фожиадан четда қолмади.

Қишлоқларда бир илож қилиб омон қолишга интилган меҳнаткашларга ёрдам бериш ўрнига уларга қарши қатағон чоралари кучайтирилди. Очлик гирдобига тортилган қишлоқ аҳолиси далалардан дон, картошка ва бошқа маҳсулотларни олиб кетишга мажбур бўлардилар. Шундай мушкул аҳволда қолган деҳқонларнинг бу ҳаракатларига жавобан 1932 йил 7 августда СССР ҳукумати социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу қонунда колхоз мулкини талон-торож қилганлиги учун суд жазо сифатида отиш ва барча мол-мулкини мусодара қилиш, юмшатувчи ҳолатларда эса, 10 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ва бутун мол-мулкини мусодара қилиш белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда, мазкур қонунга мувофиқ, 1933 йилнинг ўзида 2,5 минг деҳқон маъмурий жавобгарликка тортилди[25].

1935 йил февралда қишлоқ хўжалиги артелининг янги низоми қабул қилингандан кейин аҳвол бирмунча юмшади. Низомга мувофиқ, қишлоқ меҳнаткашларига томорқа участкалари ажратиб бериш ва чорва молига эга бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган эди. Айни вақтда колхоз ва совхозларга белгиланган солиқлар бир оз камайтирилди, колхоз тузумини хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун бюджетдан маблағлар ажратиш кенгайтирилди, қишлоқ хўжалиги учун техникалар етказиб бериш кўпайтирилди.«Социалистик типдаги агрокорхоналар»ни мустаҳкамлашга қаратилган маъмурий-хўжалик чораларининг мажмуи бу корхоналарнинг даромадли бўлишига туртки берди. Агар 1935 йилда Ўзбекистон колхозларининг умумий даромади 347,7 млн. рублни ташкил этган бўлса, 1937 йилга келиб бу даромад 2190 млн. рублга етди. Меҳнат кунига бериладиган пулнинг салмоғи янада тўлақонли бўлиб борди. 1937 йилда бир меҳнат кунини баҳолаш ўрта ҳисобда 4 сўм 15 тийинни ташкил этди, ҳолбуки, 1933 йилда у 75 тийин бўлган эди. Бироқ ёзилган

[25] ЎзР ПДА, 58-фонд, 13-рўйхат, 10-йиғма жилд, 4 -3-варақлар.

меҳнат кунларига тўланадиган умумий пул миқдори кўп болали деҳқон оилаларининг яшаши учун керак бўладиган энг кам миқдордаги маблағни ҳам таъминламас эди. Бу жиҳатдан шахсий томорқа участкалари деҳқон хўжаликларига қисман бўлсада ёрдам бериши мумкин эди. Бироқ Ўзбекистонда томорқа участкаларининг ҳажми умумиттифоқ нормасидан (0,5 га) тахминан 2 баравар кам эди. Бунинг устига, томорқа участкалари билан ҳамма деҳқонлар ҳам таъминланган, деб бўлмайди. Масалан, 1937 йилда ўзларининг ёрдамчи хўжаликларига эга бўлмаган деҳқон оилаларининг салмоғи 28,7% ни ташкил этарди. Томорқа участкасига эга бўлмаган 42,3% деҳқон хўжаликлари, ўша йиллар атамаси билан айтиладиган бўлса, «сигирсиз эдилар». Давлат деҳқон хўжаликлари эгалик қилиши мумкин бўлган чорва моллар сонини ва томорқа участкалари ҳажмини қатъий чеклаб қўйган, жонлиқлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун ҳалокатли солиқлар белгилаган эди. Натижада, уларнинг салмоғи қишлоқ оилалари даромадининг умумий таркибида бор-йўғи 14-15%ни ташкил этарди. Деҳқонлар фаровонлигининг асосий манбаи, сиёсий раҳбариятнинг фикрича, ижтимоий ишлаб чиқаришдан иборат бўлиши керак эди. Лекин у иқтисодий эрксизлик исканжасига олинган бўлиб, инсонга муносиб турмуш шароитларини таъминлай олмасди. Гарчи 30-йилларнинг ўрталарида рўй берган айрим ижобий ўзгаришлар шаҳар аҳолисининг моддий таъминотини яхшилашга нисбатан таъсир кўрсатган бўлса ҳам, унинг аҳволи мураккаблигича қолаётган эди. 1933 йилда ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 1929 йил даражасидан 168%, 1937 йилда эса у 280% ташкил этди (бу ўсиш пулнинг қадрсизлигидан эди). Ижтимоий эҳтиёжлар учун қилинадиган ҳаражатлар ҳам ортиб борди. Агар 1932 йилда Ўзбекистондаги ижтимоий-маданий тадбирларга давлат бюджетидан 188,4 млн. рубл ажратилган бўлса, 1938 йилга келиб 824,3 млн. рубл ажратилди. Бироқ амалга оширилган чора-тадбирлар аввалгидек, асосан, ишчилар синфининг аҳволини бир оз ўзгартиришга қаратилган бўлиб, қишлоқ аҳолиси эса барқарор ижтимоий таъминот доирасидан четда

қолаверди. Шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджет маблағларининг кўпайишини давлат эзилган деҳқонларни, шу жумладан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини талаш ҳисобидан қоплади. Шунингдек, саноат моллари таннархини пасайтириш, мукофотлашларни бекор қилиш, кенг халқ оммасини ҳақ тўланмайдиган меҳнатга (шанбаликларга) жалб қилиш, сифатини яхшилаш баҳонасида кўпгина товарларнинг нархини яширин равишда ошириш ҳисобига қоплаб борди.

Социалистик давлат ролини кучайтиришнинг умумий жараёни савдо соҳасига ҳам таъсир қилди. 30-йилларда савдо ва умумий овқатланиш узил-кесил давлат ихтиёрига ўтказилди. Ўзбекистон чакана савдосида «хусусий» унсурларнинг улуши 1939 йилга келиб 1,4%гача тушиб қолди[26]. Товарларнинг, айниқса, саноат товарларининг хиллари унчалик кўп эмаслигига қарамасдан, давлат савдоси ва кооператив савдонинг ҳажмти секин-аста ортиб борди. Иккинчи беш йиллик мобайнида уч баравардан зиёд кўпайди. Савдо-сотиқнинг кўпайиши билан давлат дўконлари ва савдо чодирларининг тармоғи кенгайди. 1928 йилдан 1938 йилгача уларнинг сони Ўзбекистонда 4,9 баравар ортди, яъни 2713 тадан 13322 тага етди[27].

Ўзбек қишлоқларидаги вазият, сиртдан қараганда, анча яхшидай туюларди. Бу ерда биринчи беш йиллик даврида умумий майдони 630 минг кв. м бўлган эски уйлар таъмирланиб қўшимча равишда ишга туширилди, иккинчи беш йиллик даврида эса 1220 минг кв.м уй-жой фойдаланишга топширилди[28]. Лекин деҳқон яна давлатдан ҳеч қандай ёрдам олмасдан қолаверди, қишлоқ аҳолиси уй қуришни, асосан, анъанавий ҳашар усули билан амалга оширар эди.

Фикримизча, умуман, давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш тизими ягона бозор алоқаларини ташкил қилиш учун, албатта, ўзгарувчан меъёрлардан иборат бўлиши лозим. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг,

---

[26] ЎзР МДА, 837-фонд, 16-рўйхат, 15-йиғма жилд, 164-варақ

[27] ЎзР МДА, 40-фонд, 1-рўйхат, 138-йиғма жилд, 100 – 104-варақлар.

[28] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. - Т., 1967. - С.207.

тийёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳамда аграр соҳага тааллуқли бўлган бошқа соҳаларнинг ҳам ўзгаришларини инобатга олиб, турли меъёрлар ўзгариб туриши назарда тутилади. Яъни, молиялаштириш кишлоқ хўжалиги объектларининг молиявий ҳолатлари, улар жойлашган ҳудуднинг шарт-шароити ва молиялаштирилган маблағларнинг нақадар самара бераётганлигини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бюджет трансфертлари аграр секторни қўллаб-қувватлашнинг асосий қисмини ташкил қилади. Миллий иқтисодда аграр сектор бюджет ҳисобидан қўллаб-кувватланадиган асосий бўғин ҳисобланади.

## 1.2. Аграр муносабатлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари

XX аср 20-йилларининг ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иктисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларини товар билан таъминланиши ошди, аҳолининг турмуш даражаси бирмунча кўтарилди. Шунга қарамасдан, қишлок хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган ва вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7% ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2% ташкил этарди[29].

Қишлок иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири ўша даврда кенг миқёсли аграр ислоҳотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарур-

---

[29] УзР МДА,58-фонд, 1-руйхат, 788-йиғма жилд, 141-варақ.

лигини вужудга келган муаммоларнинг кескинлиги тақозо қиларди. 1921-1922 йиллардаги ер ислоҳотига қарамасдан, ўзбек қишлоқларида ҳали олдинги мустамлакачилик даврига хос бўлган кўпгина ўзига хос хусусиятлар, биринчи навбатда, кам ерлилик ва ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача[30] ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8% ни ташкил этарди[31].

Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлинганлиги билан ажралиб туради. Майда деҳқон хўжаликлари, асосан, суғориладиган кичик ҳудудлар – Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм воҳаларида тўпланган эди. Агротехниканинг ўта оддийлиги, ирригация тизимининг танг ҳолатдалиги, маблағларнинг камлиги янги ерларни жадал ўзлаштириш имконини бермаган эди. Буларнинг ҳаммаси ер масаласининг кескинлашувига олиб келди.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, камбағал деҳқонлар ва бадавлат қатламлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама қаршилик танглигининг янада кучайишига сабаб бўлди.

Ер масаласи билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг товарлик хусусиятини ошириш муаммоси ҳам кескин бўлиб турарди. Бу эса аграр муносабатларни тубдан янгилаш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш зарурлигини англатарди. Барча ривожланган мамлакатлар ана шу босқични ўтганлар. Чунки биричи бор «буржуа инқилоби» қўйган аграр вазифани ҳал қилмай туриб, чуқур бозор ислоҳотларини амалга оширишга йўл очиш мумкин эмасди. Афсуски, аввал бошданоқ большевиклар белгилаган аграр ислоҳотлар бозор тизимини инкор этарди.

Ҳокимият органлари, аграр ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқлар ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини инкор этдилар.

---

30 1 десятина 1,0925 га тенг.

31 ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3097-йиғма жилд, 122-варақ.

Большевиклар раҳбариятининг мулоҳазаси бўйича ислоҳот ўзбек қишлоқларининг социалистик ривожланиш йўлига қатъий тушиб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши, мафкура таъсирига олинган қишлоқ иқтисодиётининг таянч негизларини вужудга келтириши лозим эди.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, 1925 йил ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон компартиясининг II съездида қабул қилинган аграр ислоҳотлар стратегия ва тактикаси, 1925 йилнинг 2 декабрида ЎзССР МИҚнинг фавкулоддаги сессиясида қабул қилинган “Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида” декрет, республика шўролари МИҚнинг ер сув ислоҳоти декретида аграр ислоҳотларни амалга ошириш йўналишлари ва босқичлари берилиб, ислоҳотларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди[32]. Хусусан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 50 десятинадан ортиқ ери бор «помешчик типи»даги хўжаликлар ва Фарғона вилоятидаги 40 десятина ери бор хўжаликлар мусодара қилиниши кўзда тутилган эди. 7-10 десятинадан ортиқ ери бор хўжаликлар эса қисқартирилиши лозим эди[33].

Ислоҳот бошланишига қадар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида фаол ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди. Ҳамма жойда «Қўшчи» иттифоқи аъзоларининг йиғилишлари, махсус қишлоқ йиғинлари бўлиб ўтди ва фаол чорикорлар, мардикорлар, ерсиз деҳқонлардан иборат ислоҳотга кўмаклашиш ячейкалари сайланди. Улар ёрдамида барча тоифадаги хўжаликларнинг руйхатлари тузилиб, ерга муҳтож бўлганлар сони аниқланди, «ортиқча» иш ҳайвонлари ва зўрлик билан тортиб олиниши лозим бўлган «меҳнат билан шуғулланмайдиган» хўжаликлардаги қишлоқ хўжалиги асбоблари ҳам ҳисобга олинди.

Ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилди, сабаби улар ислоҳотни ишончсизлик ва эхтиёткорлик билан кутиб олган эдилар, чунки улар ислоҳот натижасида ўзларининг чек ерларидан ажраб қолишдан чўчир эдилар. Ҳолбуки,

---

[32] Ўз КП (б) II съезди. Стеногр. Ҳисоботи (1926 йил 22 – 30 ноябр). – Самарқанд, 1926. - Б.143.
[33] Правда Востока. 1925, 10 декабря.

ўртаҳол деҳқонлар қишлоқда асосий куч бўлиб, ислоҳотнинг бутун бориши ўртаҳол деҳқонлар қайси табақадан келиб чиққанига ва қайси қатламларга қўшилишига боғлиқ эди. Шу сабабдан ҳам большевиклар ўртаҳол деҳқонга устамонлик билан муносабатда бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, партия уларни ўз томонига оғдиришга интилди. Ўртаҳол деҳқон «иқтисодиётни ривожлантиришда... ва ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини амалга оширишда асосий, марказий фигура»[34], деб эълон қилинди. Уни мулкий манфаатлардан халос қилишга доийр чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, республика бўйича ўртача «меҳнат учун ердан фойдаланиш» нормаси 4 десятинагача қилиб белгиланди. Хўжаликда иккита отга эга бўлишга рухсат этилган эди. Аграр ислоҳот «синфий зарбаси»нинг бутун кучи гўё йирик ер эгалигига қарши, «помешчик» типидаги хўжаликларни тугатишга қаратилгандек эди.

1925-1929 йиллар давридаги ислоҳотларнинг боришида ери тортиб олинган хўжаликлар ер участкаларининг ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўйича мутлақо помешчик хўжаликлари тоифасига киритилиши мумкин эмасди. Лекин шартли равишда (маҳаллий ўзига хосликни эътиборга олганда) уларни кўпроқ қулоқ хўжаликлари билан киёслаш мумкин эди. Чунки «инқилобдан олдинги» Россиядаги ўртача помешчик хўжалиги қарийб 500 десятина ҳайдаладиган ерга, қулоқ хўжалиги эса 16-20 десятина ерга эга эди. Ўрта Осиё минтақасида (округига қараб) 10-15 десятина ерга эга бўлган хўжалик бой хўжалиги, деб ҳисобланар эди[35]. Аслида, Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти ана шу бой деҳқонлар ёки қулоқ хўжаликларига қарши қаратилган эди. Чунки Ўзбекистон коммунистларининг II съездида қабул қилинган «Ер ислоҳоти тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ердан фойдаланиш «нормаси қисқартириладиган бой гуруҳига» ёлланма меҳнатни тадбиқ қилган барча хўжаликлар ҳам киритилган эди[36].

---

[34] КП Узбекистана в резолюциях и решениях... - Т., - С.139.
[35] КП Узбекистана в резолюциях и решениях... - Т., - С.137.
[36] Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т., 1995. - С.13.

Тадқиқотларни натижасида хулоса қилиш мумкинки, 1925-1929 йилларда амалга оширилган ислоҳотни оммавий жамоалаштириш (коллективлаштириш) амалга оширилган «қулоқлаштириш» сиёсатининг боланиши сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки, жамоалаштиришни ўтказиш жараёнида, шахсий ўч олиш, зўравонлик кўрсатиш каби кўпдан-кўп ҳолларга йўл қўйилган эди. Бунда шўро ҳокимиятининг шу йиллардаги барча органлари учун хос бўлган «инқилобий-бюрократик» тафаккур мантиқига мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ортидан қувиш, натижасида дастлабки режага кўра 1925 йилда бутун Фарғона вилоятида 155 та хўжаликни тугатиш мўлжалланган бўлса, 1926 йилнинг 15 январига келиб, режадаги мўлжаллар 3,5 баравардан кўпроқ бўлиб чиқди. Тугатилган хўжаликлар сони 575 тага етди. Вақф ер эгалигига жиддий путур етказилди, диний мактаблар, мадрасалар ва бошқа муассасаларни таъминлашга ишлатиладиган диний ташкилотларнинг ерлари, мол-мулки мусодара қилинди.

Камбағал деҳқонларнинг айримлари яқин кишиларидан тортиб олинган ерларни олишдан бош тортдилар. Мисол учун, Самарқанд уездининг Оқтош қишлоғи камбағаллари қишлоқ йиғинида «бегонанинг еридан фой-далангандан кўра очликдан ўлганимиз афзал», дедилар[37]. Бироқ маъмурлар бу хилдаги «ислоҳотга қарши» кайфиятларга қатъиян зарба берардилар. Умуман, Ўзбекистон бўйича 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти натижасида «помешчик типи»даги 1492 та хўжалик тугатилди. 27992 та хўжаликнинг ери тортиб олинди ёки қисқартирилди[38]. 89492 та ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликлари чек ерлари олишди. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлган 1925-1929 йиллар аграр ислоҳоти ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан, ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан, асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида

---

[37] “Правда Востока”.1925. 30декабр.

[38] УзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5565-йиғма жилд, 34-35-варақлар.

шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятларнинг бузилишини бошлаб берди.

Натижада ислоҳот ўзбек қишлоқларининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилишига ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар киритди. Ислоҳот жараёнида шаклланган кам кувватли хўжаликлар тортиб олинган 474893 десятина ер фондидан бор йўғи 10%ини олдилар ҳолос. Камбағаллар қатлами ислоҳотдан кейин ҳам кўпчиликни, умумий деҳқон хўжаликларининг учдан бир кисмидан кўпроғини ташкил этарди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий кисми эса колхоз ва совхозларга берилди. Ер ислоҳоти ўзининг бутун мазмуни билан бадавлат хўжаликларни чеклашга ва қишлоқда синфий курашни авж олдиришга қаратилган эди.

Кооперация ўзига хос синфийликдан ташқари хусусиятга эга эканлигини айтиб ўтиш ҳам муҳимдир. Объектив жиҳатдан олганда, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида кооперация қишлоқда бозор муносабатларини тиклаш ва хўжалик ҳаётини жонлантириш борасида муҳим воқеа бўлди. Бироқ кооперация аҳолини мустакил ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқарувчи субъектлар сифатида ташкил этган тақдирдагина ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Кооператив бирлашмаларнинг давлат манфаатдор бўлган шакллари анча кўпроқ ривожланди. Давлатнинг иқтисодий манфаати эса аввалгидек, биринчи навбатда, пахтачиликка қаратилган эди. Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонга асосий пахта етказиб берувчи республика сифатида қараб, ўлкада пахта етиштириш ҳажмтини жадаллик билан оширишга кўпроқ аҳамият берарди. Янги иқтисодий сиёсатга утилиши билан ҳукумат пахтачилик кооперациясининг имкониятларидан фойдаланиш, бу стратегик вазифани ҳал қилиш кафолати деб билди. 1927 йилда республикада 386 та пахтачилик кооперативлари мавжуд эди[39].

Пахтачилик кооперацияси ёрдамида ғўза экинлари ҳосили учун олдиндан шартномалар (контрактация) тузиш амалга оширилди, хом ашёни сотиб олиш ташкил этилди, хўжаликни асбоблар ва жиҳозлар билан таъминлаш йўлга қў-

[39] ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 1403-йиғма жилд, 120-121 вараклар.

йилди. 1925 йил бошларида республика ҳудудида кооператив ташкилотларининг факат икки тури: универсал қишлоқ хўжалиги («Ўзбекқишлоқ иттифоқи») ва матлубот кооперациялари мавжуд эди. 1927 йил февралга келиб «Ўзпахтасоюз» пахтачилик кооперацияси, 1928 йил мартда «Колхозцентр» ва «Колхозиттифоқ» октябрда «Чорваиттифоқ» кооперациялари ташкил топди. Кейинроқ боғдорчилик-узумчилик бирлашмалари вужудга келди. Умуман, 1928 йилнинг охирига келиб 1888 та пахтачилик, 442 та ғаллачилик, 263 та ипакчилик, 250 та чорвачилик, 205 та мева-узумчилик ва 223 та мелиоратив ширкатлар фаолият кўрсатаётган эди[40].

Кооператив ҳаракатни авж олдириш соҳасида қурилган чора-тадбирлар ўзбек қишлоқларини маълум даражада бозорга тортишга, майда товар хўжалигини жонлантиришга ёрдам берди.

1927-1928 йилларда узоқ муддатли ссуданинг 92,5%и ва қиска муддатли ссуданинг 89,7%и камбағаллар гуруҳи ҳиссасига тўғри келди. Ўртаҳол деҳқонлар гуруҳининг улуши тегишли равишда 4,8 ва 10,3%га тенг бўлди, бадавлат хўжаликлар эса бутунлай ссуда олмади[41].

Контрактация тизими жиддий камчиликларга эга бўлиб, деҳқонлар унга кооперация орқали ёппасига жалб қилинган эди. Бу тизим қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига ҳамиша ҳам фойдали бўлавермади ва давлатнинг қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга бўлган монополиясини ўрнатишга ёрдам берди, бундан коммунистик метрополия манфаатдор эди. Хусусан, 1928 йилда давлат контрактацияси билан пахта ва пилла тайёрлаш деярли 100%, қоракўл тери 82% ва жун тайёрлаш 70% қамраб олинган эди[42].

Давлат якка тартибдаги хўжаликларни колхозларга бериладиган имтиёзлар тизими, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги техникаси ва шу кабилар билан таъминлаш орқали рағбатлантирди. Шунга қарамасдан, 1928 йилдан бошлаб кол-

---

[40] РГАЭ, ф.1562, оп.72, д.500, л.71.
[41] РГАЭ, ф.1562, оп.72, д.560, л.82-84.
[42] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 970-йиғма жилд, 122-варақ.

хозларни жадал суръатлар билан ташкил этиш сиёсати ўтказила бошланди. Масалан, Қашкадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида ислоҳот жараёнида ерга эга бўлган 4382 та хўжаликдан 1125 таси мажбурий равишда қишлоқ хўжалиги артелларига бирлаштирилди. Лекин бу ҳол Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ер-сув ислоҳоти ўтказиш вақтида бўлмаган эди[43]. Натижада, республикадаги колхозлар сони 1927 йилдаги 839 тадан 1929 йилда 1665 тага етди ва бу даврда уларга 30 минг киши аъзо бўлиб кирган эди[44]. Ўрта ҳисобда битта колхозга амалда 12 та деҳқон хонадони ва 42 одам тўғри келарди[45]. Колхозларга, одатда, батраклар ва кам ерли деҳқонлар кирган эди. Айни пайтда, совхозлар ҳам тузила бошлади. Уларнинг сони 1927 йилнинг охиридаги 41 тадан 1929 йилда 66 тага етди ва улар асосан пахтачилик хўжаликлари эди[46].

Таҳлилларимиз вақт ўтиши билан хўжалик қурилишида маъмурий-буйруқбозлик тазйиқи кучайиши билан иқтисодий усулларидан чекиниш тобора кўпроқ кўзга ташлана борди. Маъмурий-буйруқбозлик усуллари томон сезиларли равишда бурилиш айникса 1927-1928 йиллар чегарасида намоён бўлди. Худди ўша вақтда Сталин «йирик хўжаликлар» масаласи асосан ҳал бўлди, деб хисоблаб, партияни аграр секторда майда товар негизини сунъий равишда чеклашга ва ўртаҳолларни унинг моддий омили сифатида иқтисодий жиҳатдан бўғишга йўналтирди.

Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда босилиб чиққан «Буюк бурилиш йўли» номли мақоласи жадал жамоалаштиришни «назарий» жиҳатдан асослаб берди. Унда кенг қишлоқ оммаси колхозларга кириш учун етилди, деб айтилган эди[47].

Аграр сиёсатдаги янги йўл Ўзбекистонда оғир оқибатларни келтириб чиқарди. ВКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг карори билан 1932 йилнинг бошларига келиб деҳқон

---

[43] Юсупов Э.Ю. Переход к социализму,минуя капитализм. - М., 1987. - С.170.
[44] РГАЭ, ф.1562, оп.72, д. 746, л.18.
[45] ЎзР МДА, 775-фонд, 1-йиғма жилд, 58-варақ.
[46] Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана.1917-1960. - Т., 1993. - С.22 -33.
[47] «Правда».1929, 7 ноября.

хўжаликларининг 68% ини колхозларга бирлаштириш режаси қабул килинди[48].

Маъмурий тазйиқ натижасида орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин бирорта ҳам колхоз тузилмаган айрим туманлар жамоалаштиришни тугатганликлари ҳақида маълумот бердилар. Чунончи, Андижон округининг Асака туманида деҳқон хўжаликларининг «юз фоиз жамоалаштирилганлиги» ҳақидаги маълумотлар республика штабига 1930 йил февралнинг бошларида келиб тушди. Хоразм округининг Шовот ва Розовот туманларида тўлиқ жамоалаштириш уч ҳафта ичида тугалланди. Самарқанд округи бўйича 1929 йилнинг 2 июлигача 3602 та хўжалик, 1930 йилнинг 15 мартига қадар 51 минг хўжалик жамоалаштирилди[49].

Жамоалаштиришнинг «жадал суръатлари» натижасида республика бўйича 1930 йилнинг мартида деҳқон хўжаликларининг 47%и жамоалаштирилди, бу кўрсаткич 1929 йилнинг 10 октябрига қадар бор-йўғи 3,4% га тенг эди, ҳолос.

Москванинг тайзики билан 1931 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда ёппасига жамоалашган туманлар ташкил этиш тажрибаси кайта тикланди. Иттифоқнинг ғаллакор туманларини жамоалаштириш суръатлари бўйича «қувиб етиш ва ўзиб кетиш» шиори яна илгари сурилди. Бу вазифани таъминлаш илгари ишлаб чиқилган режа бўйича амалга оширилди. Натижада, агар 1930 йилнинг июнида республикада 6124 та колхоз мавжуд бўлиб, уларга жалб қилинганлар деҳқон хўжаликларининг 27,1%ини ташкил этган бўлса, йилнинг охирига бориб, бу кўрсаткич 37,7%га, 1931 йилнинг майида 56,7%га, 1 декабрда эса 68,2%га етди[50]. Одатда, таъқиб қилинганлар туман ташқарисига, республиканинг аҳоли кам яшайдиган минтақаларига чиқариб юбориларди, у жойларда 17 та махсус посёлкалар ташкил этилган эди[51]. Ўзбекистондан ташқарига дастлаб қўшни Ўрта Осиё респуб-

[48] РЦХИДНИ, ф.62. оп.1, д.2549 ,л.74.
[49] Самарканд ВДА, 125-фонд, 1-рўйхат. 257-йиғма жилд, 374-варак.
[50] ЎзР МДА, 837-фонд, 9-рўйхат, 410-йиғма жилд, 3-варақ, 400-йиғма жилд, 80-варақ; 10-рўйхат, 535-йиғма жилд, 20-30-вараклар.
[51] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7985-йиғма жилд, 24-варак.

ликаларига, 1931 йилдан бошлаб эса Шимолий Кавказ, Украина, Сибирга сургун қилиндилар.

1931 йилнинг августига келиб яна 3828 та «қулоқ хўжаликлари» тугатилди, республикадан ташқарига Украина, Сибирь ва Шимолий Кавказга 3871 та «қулоқ оиласи» сургун қилинди. 1933 йилда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликлари сони расмий маълумотларга қараганда 5500 тага етган эди[52].

Жамоалаштиришни жадаллаштиришда «иқтисодий» усулларидан ўзига хос тарзда фойдаланилди. Бу усуллар аслида якка хўжалик секторини иқтисодий жиҳатдан бўғиб қўйиш сиёсатидан иборат эди. Якка деҳқонлар учун қишлоқ хўжалиги солиғи миқдори кескин кўпайтирилди, фақат уларнинг ўзидан олинадиган бир галги солиқлар ҳам жорий қилинди. Мажбурий тус олган давлат тайёрловлари ҳажми ҳам тўхтовсиз ортиб борди. Маъмурий тазйиқ ошкора зўравонлик, қишлоқ меҳнаткашларини колхозларга «ҳайдаш»нинг иқтисодий террор усуллари расмий белгиланган «колхоз қурилиши» режаларини сезиларли равишда ошириб бажариш имконини берди. 1932 йилнинг охирларига келиб, умуман, республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7% ини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизида 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди[53]. Колхоз қурилиши суръатларини сунъий равишда авж олдириш, колхозларни «социалистик асосда мустаҳкамлаш», оқибатда республикада фақат бир хил шаклдаги колхоз тузуми қарор топди.

1937 йилга келиб «колхозга қарши кайфиятда бўлганлик учун», «қарзларни тўламаганлик учун», «қулоқлар»га мансублиги учун жамоалаштиришнинг аввалги йилларини ҳам ҳисобга олганда 60 мингдан ортиқ киши қатағонга учради[54]. Шундай қилиб, «қулоқларни синф сифатида тугатиш» масаласи узил кесил ҳал қилинди.

Умуман, жамоалаштириш ўзбек халқининг аграр соҳадаги тарихий ривожланишининг соғлом жараёнларига тўс-

---

[52] ЎзР МДА, 86-58-фондлар, 1-7-рўйхат, 7985-245-йиғма жилдлар, 13-31-вараклар.
[53] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-йиғма жилд, 25-варақ.
[54] Аминова Р.Х.История совхозов Узбекистана.1917-1960. - Т., 1993. - С.49.

кишлик қилди. У деҳқонларнинг давлат томонидан асоратга солинишига олиб келди. Колхозларга зўрлик билан ҳайдаб кирилган деҳқонлар барча асосий фуқаролик ҳуқуқларидан ва аввало, касб фаолиятини танлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар. Жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда оғир зарар бўлиб тушди. Республикада очарчилик бошланди (1933 йил) ва ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди. Жамоалаштириш тўс-тўполонлари пахтачиликка ҳам таъсир кўрсатди, пахта якка-ҳокимлигининг ялпи оммалашувига олиб келди. 1933 йилдаёқ пахта республика тайёрлаб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 81,5% ини ташкил этди. 1937 йилга келиб бу кўрсаткич 93,4% га етди[55].

«Жамоалаштириш»нинг ажралмас бўғини бўлган давлат хўжаликларини МТС ва совхоз шаклидаги агрокорхоналарни ташкил қилишга ҳам жиддий эътибор каратилди. Ўзбекистонда дастлабки машина-трактор станцияси 1929 йилда Асака туманида ташкил этилган эди. 1931 йилда машина-трактор станциялари 48 та туманда ташкил қилинди. 1937 йилга келиб МТСлар сони 163 тага, 1940 йилда эса 189 тага етди[56].

Шўро аграр сиёсати тизимида МТСлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатиши керак эди. Хусусан, улар қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик соҳасидаги бир қатор ишларда механизацияни қўллашда ёрдам бердилар, механизатор кадрларни кўпайтиришга имкон яратдилар. Шу билан бирга, техникани машина-трактор станцияларида жамлаш йўли билан иш ташкил килиш унинг барча имкониятларини бутунлай очиб бера олмади. МТСлар ташкил этилиши билан, шартли қилиб айтганда, иккита «хўжайин» қарор топди, бири техникага жавоб берса, иккинчиси, қолган барча ишларга жавобгар эди. Аслини олганда, колхозлар ва МТСлар ҳақиқий «хўжайинлар» эмасдилар, ҳақикий хўжайин давлатнинг ўзи эди.

---

[55] Ўзбекистон ССР тарихи.3-том. - Т., 1967. – Б. 609.

[56] Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. - Т., 1957. - С.133-134.

МТСларни қайта ташкил этиш ва улар ихтиёрида бўлган техникаларни қишлоқ хўжалиги артелларига мажбуран топшириш соҳасида 1958 йилда амалга оширилган тадбир жамоа хўжаликлари иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Марказий ҳукумат ташаббуси ва маъмурий сиқуви билан Ўзбекистоннинг «қолоқ» жамоа хўжаликлари 358,8 млн. сўм миқдорида қарздор бўлишларига қарамай, 1958 йилнинг 1 майигача 78 та МТС ўзлари хизмат кўрсатадиган 700 та жамоа хўжалигига техникани тўлиқ сотиб бўлдилар[57]. Натижада қишлоқ хўжалиги артеллари сотиб олинган техникаларга тўлаш учун йиллар давомида тўплаган бўлинмас жамғармаларининг анчагина қисмини сарфладилар. Ажабланарлиси шундаки, жамоа хўжаликларини эскириб қолган машина ва механизмларни, очиғини айтганда, яроқсиз техникани сотиб олишга мажбур қилдилар. Бунинг устига, 1958 йилда қишлоқ хўжалиги техникасининг нархи икки марта оширилди. Эҳтиёт қисмлар, ёқилғи нархлари анча юқори қилиб белгиланди. Давлат яна бир марта ўзининг иқтисодий аҳволини қишлоқ меҳнаткашлари ҳисобига яхшилаб олишга уринди.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, XX асрнинг 30-йилларида республикада совхозлар қурилиши тез суръатлар билан амалга оширилди. У кўп жиҳатдан «СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш» вазифаларини таъминлашга бўйсундирилган эди. 1940 йилга келиб совхозларнинг умумий сони республикада 85 тага етди[58]. Бироқ уларнинг колхозлар сингари жадаллик билан қурилиши қишлоқ хўжалигининг тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беролмади. «Жамоалаштириш» натижасида мажбуран ташкил қилинган «колхоз-совхоз тузуми» ердан фойдаланишнинг яроқсиз шакли бўлиб, охир-оқибатда аграр ишлаб чиқаришни таназзулга олиб келиши муқаррар эди.

Колхоз-кооператив мулкини жадал давлат тасарруфига ўтказиш стратегиясининг яққол намунаси оммавий совхозлаштириш йўлида ўз ифодасини топди. 1957 йилдаёқ республикадаги 479 жамоа хўжалиги негизида 82 та совхоз (давлат

---

[57] ЎзР МДА, 90-фонд, 9-рўйхат, 6433-йиғма жилд, 57-варақ.

[58] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статежегодник. - Т., 1967. - С.144

хўжалиги) ташкил этилди. 1960 йилга келиб Ўзбекистондаги жамоа хўжаликлари сони 1950 йилдагига нисбатан қисқартирилиб, 3316 тадан 978 тага қисқарди. Шўро хўжаликлари сони эса, аксинча, 98 тадан 192 тага ортди, 1965 йилга келиб 297 тага етди[59]. Бу ҳол деҳқонларни «ишчиларга айлантириш»дан иборат сунъий жараёнларни кучайтирди, деҳқонларнинг азалий турмуш тарзига путур етказилди.

Жамиятнинг «коммунизмни жадал барпо этишга» йўналтирилиши ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликларни таъқиб қилишни тақазо этди, ўйламай нетмай йўл тутилиши ҳамма жойда томорқа ерларини қисқартириш, чорва молларини чеклашга олиб келди. Хусусан, агар колхозчиларнинг 20-25 сотих томорқа ери бўлган бўлса, шундан қарийб 10 сотихи, давлат хўжалиги ишчиларида эса 9 сотихи қолдирилди. «Коммунистик жадаллаштириш» томон йўл тутиш қишлоқ хўжалигида кутилаётган «кескин юксалиш» ўрнига унинг мунтазам равишда пасайиб боришига олиб келди. Масалан, 60-йилларнинг бошларида давлат хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигининг даражаси 1950 йил даражасига тенг бўлди. Дон экинлари ҳосилдорлиги хўжаликларнинг барча тоифалари бўйича 1960-65 йилларда қисқариб, 7,8 ц/га дан 5,0 ц/га га тушиб қолди, картошка ҳосилдорлиги 69 ц/га дан 57 ц/га, полиз экинлари 66 ц/га дан 62 ц/га, илдизмевалар 156 ц/га дан 114 ц/га тушди. Чорвачиликда ҳам орқага кетиш кузатилди. Ушбу даврда гўшт етиштириш жамоат секторида 128,3 минг т.дан 104,2 минг т.га, сут 338,4 минг т.дан 324,9 минг т.га, жун 19,8 минг т.дан 15,3 минг т.га, қорамоллар 1221,7 минг бошдан 1184,4 минг бошга тушиб қолди[60].

Бу даврда пахтачиликда ҳам зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Ўзбекистан ҳукуматидан пахта етиштиришни кўпайтириш, чигит экишга ажратиладиган майдонларни кескин кенгайтириш талаб қилинди. Бу эса бошқа экин турларини қисқартиришга олиб келди. Юзага келган вазиятни ҳал этиш борасида иттифоқ директив органлари 1956 йил 6 августда

---

[59] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... - С. 140 -146.
[60] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... - С.96 -117.

«Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилгандан кейин пахтачилик хўжаликлари ташкил этиш, айниқса, кенг кўлам касб этди[61]. Мазкур қарорга мувофиқ 1962 йилга келиб Мирзачўлда 300 минг гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик давлат хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди. Қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун ЎзССР Министрлар Кенгаши ҳузурида Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича бошқарма «Главголодностепстрой» ташкил этилди.

Мирзачўл билан биргаликда Марказий Фарғона ерлари ҳам фаоллик билан ўзлаштирилди. Сурхондарё, Зарафшон воҳаларида, Амударё этакларида ҳам йирик ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди. Қарши ва Шеробод чўллари ҳам ўзлаштирила бошланди. Ирригация ишларининг қизғин тус олдирилиши 1955-1959 йилларда 160 мингга, янги ерларни ишга туширишга имкон берди. 1965 йилда Ўзбекистоннинг экин экиладиган майдонлари 350 минг га. га кўпайди, шу жумладан, суғориладиган ерлар 200 минг га. ортди. Йирик қўриқ ва бўз ерлар массивларининг қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши республикада пахта экин майдонларини кенгайтиришга ёрдам берди. Натижада, пахта етиштириш ҳажми 1953 йилдан 1964 йилгача 2525,5 минг тоннадан 3671,4 минг тоннага етди. Шунга қарамасдан, ҳосилдорлик пасайиб кетди. Масалан, 1956 йилда республика бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 22,0 ц. пахта ҳосили олинган бўлса, ушбу кўрсаткич 1962 йилда 19,2 ц.ни ташкил қилди[62]. Кўпгина хўжаликларда ҳосилдорлик бундан ҳам камроқ бўлди.

Бизнинг фикримизча, шўро режими шароитида юзага келган аграр ишлаб чиқаришнинг индустриялаштириш концепцияси ўзининг жиддий камчиликларига эга бўлган. Унинг ижобий томонларидан бири сифатида илғор технологияларни жорий этишга, фан-техника тараққиётини жадал-

---

[61] ЎзР МДА, 1619-фонд, 10-рўйхат, 4112-йиғма жилд, 140-143-варақлар.
[62] ЎзР МДА, 2743-фонд, 1- рўйхат, 2670-йиғма жилд, 10-12-варақлар.

лаштиришга қаратилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, иттифоқ раҳбарияти аввал бошданоқ яроқсиз бўлган ва марксча ғояга асосланган қишлок хўжалигини улкан «аграр фабрика»лар шаклида ташкил этиш сиёсатини амалга ошириб, унинг цехлари ёлланма меҳнатга ва ишни саноат негизида ташкил этишга таянувчи «йирик жамоа хўжаликлари»дан иборат бўлишини таъминлашга ҳаракат қилди. Бундай ёндашув, биринчидан, хўжалик юритишнинг индустриал-оилавий шаклларини ривожлантиришга халақит берар, иккинчидан, қишлоқ хўжалик меҳнатининг ўзига хос томонларини, унинг жонли табиат билан боғлиқлигини инкор қиларди.

Катта миқдорда капитал маблағ сарф этишни талаб қилувчи қишлоқ хўжалигини индустрлаштириш режаси иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб чиқди. Иттифоқ бўйича, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ажратилган маблағларнинг аксарият қисми катта чиқимни талаб қилувчи гигант мажмуалар қурилишига сарфланди, ҳолбуки, улар ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни механизациялашга, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга ёки маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш каби тармоқларни ривожлантиришга сарфланиши лозим эди. Саноат типидаги улкан агрокорхоналар катта маблағ сарф этилишига қарамай самарасиз эди, чунки улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайишини зарур даражада таъминлай олмасди.

Республика ҳукумати ресурслар имконияти доирасида озиқ-овқат экинлари етиштиришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, замонавий чорвачилик мажмуалар қурилиши, паррандачиликни ривожлантириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борди. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилиш бошлаб юборилди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб чорвачилик жиҳозлари ва биноларидан самарали фойдаланиб, барча чорва молларини битта жойда марказлаштирган ҳолда ихтисослашган бригадалар, бўлимлар ва хўжаликлар ташкил этилди.

Сув хўжалиги қурилишида аграр ишлаб чиқаришни кимёлаштириш дастурини амалга оширишдаги жиддий кам-

чиликлар билан ҳам чуқурлашди. Шуни айтиш керакки, караб чиқилаёттан йилларда кимёлаштириш иттифоқ сиёсий раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг, деҳқончиликдан юқори ва барқарор ҳосил олишнинг самарали воситаси деб қаралган эди. Натижада, кимёлаштириш йўли ялпи хусусият касб этди. Айниқса, пахтачиликда кимёвий моддалар фаоллик билан қўлланилди. Масалан, 1965 йилда Ўзбекистан жамоа хўжаликларида ишлатилган 1463,4 минг т минерал ўғитдан 1324,7 минг т. пахтачиликда ишлатилди.Ўша йиллардаёқ сарфланаётган минерал ўғитлар даражаси илмий асосланган нормаларга мос келмасди. Хусусан, иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги самарали ривожланаётган мамлакатларда бир гектар ерга ўрта ҳисобда кўпи билан 100 кг минерал ўғит сарфланди. Ўзбекистонда эса бу миқдор 60-йилларнинг ўрталарида гектар ҳисобига 268 кг.ни ташкил этди. Кимёвий моддаларни ишлатиш динамикаси ва заҳарли воситалар миқдори йилдан-йилга ортиб борди. Фақат 1970-1975 йилларнинг ўзида заҳарли кимёвий моддалар ишлатиш олдинги беш йилликка нисбатан 16,5 баравар ортди. Бу вақтга келиб энг заҳарли ва ҳавфли моддалардан бири бутифос бўлиб, у юқори даражада заҳарли эканлиги билан ажралиб турарди ва кучли таъсир қилувчи дефолиант сифатида ишлатиларди.

Ўзбекистон раҳбарияти қишлоқ хўжалиги ишларида энг заҳарли кимёвий воситаларни ишлатишни мустақил равишда чеклашга уринганда иттифоқ раҳбар доиралари уларни кенгроқ қўллашни қаттиқ туриб талаб қилганлар.

1965 йилда эълон қилинган навбатдаги «янги» аграр йўлни ҳам «аяб» ўтирмади, ўша вақтда қишлоқ хўжалигини юксалтиришга доир таклиф этилган дастурда иқтисодий муносабатлар механизмини янгилаш, моддий рағбатлантириш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган ижобий чора-тадбирларни, яъни жамоа ва давлат хўжаликларига бирмунча иқтисодий мустақиллик беришни назарда тутган эди. Иқтисодий омиллардан фойдаланишга қаратилган бу чораларда айрим ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа хўжаликларида колхозчилар меҳнатига на-

тура шаклида ҳақ тўлаш билан бир қаторда, пул билан ҳақ тўлаш ҳам жорий этилди. Хўжалик ҳисоби асосларини фаоллаштиришга, меҳнатни ташкил этишнинг айрим илғор шаклларини жорий этишга диққат эътибор кучайтирилди. Булар орасида бригада-жамоа пудрати шакли истиқболли, деб эътироф қилинди.

70-йилларнинг бошларига келиб, Ўзбекистонда 18 та гўштчилик, 8 та чўчқачилик ва 34 та қоракўлчилик давлат хўжаликлари ишлаб турарди[63].

80-йилларнинг ўрталарига келиб сутчилик йўналишидаги давлат хўжаликлари 103 тага, паррандачилик хўжаликлари 63 тага етказилди[64].

Ўша йилларда хўжаликлараро бўрдоқичилик корхоналари ташкил этилди, улар қорамолларни семиртириб боқиш, чўчқа ва паррандалар етиштиришга қаратилган эди. 1967 йилнинг ўзида бундай бирлашмалар Ўзбекистонда 55 тага етказилди. 1980 йилга келиб моддий воситаларни бир жойга жамлаш ва тармоқ самарадорлигини ошириш мақсадида «Узглавмежхозживпредприятие» ташкил этилди. У 91 та корхонани ўз ичига олган бўлиб, 865 та жамоа ва давлат хўжаликлари уларнинг пайчилари эди. 1981 йилда бундай корхоналарнинг умумий сони 115 тага етди. Бу даврда қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг таъсирчан воситаси агросаноат интеграциясидан иборат деб ҳисобланди, у йирик давлат-кооператив бирлашмалари ва корхоналарини ташкил этишни назарда тутарди, 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб уларни жорий қилиш юзасидан ҳаракат бошланди. Хусусан, Ўзбекистонда агросаноат кооперациясини ривожлантириш учун 1975 йидда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика агросаноат бирлашмаси ташкил этилди, у мева, узум, сабзавот, картошка ва полиз экинларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланарди.

Мазкур бирлашма негизида 1981 йилда республика мевасабзавот хўжаликлари вазирлиги ташкил этилди. У 275 та ихтисослаштирилган давлат хўжалигини, 18 та виночилик ва

---

63 Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1985. №7. – Б.2.

64 ЎзР МДА, 365-фонд, 2-рўйхат, 128-йиғма жилд, 69-варақ.

11 та консерва заводларини бирлаштирди, уларда 190 мингдан ортик киши меҳнат қиларди. Республика агросаноат бирлашмаси таркибига илмий-ишлаб чиқариш бўлимлари (ИИБ) ҳам кирган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб 15 та ишлаб чиқариш аграр бирлашмалари (ИАБ) мавжуд бўлиб, улар 79 та боғдорчилик-узумчилик хўжаликларини, шу жумладан, 10 та совхоз заводни, шунингдек, 7 та виночилик ва 6 та консерва заводларини ўз ичига олган эди[65].

Умуман, Ўзбекистонда агросаноат интеграциясини амалга ошириши лозим бўлган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар сони сезиларли равишда ортди. Улар республика иқтисодининг яхшиланишида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказишда асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жамоат сектори билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда якка тартибдаги хўжаликлар ҳам муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон раҳбарияти бу вазифани ҳал этилишини қишлоқ аҳолисининг бандлиги муаммоси билан мустахкам боғлаган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилди. Ҳаёт шуни тасдиқладики, ерга иш кўзини билиб муносабатда бўлиш яхши, барқарор ҳосил олиш имконини бераркан. Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кишилар ўз томорқаларида ишлаб, 80-йилларнинг бошларида 2,5 миллиард сўм миқдорда маҳсулот етиштирдилар, бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этарди.

Ўзбекистонда маҳаллий раҳбариятнинг хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиши туфайли шахсий ёрдамчи хўжаликларда сабзавот ва гўштнинг ярми, сутнинг 66%, тухумнинг 30%, жуннинг 60% етиштирилди. Шахсий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотнинг кўпчилик қисми қатъий харид нархларида давлатга топширилди. Бироқ мустабид империя тузумининг воқелиги ўз таъсирини кўрсатди: шахсий ёрдамчи секторнинг бой имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмади.

---

[65] Ризаев С. Шараф Рашидов: штрихи к портрету. -Т., 1992.-С.85-86.




**1.2.1-расм. Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулоти, (%да)**

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бўйича шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг улуши ортиб борди. Жумладан, ёрдамчи хўжаликларнинг қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш таркибидаги улуши 1970 йилда 19,4% ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1990 йилга келиб 29,7 % ташкил эди (1.2.1-расм).

Тадқиқотларимиз натижасида, янги ерларни ўзлаштиришни авж олдириш, аграр ишлаб чиқаришни механизациялаш, кенг миқёсдаги хўжалик объектларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигидаги кадрлар потенциалининг кўпайиши, энг муҳими, ўзбек деҳқонининг яратувчилик меҳнати қишлоқ иқтисодиётида муайян силжишлар рўй беришига олиб келди.

Ирригация ва мелиорация соҳаларида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Бунинг ёрқин ифодаси ерларнинг иккиламчи шўрланиши, суғориладиган гектарлар ҳосилдорлигининг пасайиб кетганлиги, сарфланган харажатларнинг пировард натижаларига тўғри келмаслиги эди. Масалан, 1986 йилда такрорий шўрланиш туфайли суғориладиган экин майдонларининг учдан бир қисми зарар кўрди. 70-80 йиллар чегарасида мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашганлиги

сабабли қарийб 5 мингга суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқарилди.

1985 йилда 2,3 млн.га ерда комплекс таъмирлаш ва капитал яхшилаш ишлари олиб борилиши талаб қилинарди. 1965-1985 йиллар оралиғидаги даврда 1,6 млн.га суғориладиган ер майдонлари ишга туширилди, агрокорхоналарнинг асосий фондлари 6 % га ўсди, лекин ялпи маҳсулот эса фақат 78 %га ортди. Бундай ҳалокатли ҳолатни вужудга келтирган сабаблар орасида ўзлаштирилаётган ерларнинг мухандислик-техник томондан таъмин этилиши масалаларига юзаки қаралганлиги, дренаж тизимини ташкил этишдаги кўзбуямачилик ва хатоликлар, сув хўжалиги қурилишининг комплекс тарзда амалга оширилмаганлиги, ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, ғўзаларни назоратсиз равишда кўллатиб сугориш, қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги эскича ёндашувлар бор эди. Лекин энг ҳалокатли таъсир кўрсатган сабаб пахта яккаҳокимлигининг мажбурий тарзда авж олдирилиши бўлди.

XI беш йилликнинг охирига келиб жамоа пудрати асосида ишлаётган бўлинмаларнинг умумий сони республикада 30,6 мингтага, уларда банд бўлганлар сони 799,3 минг кишига етди. 1985 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида жамоа пудрати асосида ишлаётган бригадалар ва звеноларга экин майдонларининг 47,7%, тракторларнинг 41,6%, корамолларнинг 15,8%, чўчкаларнинг 9,7% ва майда молларнинг 40,4% бириктириб қўйилган эди[66]. Бирок пудратни жорий қилишдан кутилган натижаларга эришиб бўлмади. Бунга сабаб пудрат жамоаларининг аъзолари энг муҳим ишлаб чиқариш масалаларини хал қилиш соҳасида етарли даражада мустақилликка эга бўлмадилар. Бу эса, айниқса, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иккита муҳим таянч негизи бўлган ерга ва инсонга муносабатда яққол кўринди.1986 йил мартда бир катор ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда «бошқарувнинг иқтисодий усулларига» ўтилганлиги «тантанавор» эълон қилинди. Ҳужжатларда қишлок иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий воситаси режали ишларни такомиллаштиришдан иборат деб ҳисобланди, режа топшириқларини «эри-

---

[66] Ризаев С. Шараф Рашидов: штрихи к портрету. – С.84.

шилган даражада» белгилаш принципи қораланди. Бироқ бу усул ҳам бир маъмурий восита ўрнига бошқа ундан кўра «такомиллашган» воситани юзага келтирди. Бошқа бир қатор янгиликлар хусусан, АСМ (агросаноат мажмуи)нинг тақдири ҳам ана шундай бўлди, у аслида бошқариб бўлмайдиган тизимга айланиб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўшимча тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини қайта қуриш, «социалистик» товар-пул муносабатларининг имкониятидан фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳам кутилган натижа бермади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш даври бошланди.

## 1.3. Аграр муносабатларнинг ривожланиш босқичлари

Туркистонда Шўро мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши, Шўро ҳокимиятининг Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсати, миллий ҳудудий чегараланишнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг ривожланиш босқичларини 1917 йилдан ҳозирги кунга қадар беш босқичга бўлиб ўрганиш имконини беради.

*1.3.1-жадвал*

**Аграр муносабатларнинг ривожланиш босқичлари[67]**

| Босқичлар | Хусусиятлари |
|---|---|
| **1917-1924 йй.** | - аграр соҳада национализация жараёнларининг зўравонлик билан амалга оширилиши ва деҳқоннинг ердан маҳрум қилиниши;<br>- аграр сиёсатнинг Туркистонни хом-ашё базасига айлантиришга қаратилиши;<br>- жамоа ерлари ва жамоа мулкининг барпо этилиши. |

[67] Муаллиф томонидан тузилган.

| | |
|---|---|
| **1925-1958 йй.** | - аграр ислоҳотлар ўтказилишининг ижтимоий аҳамиятга эгалиги;<br>- ислоҳотлар натижасида асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятлар бузилишининг бошланиши;<br>- деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш жараёнининг тугалланиши ва каоперация муносабатларининг ривожланиши. |
| **1959-1990 йй.** | - шаҳар билан кишлоқ ўртасидаги ноэквивалент айирбошлаш ва иктисодий муносабатларни шаклланиши;<br>- кишлоқ хўжалигига ресурсларнинг қолдиқ тамойиллари асосида молиялаштирилиши;<br>-тенглаштириш тамойили асосида ижтимоий пассивликнинг келиб чиқиши;<br>- Ўзбекистоннинг ресурс имкониятлари даражасига мос келмайдиган асоссиз пахта етиштириш ҳажмларининг оширилиши;<br>- Ўзбекистондаги кескин экологик муаммолар пахта яккаҳокимлигини тугатиш кераклигини тақозо этиши. |
| **1991- 2004 йй.** | - мустакилликка йилларида аграр соҳада ер муносабатларини такомиллаштириш даври бошланди;<br>- аграр сиёсатда бозор муносабатларининг ривожланиши қишлоқ хўжалигидаги инкирозни тўхтатиш имконини берди;<br>- аграр соҳадаги таркибий ўзгаришлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилди;<br>- самарасиз жамоа хўжаликлари ўрнига ширкат хўжаликларини ташкил этиш бошланди; |
| **2005 йилдан ҳозирги кунгача** | - ширкат хўжаликларини ислоҳ қилиш асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш бошланди ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етакчи ишлаб чиқарувчиларига айланди;<br>- фермер хўжаликлари ер майдонларини |

| | |
|---|---|
| | мақбуллаштириш жараёни бошланди;<br>- фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр секторда хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг асосий шаклига айланиб бормоқда. |

**Биринчи босқич** – 1917-1924 йилларни ўз ичига олиб бу босқични ер ислоҳотларининг амалга оширилиши босқичи деб номладик. Туркистонда 1917 йилги октябрь тўнтариши ўзбек халқи учун ҳам оғир оқибатларни юзага келтириб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бутунлай пасайиб кетди. Техника экинлари ва бошқа маҳсулотларни ўлкадан олиб кетиш ҳажмининг қисқарганлиги, ушбу маҳсулотлар захирасининг ҳалокатли даражада камайиб кетганлиги нархларнинг пасайиши, деҳқонлар ва ишчилар меҳнатининг қадрсизланиши, хонавайрон бўлиши ва қашшоқлашувининг кучайишига олиб келди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги асбоб-ускиналарини келтиришнинг тобора қисқариб борганлиги аҳволни янада оғирлаштирди.

1917 йилда экин майдонлари 1915 йилдаги 3,5 млн. десятинадан 2,3 млн. десятинага тушиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг таназзули туфайли ўлкада бор йўғи 52 млн. пуд ғалла йиғиб олинди. Аслида ўлканинг ғаллага бўлган эҳтиёжи 111 млн пудни ташкил этарди, аҳоли учун зарур бўлган буғдой унининг 1 пуди 1916 йилда 5 рублни ташкил этган бўлса, 1917 йилда унинг нархи 45 рублгача кўта-рилди[68].

Национализация жараёнлари аграр соҳани ҳам четлаб ўтмади натижада 1917 йил октябрдаги II съездида қабул қилинган ер ҳақидаги декретни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилди. 1917 йилда ер кўмиталари тузилди ва ўзига тўқ деҳқонларнинг ерлари ҳам ҳисобга олина бошланди. Деҳқонлар жойларда ер кўмиталарини тузиш ҳаракатини жиддий қаршилик билан кутиб олдилар. Лекин ер кўмиталари 1918 йилда бир неча ўнлаб подшо, помешчикларга қарашли мол-мулклар ва бадавлат деҳқонларнинг йирик хўжаликларини национализация қилди. 1918 йили Россияда

[68] УзР МДА. 400-фонд, 1-рўйхат, 2804 - иш, 139-варақ.

барча корхоналарнинг 11% ини давлат мулкига айлантирган бўлса, Туркистонда бу кўрсаткич 45% ни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кескин камайди. Жумладан, экин майдонлари 1915 йилда 3 млн. 300 минг десятинани ташкил этгани ҳолда, 1920 йилда 1 млн. 200 минг десятинага, яъни икки бароборга қисқарди. Пахта экин майдонлари ушбу давр мобайнида 523,6 десятинадан 109 десятинагача, пахта толасини етиштириш эса 1921 йилда 1915 йилга нисбатан 5% га қисқарган. 1916 йилда ҳар бир десятина ердан олинадиган ҳосил 95 пудни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1920 йилда 25 пудгача пасайган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланган чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик ва боғдорчилик соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш камайиб кетган. 1917 йилда бутун ўлка бўйича 19 082 968 бош чорва моллари руйхатга олинган бўлса, 1920 йилга келиб уларнинг сони 8 112 579 бошга тушиб қолганлигини ва бу кўрсаткичнинг 1917 йилга нисбатан 58%га қисқарганлигини кўриш мумкин[69]. XX асрнинг 20 йилларига келиб, ҳақиқаттан, ҳам аграр соҳа ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1921 йилда 1914 йилга нисбатан 48,8%га камайган. Туркистон учун муҳим аҳамиятига эга бўлган ирригация шаҳобчалари бу вактга келиб 50%га қисқарган. Биргина Сирдарё вилоятида 1917 йилда суғориладиган майдонлар 548 минг десятинани ташкил этган бўлса, 1920 йилга келиб 220 минг десятинагача қисқарганлигини кузатиш мумкин. Чорвачиликка ҳам жиддий зарар етказилди. 1920 йилга келиб ўлкада чорва молларининг сони 1917 йилга нисбатан 58%га кискариб кетган бўлса, бу жараён 1921 йилда янада кучайган. Қишлок хўжалигида ишчи кучи муҳим ўрин тутади ва унда банд бўлган аҳоли сони ҳам кескин даражада қисқариб кетди. Туркистонда 1917 йилда 7 148 800 нафар аҳолининг 1 230 700 нафари шаҳарларда, 5 918 100 нафари қишлоқларда яшаган[70].

[69] ЎзР МДА 18-фонд, 2-рўйхат, 35-иш, 9-10-вараклар.

[70] Отчет о деятльности Турикистанского Экономического Совета за февраль-октябрь. 1921 г. - Т., - С. 24 -25.

Республиканинг асосий миллий даромади аграр соҳадан олинган. 1921 йили Туркистон экин майдонлари 1920 йилга нисбатан анча кўпайтирилди. 1920 йилда экин майдонлари 1 677 689 десятина бўлган бўлса, 1921 йилга келиб 2 823 670 десятинага кўпайган. Лекин бу вақтда техника экинларини экиш камайиб кетган эди. Полиз ва ёрма экинлар, аксинча, режадан 27%га кўп экилди. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг сони ортган бўлсада, уларнинг иш унумдорлиги пасайди. Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ҳам 1920 йилга нисбатан анча кам булган. Инқирозга учратилган Туркистон қишлоқ хўжалиги, айникса, пахтачилик соҳасини тиклаш учун кўпгина воситалар талаб қилинарди. 1920 йилнинг охири 1921 йилнинг бошида РСФСРдан Туркистонга 791 950 пуд турли уруғликлар, 1 346 та плуг, 38 988 та теша, 32 208 та ўроқ ва 9 714 кетмон ёрдам тари-қасида берилди.

Пахтачиликда юзага келган танглик анча кескин даражада эди. 1920 йилда 109 336 десятина майдонга пахта экилиб, ундан 2 728 минг пуд ҳосил олинган бўлса, 1921 йилда бор йўғи 88 069 десятина майдондан 1 148 291 пуд ҳосил олинган ва бу 1915 йилда йиғиб олинган пахта ҳосилининг 5%ини ташкил қилган. РСФСР 1921 йилда хориждан олинадиган бир пуд пахта учун 30 рубл тўлаётган бир вақтда, Ўзбекистон пахтаси учун 14 рубл тўлар эди. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ирригацияни қайта тиклашга боглиқ эди. 1922-1923 йилларда 297 та йирик ирригация ишлари амалга оширилди. Шундан 148 таси давлат ҳисобидан, 113 таси натура мажбуриятидан, 36 таси биргаликда бажарилган ишлардан иборат эди. 1924 йилга келиб, қишлоқ хўжалиги коорперативлари сони кўпайиб, 640 тага етди ва уларда 200 мингдан ортиқ хўжаликлар бирлашган эди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чикаришда кооператив етакчи кучга айланиб қолди. 1923 йилда кооперативлар умумий пахта майдонларининг 82%ига чигит эккан бўлса, 1924 йилда ушбу кўрсаткич 92,9%га етди. Кооператив ҳаракат оркали муайян ютукларга эришилган бўлсада, аслида деҳқон хўжаликларга карзга пул бериб, деҳқонларни эркин экин экиш ҳуқукидан маҳрум килган эди. Қишлоқ хўжалигини ривож-

лантиришга қаратилган кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилган бўлсада, аслида, асосий эътиборни Марказнинг хом ашёга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган эди. Аграр соҳада асосий эътиборнинг пахтачилик ва чорвачиликка қаратилганлиги Туркистонни, том маънода, Марказнинг хом ашё базасига айлантирган. Зўравонлик асосида ўтказилган ер-сув ислоҳоти деҳқон хўжаликларини жамоа хўжалигига айлантиришга замин тайёрлаш бўлган бўлсада, ерни ўз эгаси деҳқонга бериш амалга ошмади. Аксинча, мулк шакли ўзгартирилди. Ерлар тортиб олиниб, унинг ўрнида жамоа ерлари, жамоа мулкини барпо қилишга киришилди. Шу тариқа ер деҳқон қўлидан олиниб давлатга ўтказилди.

**Иккинчи босқичи 1925-1958 йилларни** ўз ичига қамраб олиб биз бу босқични жамоалаштириш доирасидаги ривожланиш босқичи деб номладик. Миллий-ҳудудий чегаралашдан кейин аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқатли бўлган аҳолисининг 85%и банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг қарийб 80%ини ташкил этарди. Саноатнинг 90%и қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди[71]. Бундай шароитда аграр ислоҳотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмас эди. Ерсиз ва 2 десятина ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8%ни ташкил этарди[72]. Аграр сектордаги маҳсулотларнинг асосий қисми ўртаҳол деҳқонлар томонидан етиштирилар эди. 1925-1929 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ер-сув ислоҳоти натижасида «помешчик типи»даги 1492 та хўжалик тугатилди, 27 992 та хўжаликнинг ери тортиб олинди ёки қисқартирилди, 89 492 та ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликлари чек ерлари олишди[73]. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ходиса бўлган 1925-1929 йиллардаги аграр ислоҳот ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зид-

---

[71] ЎзР МДА. 86-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 16-варақ.
[72] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3097-йиғма жилд, 122-варақ.
[73] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5565-йиғма жилд, 34-35-варақлар.

диятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятларнинг бузилишини бошлаб берди. Натижада, ислоҳот ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Аграр ислоҳот натижасида кўпгина камбағал хўжаликлар ер олгач, фаол товар ишлаб чиқарувчиларга айландилар, хўжалик юритишнинг натура шаклларидан бозор шаклларига ўта бошладилар. Ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик самарадорлиги кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси республика қишлоқ хўжалигининг товар даражаси ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг, қисман бўлсада, ривожланишига ёрдам берди. 1927 йилнинг февралида «Ўзпахтасоюз» пахтачилик кооперацияси, 1928 йилнинг мартида «Колхозцентр» ва «Колхозиттифоқ», октябрда «Чорваиттифоқ» кооперациялари ташкил топди. Кейинроқ, боғдорчилик-узумчилик бирлашмалари вужудга келди. Умуман, 1928 йилнинг охирига келиб 1 888 та пахтачилик, 442 та ғаллачилик, 263 та ипакчилик, 250 та чорвачилик, 205 та мева-узумчилик ва 223 та мелиоратив ширкатлар фаолият кўрсатаётган эди[74].

Жадал суръатларда ривожланиб бораётган кооперация тизими қишлоқнинг иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришида сезиларли омил бўлиб қолди. Унинг воситасида хусусий сектор фаолияти тартибга солиб турилди, товар обороти таъминланди, давлат кредити тақсимланди, деҳқонларнинг хўжалик юритишга жалб қилиниши амалга оширилди. Жамоалаштиришнинг «жадал суръатлари» натижасида 1930 йил мартда республика бўйича деҳқон хўжаликларининг 47%и жамоалаштирилди, ҳолбуки, 1929 йил 10 октябрга қадар колхозлар деҳқон хўжаликларининг бор йўғи 3,4%ини қамраб олган эди. Агар 1930 йил июнда республикада 6 124 та колхоз мавжуд бўлиб, уларга жалб қилинган деҳқон хўжаликлари 27,1%ни ташкил этган бўлса, йилнинг охирига бориб,

[74] РГЭА, ф.1562, оп.72, д.500, л.71.

ушбу кўрсаткич 37,7%га, 1931 йилнинг майида 56,7%, 1 декабрда эса 68,2%га етди. 1932 йилнинг охирларига келиб республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7% ини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизида 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди[75]. 1930-1933 йиллар даврида колхозларга, ўша вақтда айтилишича, «суқилиб кириб олган» кулоқлар ва «ёт унсурлар»дан 30 мингдан ортиқ киши хайдаб чиқарилган. 1937 йилда деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш даражаси 95%га етган бўлса, 1939 йилда бу кўрсаткич 99,2%ни ташкил этди.




**1.3.1-расм. Қишлоқ хўжалигида коллективлаштириш, фоиз ҳисобида[76]**

Демак, Ўзбекистонда жамоалаштириш жараёни XX асрнинг 20-йилларидан бошланиб 40-йилларнинг охирида тўлиқ тугалланган. Таҳлиллар кўрсатишича, 1928 йилда деҳқон хўжаликларининг 1,2% и жамоалаштирилган бўлса, 1947 йилнинг ёзига келиб ушбу кўрсаткич 100% амалга оширилган (1.3.1-расм).

Якка деҳқон хўжаликларининг тўла тўкис тугатилиши ва колхозлар йирик умумлашган ишлаб чиқаришнинг ягона шакли сифатида қарор топиши шўро ҳокимиятининг «колхозлардан олдинги қишлоқ»ни социалистик ўзгартириш борасидаги сиёсатининг тантанаси, деб фахрланди.

[75] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-йиғма жилд, 25-варақ.

[76] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Юбил. стат. сб. – Т.: Узбекистан, 1984. - С.105.

Аслида эса Шўро давлатининг бу сиёсати қишлоқдаги бозор муносабатларининг барбод бўлишига, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тугатилишига, охир-окибатда, аграр ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига олиб келди. 1940 йилга келиб совхозларнинг умумий сони республикада 85 тага етди[77](1.3.2-жадвал).

**1.3.2-жадвал**

**Қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлар (йил охирига нисбатан)[78]**

| | 1924 й. | 1940 й. |
|---|---|---|
| Совхозлар сони | 15 | 85 |
| Колхозлар сони* | 62 | 7499 |

Бироқ уларнинг колхозлар сингари жадаллик билан қурилиши қишлоқ хўжалигининг тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беролмади. Агар 1950 йилга қадар томорка участкалари нормаси 0,15 га.дан 0,25 га миқдор атрофида белгиланган бўлса, 1950 йил январдан бошлаб томорқа участкалари қисқартирилиб, 0,12-0,15 га келтирилди. Деҳқон хўжаликларидан кесиб олинган суғориладиган ерлар,боғлар, узумзорлар жамоа хўжаликларига берилди. Марказ 1952 йилда Ўзбекистон давлатга 2 млн. 367 минг т. пахта топширди, бу 1940 йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўп эди. Бироқ бу ўсишга аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги объектив соглом жараёнлар туфайли эмас, балки ўзбек деҳқонларини аёвсиз ишлатиш ҳисобига эришилди. Колхоз-кооператив мулкини жадал давлат тасарруфига ўтказиш стратегиясининг яққол намунаси оммавий совхозлаштириш йўлида ўз ифодасини топди. 1957 йилдаёқ республикадаги 479 жамоа хўжалиги негизида 82 та совхоз (давлат хўжалиги) ташкил этилди. Марказий ҳукумат ташаббуси, маъмурий сикуви билан Ўзбекистоннинг «қолоқ» жамоа хўжаликлари 358,8 млн. сўм миқдорида қарздор бўлишларига қарамай, 1958 йил 1 майгача 78 та МТС ўзлари хизмат кўрсатадиган 700 та жамоа хўжалигига техникани тўлиқ со-

[77] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет.Статжегодник. - Т., 1967. - С.144.
[78] Муаллиф томонидан тузилган.

тиб бўлдилар[79]. Натижада, қишлоқ хўжалик артеллари сотиб олинган техникаларга тўлаш учун йиллар давомида тўплаган бўлинмас жамғармаларининг анчагина қисмини сарфладилар. Ажабланарлиси шундаки, жамоа хўжаликларини эскириб қолган машина ва механизмларни, очиғини айтганда, яроқсиз техникани сотиб олишга мажбур қилдилар.

**Учинчи босқичи** 1959-1990 йилларни ўз ичига олган бўлиб бу босқични биз бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари кучайиш босқичидеб номладик. 1960 йилга келиб Ўзбекистондаги жамоа хўжаликлари сони 1950 йилдагига нисбатан қисқартирилиб, 3316 тадан 978 тага қисқарди. Шўро хўжаликлари сони эса, аксинча, 98 тадан 192 тага ортди, 1990 йилга келиб 1108 тага етди[80] (1.3.3-жадвал). Бу ҳол деҳқонларни «ишчиларга айлантириш»дан иборат сунъий жараёнларни кучайтирди, деҳқонларнинг азалий турмуш тарзига путур етказилди.

**1.3.3-жадвал**

**Қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлар (йил охирига нисбатан)[81]**

| | 1950 й. | 1960 й. | 1970 й. | 1980 й. | 1990 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Совхозлар сони | 98 | 192 | 377 | 888 | 1108 |
| Колхозлар сони* | 3316 | 978 | 1056 | 854 | 940 |

1959-1960 йилларнинг бошларида давлат хўжалиги ишлаб чиқаришидаги меҳнат унумдорлиги 1950 йил даражасида бўлди. Дон экинлари хосилдорлиги хўжаликларнинг барча тоифалари бўйича 1960-65 йилларда қисқариб, 7,8 ц/га, дан 5,0 ц/га га тушиб колди, картошка ҳосилдорлиги 69 ц/га, дан 57 ц/га, полиз экинлари 66 ц/га.дан 62 ц/га, илдизмевалар 156 ц/га.дан 114 ц/га тушди. Чорвачиликда ҳам орқага кетиш кузатилди. Мазкур даврда гўшт етиштириш жамоат секторида 128,3 минг т.дан 104,2 минг т.га, сут 338,4 минг т.дан 324,9 минг т.га, жун 19,8 минг т.дан 15,3 минг т.га, қорамоллар 1221,7 минг бошдан 1184,4 минг бошга тушиб қолди[82].

---

79 Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 140-146.
80 УзР МДА, 90-фонд, 9-рўйхат, 6433-йиғма жилд, 57-варак.
81 Муаллиф томонидан тузилган.
82 Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 96-117.

Пахта етиштириш ҳажми 1953 йилдан 1964 йилгача 2525,5 минг т.дан 3671,4 минг т.га етди. Лекин хосилдорлик пасайиб кетди. Масалан, 1956 йилда республика бўйича хар гектар ердан ўрта ҳисобда 22,0 ц. пахта хосили олинган бўлса, 1962 йилда у пасайиб, 19,2 ц.ни ташкил қилди[83]. Кўпгина хўжаликларда ҳосилдорлик бундан ҳам камроқ бўлди. 60-80 йилларда аграр қурилиш стратегиясининг навбатдаги муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш сиёсати майдонга чиқди. Ўзбекистон халқларининг фидокорона меҳнати туфайли 1985 йилда республикада 900 та суғориш тизими, 92 та гидротехника иншооти қишлоқ хўжалиги учун ишлаётган эди. 23 та сунъий денгиз-сув омбори кам сувликка мустахкам тўсиқ бўлиб, уларда ерларни суғориш учун қарийб 10 миллиард куб метр сув жамланган эди. Бундай сунъий денгизлар орасида Ўрта Осиёда энг йирикларидан ҳисобланган Чорвоқ, Хоразм ва Амударёнинг қуйи оқимидаги Туямўйин, Қорадарёдаги Андижон ва бошқа сув омборлари бор эди. Бу вақтга келиб жуда катта ер массивлари кишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Масалан, агар 1946-1965 йилларда 600 минг га ер ўзлаштирилган бўлса, 1966-1985 йилларда 1,6 млн. га ер ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 6,9 млн.га ердаги яйловларга сув чиқарилди. Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг таъсирчан воситаси агросаноат интеграциясидан иборат деб ҳисобланди, у йирик давлат-кооператив бирлашмалари ва корхоналарини ташкил этишни назарда тутарди, 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб уларни жорий қилиш юзасидан ҳаракат бошланди. Хусусан, Ўзбекистонда агросаноат кооперациясини ривожлантириш учун 1975 йилда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика агросаноат бирлашмаси ташкил этилди, у мева, узум, сабзавот, картошка ва полиз экинларини етиштириш билан шуғулланарди. Бироқ Ўзбекистон аграр секторида эришилган айрим ижобий силжишлар билан бир қаторда турғунлик жараёнлари, танглик ҳолатларининг авж олаётганлиги ҳам кўзга яққол ташланарди. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари мустабид империяча хокимият

---

[83] ЎзР МДА, 2743-фонд, 1- рўйхат, 2670-йиғма жилд, 10-12-варақлар.

тизимининг иллатлари, жамият тараққиётидаги коммунистик андозанинг хомхаёлдан иборат эканлиги эди. Бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қатор салбий иллатлар ўз таъсирини кўрсатарди. Булар орасида деҳқон хўжаликлари иқтисодий ҳуқуқларининг поймол қилиниши, хўжаликларнинг ўзи яратган моддий бойликлардан четлатиб қўйилганини айтиб ўтиш керак.

Хўжаликларнинг молиявий маблағларини тортиб олишнинг асосий воситаларидан бири қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат маҳсулотлари нархининг мунтазам оширилиши бўлди. Масалан, 1965 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда техника, минерал ўғитлар, омухта см ва бошқа саноат маҳсулотлари турлари нархи 5 баравар ортган бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи атиги икки баравар кўпайди.

Бошқарувда маъмуриятчиликнинг авж олиши, умуман соғлом бозор муносабатларининг йўқлиги оқибатида фан-техника тараққиётини амалга ошириш дастурида ҳам жиддий тўсиқлар юзага келган эди. Аграр соҳани кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар кескинлигича қолаверди. Одатда, кадрлар масаласидаги қўпол хатоликлар ҳақида лом-мим дейилмас ёки улар маҳаллий бошқарув органларининг ташкилий ишидаги «камчиликлар» дейиларди, ҳолос, хўжаликларнинг амалий фаолиятидаги хато ва камчиликлар улар маъмурияти ҳамда мутахассисларининг самарали ишламаганлиги оқибати деб кўрсатиларди. 1980 йилда пахта ҳосилдорлиги 29,7 ц/га.ни ташкил этган бўлса, 1986 йилда фақат 24,3 ц/га тенг бўлди. Донли экинлар ҳосилдорлиги беш йилликда 21,4 ц/га.дан 15,9ц/га, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 221 ц/га.дан 196 ц/га, полиз экинлари ҳосилдорлиги 126 ц/га.дан 102 ц/га тушиб қолди. Фақат 1986-1987 йиллар мобайнида етказиб берилмаган пахтанинг миқдори 1 576 минг тоннадан ортиқ эди. Асосий деҳқончилик экинларининг хосиддорлиги барқарор пасайиб борди. Пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ иллатлар республиканинг қишлоқ иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишда давом этди. Чигит экиладиган майдонлар кўп бўлишига (75%) қарамасдан, пахта экиладиган ерлар доимий равишда кўпайтириб борилди.

1980-1990 йиллардаги «қайта қуриш» ислоҳотлари тажрибаси шуни ишонарли тарзда кўрсатдики, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш режаси, аграр соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги чора-тадбирлар, кенг миқёсда ирригация-мелиорация ишларини ташкил этиш, кадрларга доир муаммоларни ҳал қилиш каби чоралар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлай олмади. Бунинг сабаби аграр соҳада хукмрон бўлган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларнинг характерида эди.

Айни вақтда, пахта етиштириш режа топшириқлари ҳам кўпайди, бу Ўзбекистоннинг имкониятларига мутлақо мос келмас эди. Мазкур муаммони қўшиб ёзишлар, кўзбуямачиликлар, пахта терими даврида шаҳарликлар, талабалар, мактаб ўқувчиларининг меҳнатидан сурункали фойдаланиш эвазига ҳал қилишга интилдилар. Пахта, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини сунъий равишда оширишга интилиш натижасида аксарият хўжаликларда агротехнология бузилди, экинларга меъёридан ортиқ миқдорда кимёвий ўғитлар солинди. Натижада, атроф муҳит заҳарланди, ернинг таркиби бузилди ва инсонлар соғлигига зарар етказилди. Меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар қишлоқ меҳнаткашларини лоқайд қилиб, уларни бефарқликка маҳкум этди.




**1.3.2.-расм. Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари**

Диаграммадан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари 1920 йилда 93,6 минг га экин майдонларини ялпи терим эса 31 минг т., ҳосилдорлик 3,3 ц/га ни ташкил этган. 1930 йилда эса бу кўрсатгич 883,8 минг га экин майдонларини, ялпи терим 44,3 минг т., ҳосилдорлик эса 8,4 ц/га етган бўлса, 1940 йилда экин майдонларини 923,5 минг га, ялпи терим эса 1385,9 минг т., ҳосилдорлик 15 ц/га ни ташкил этган.1950 йилда эса бу кўрсаткичлар экин майдонларини 1098,1 минг га, ялпи терим 2225, минг т., ҳосилдорлик эса 20,3ц/га етган бўлса, 1960 йилда экин майдонларини 1386,6 минг га, ялпи терим эса 2823,5минг т., ҳосилдорлик 20,4 ц/га ни, 1970 йилда эса экин майдонларини 1709,2 минг га, ялпи терим эса 4495,2минг т., ҳосилдорлик 26,3 ц/га ни, 1980 йилда эса экин майдонларини 1878,5 минг га, ялпи терим эса 5579 минг т., ҳосилдорлик 29,7 ц/га ни, 1990 йилда эса экин майдонларини 1832,6 минг га, ялпи терим эса 5058 минг т., ҳосилдорлик 27,6 ц/га ни ташкил этган. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг озиқ-овқат мустақиллигига эришилди, бунинг натижасида пахта экинлари қисқартирилди. 2000 йилда экин майдонларини 1444,5 минг га, ялпи терим эса 3149 минг т., ҳосилдорлик 21,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда экин майдонларини 1342,1 минг га, ялпи терим эса 3443 минг т., ҳосилдорлик 25,6 ц/га ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида пахтта яккаҳокимлигига асосланганлиги ҳисобига экин майдонлари, ялпи терим, ҳосилдорлик юқори кўрсатгичда бўлганлигини кўришимиз мумкин, чунки ўша вақтда хосилдорлик мустақиллик йилларидаги хосилдорликка тенг эди.

Ўзбекистондаги кескин аграр муаммолар, айниқса, республика қишлоқларида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни юмшатиш учун дастлабки ҳаракат фақат республика юқори раҳбарияти алмаштирилганидан сўнг бошланди. Республиканинг янги раҳбарияти дастлабки кунданоқ Ўзбекистон халқлари миллий манфаатларини химоя қилиб чиқди, уларнинг азалий, йиллар давомида тўпланиб қолган эҳтиёжларини изчил ҳал қилишга интилди. Диққатга сазовори шун-

даки, янги раҳбарият пахта яккаҳокимлигига қарши кескин кураш олиб боражагини ўша мустабид тузум «ҳаётлиги»даёқ очиқ эълон килди. Республика раҳбариятининг кўрган чора-тадбирлари натижасида (чигит экиладиган майдонларнинг камайтирилиши, пахта тайёрлаш режасининг муътадиллашуви ва хоказолар) 1990 йилдаёқ экин экиладиган майдонларнинг умумий микдорида пахтанинг салмоғи 63,9%га туширилди.

**Тўртинчи босқичи** 1991-2004 йилларини қамраб олган бўлиб бу босқични аграр муносабатларнинг ўзгартирилиш босқичи деб атадик. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин аграр соҳада ривожланиш даври бошланди. 70 йил давомида шўроча «колхозчи» бўлишга одатланиб қолган ўзбек деҳқони учун фермер хўжаликларини тузищдек «янги йўл» уларни келажак сари илҳомлантирди. Шунинг учун ҳам, бу янгилик қисқа муддат ичида кенг туе олди. 1991 йил 1 апрелда республикада 6143 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улардан 4666 таси сут етиштиришга, 1477 та фермер хўжалиги эса қорамолларни бўрдоқига боқиб парвариш қилишга ихтисослаштирилган эди[84].




**1.3.3.-расм.Ўзбекистонда экин майдонларининг таркиби (% ҳисобида)**

1980 йилда пахта 46,9%ни, донли ва дўккакли ўсимликлар 29,8%ни, озўқа экинлари 18,1%ни, картошка, полиз-сабзавот 4,7%ни, бошқа экин майдонлари эса 0,5%ни ташкил

[84] «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги». 1990, № 3.-Б.18.

этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткичлар 36,2 %ни пахта, донли ва дуккакли ўсимликлар 45,3%ни, озуқа экинлари 8,6%ни, картошка, полиз-сабзавот 7,9 %ни, бошқа экин майдонлари эса 2,0%ни ташкил этганини кўришимиз мумкин (**1.3.3.-расм).**

Аграр сиёсатда янгича ёндашувларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигидаги юзага келган таназзулни маълум маънода тўхтатиб туриш имконини берди. 1992 йили 224 та давлат хўжалиги иқтисодий аҳволи ночор бўлганлиги учун жамоа хўжаликларига, уларнинг мулки эса жамоа мулкига айлантирилди. 1993 йилдан бошлаб жамоа ҳамда давлат мулкига асосланган хўжаликларнинг мулки ширкат мулкига (пайчиликка асосланган) айлантирилди. 1998 йилдан бошлаб зararга (уч йил давомида) ишлаётган жамоа ва ширкат хўжаликлари мустақил фермер хўжаликларига танлов асосида айлантирилмоқда

Иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларни амалга ошириш бу – миллий манфаатларни таъминловчи макроиқтисодий барқарорликка эришиш, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Республикада олиб борилаётган таркибий тузилиш сиёсати Ўзбекистоннинг тамомила янги иқтисодий комплексни бунёд этишга қаратилган. Бу комплекс республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун гаров бўлиб, республикамиз халқига муносиб турмуш шароитини яратиб беради.

Маълумки, Ўзбекистонда собиқ тузум даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўп бўлсада, уларни қайта ишловчи саноат тармоқлари ва корхоналари ривожланмаган эди. Иқтисодий ресурсларнинг пахтага жалб этилиши оқибатида республиканинг дон, буғдой ва улардан олинадиган энг муҳим озиқ-овқат хом ашёси турлари, гўшт ва сут бўйича марказга, бошқа республикаларга қарамлиги кучайди. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз хосилдорлигини йўқота борди ва сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди. Аҳолини озиқ-овқат

маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Бундай ҳолни изохлар экан, Президент И.А.Каримов шундай дейди: “Энг аввало, бизга мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган пахта яккахокимлиги ва бой минерал хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолганлигини айтиш лозим. Бу оғир мероснинг яна бир хусусияти республиканинг ёқилғи ва галла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари каби энг муҳим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмол товарларининг, тайёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида яққол кўринади”.

Бундан ташқари, халқ хўжалигида хом ашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришда республика бошқа республикалар билан бўладиган ўзаро маҳсулотлар айирбошлашда салбий сальдога эга бўлди. Уларга ва марказга қарамлиги кучайди. Республика собиқ Иттифоқда аҳоли жон бошига жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 12 ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич ўртача Иттифоқ кўрсаткичидан 2 баробар паст эди.

Тармоқ тузилишидаги номутаносибликлар иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири бўлди. Республика улкан моддий ресурслар салоҳиятига эга бўла туриб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан камситиладиган оғир аҳволга тушириб қўйилди.

Ушбу даврда иқтисодий ислоҳотлар асосан таркибий силжишларни амалга оширишга қаратилиб, республикада энергетика ва озиқ-овқат маҳсулотларини таъминловчи жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тайёр рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар ҳам белгиланди. Бу борадаги самарали сай-ҳаракатлардан бири фермерликни ривожлантириш ҳисобланади.

Республика қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати ўтган асрнинг 90-йиллари охирида бошланди. Унда, асосан,

фаолият кўрсатаётган колхозлар, совхозлар таркибида мустақил фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлган деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этила бошланди. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, уларни колхоз ва совхозларга топширар эдилар. 1991 йилдан бошлаб мустақил, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этила бошлади. 1998 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари шу тўғридаги қонунга биноан ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда.

Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб туришни такомиллаштириш давлатнинг истиқболдаги аграр сиёсатини амалга ошириш йўналишларига узвий боғлиқдир. Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг аграр сиёсатида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи асосий субъект – фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган. Иқтисодиётнинг ички тузилишини қайта қуриш деганда талабни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартиришнигина эмас, балки айни вақтда сифатни оширишни, маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами ҳаражатларни камайтириш, бинобарин ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши, ўзгариши устувор тармоқларнинг тезроқ ривожланиши ва норентабел корхоналарни тугатиш рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни ўзгартириш ишлари билан қўшиб олиб борилиши, ишнинг бу жиҳати янги корхоналар барпо этишдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир. Натижада, мустақиллик йилларида республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

**Бешинчи босқич** – 2005 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб бу босқични биз қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш босқичи деб номладик. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларини ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Фермер хўжаликларни ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида истиқболда фермер хўжаликларини хар томонлама ривожлантириш қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Республикада фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашни куйидаги йўллар билан такомиллаштириш кўзда тутилмоқда:

1. Фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустакиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш.

2. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шаклларини такомиллаштириш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча ҳаражатларни қишлоқ хўжалигини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш.

3. Бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари рахбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш.

4. Қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш.

5. Фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишини назорат этиш.

6. Фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини хар томонлама муҳофаза этиш, конунда кўрсатилган

ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва ички фаолиятига аралашувнинг хар кандай кўринишига йўл қўймаслик;

7. Фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни "баҳолар паритети"ни сақлаб бориш.

8. Уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш.

9. Маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш. Хулоса қилиб, юқорида келтирилган салбий оқибатларни бартараф этишга эришмок учун иктисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини, ишлаб чиқарилаётган махсулот таркибини экспорт ва импорт таркибини қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006 йилда кишлок хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 8 ноябр ПҚ-215-сонли қарори натижасида босқичма-босқич ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантириш даври бошланди.

Республикамизни ишлаб чиқариш манфаатларига ҳам, аҳоли манфаатларига ҳам мос келадиган иқтисодиётни қайта тиклаш таркибида энг мақбул мутаносибликка эришмоғимиз лозим.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларини ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг ассосий мазмунини ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни энг муҳим турларини етиштириш учун 1 трлн. сўм, жумладан: пахта тайёрлашга-800 млрд. сўм, ғалла етиштиришга – 200 млрд. сўм маблағ, аванс тариқасида 2008 йилда берилган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу маҳсулотлар учун 1 трлн. 200 млрд. сўм йўналтирилди. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган фонд хисобидан ушбу маҳсулотлар учун 2009 йилда 43 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2009 йилда фермер хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябридаги Ф-3077-сонли “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус коммиссия ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йил 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5 млн. 860,1 минг гр. ер майдони бириктирилиб берилди. Битта фермер хўжалигига ўртача ҳисобда илгари 27.0 гр. ўрнига амалда 56,0 гр. ер майдони тўғри келди. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтсиослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига 92,0 гр. ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди.

Бугун республикамизда 220 минг фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 2 миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Республикамизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг 14%идан ортиқроғи фермер хўжаликлари хиссасига тўғри келмоқда.Етиштирилган пахта 99%ни, ғалланинг 97% фермер улушига тўғри келади. Ҳозирги кунда фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланиб бормоқда. Фермер хўжаликлари хусусий мулкчилик асосида товар ишлаб чиқаришга қаратилган, бозор талабларига мослашган ишлаб чиқаришнинг ижобий шакли сифатида кундан кунга ривожланиб бормоқда.

# II-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

## 2.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр муносабатларни ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодиётда янги бозор муносабатларига асос солади, иқтисодий фаолият эркинлиги ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб беради, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини уйғотиши, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларини қайта тузиб, уларни хўжалик мол-мулкининг бир қисмини, муайян улушини деҳқонларга бириктириб қўйишга асосланган хўжаликларга айлантириш, хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чукурлаштириш, ерни мерос килиб қолдириш ҳуқуки билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, фермер ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим”[85] деб таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда устунлик берилди. Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овкат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни (Булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий, молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилларда саноат потенциалини сақлаб қолиш,

---

[85] Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т. “Ўзбекистон”, 1997. - Б. 202.

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имкони бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурслари, Республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли, аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Давлатимиз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Республикада аграр муносабатларни ислоҳ қилиш учун, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайтириш учун зарур шароитлар яратиб келинди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, қишлоқда аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқәришнинг стркутураси жиддий ўзгарди. Бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Аграр сиёсатнинг муҳим масаласи бу ерда мулкчилик масаласидир. Ер тўғрисидаги қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотиш мумкин эмаслиги, балки уни ўзоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилган.

Қишлоқда бозор муносабатларининг хўжайинлик хиссини қайта тиклашга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш орқали эришилади. Энг муҳими, қишлоқ хўжалик юритишнинг ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркинлик меҳнат қилиш, ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат. Ресипубликамизда деҳқончиликнинг хусусияти шундаки, у суғориладиган ерларда олиб борилади, бу ерларга қудратли ирригация тармоғи хизмат қилади. Барча хайдов майдонларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардир. Президентимиз ана шу ҳолатни ҳисобга олиб аграр соҳага ва айникса қишлоқ хўжалигига асосий эьтиборни каратдилар.

Ернинг унумдорлиги табиий ва иқтисодий унумдорликка бўлинар экан, ердан олинадиган хосил кўпроқ мана шу ернинг унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш шахсий ва буюмлашган омилларнинг бевосита бириқиши асосида содир бўлади. қишлоқ хўжалигида корхоналар ҳам давлат мулкчилигида, хусусий шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Шунга мос равишда, улар турли шаклларда хўжалик юритади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнига ва технология, кимёвий ўғитлар етказиб беришда, турли хил янги юқори навли қишлоқ хўжалиги ўсимлиқлари, чорва моллари зотларини яратишда, суғориш ишларини олиб боришда, мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш орқали таъсир кўрсатади. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпроқ ишлаб чиқаришни таъминлашнинг ҳам муҳим шарти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг навбатдаги хусусияти ер пул воситасида баҳоланмаслиги, яъни қийматга эга эмаслиги сабабли асосий капитал таркибида ҳисобга олинмаслиги ҳисобланади. қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган айрим асосий капитал таркибий қисмлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бўлинмайди. Масалан, кўп йиллик дарахтлар, махсулдор чорва ва иш хайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар. Бундан ташқари, айрим ишлаб чиқариш воситалари, масалан, суғориш иншоотлари ишлаб чиқариш натижасини кўпайтиришга фаол таъсир ўтказади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги асосий капиталлари таркибида турли хил ўзига хос иншоотлар, бинолар, узатма механизмлар хиссаси анча юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда асосий ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда шу соханинг ўзида вужудга келтирилган айланма воситалар ҳам қатнашади (ёш ва бокувга қўйилган хайвонлар, ем-хашак, уруғлик фондлари, махаллий ўғитлар). Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни саноатга нисбатан узоқроқ муддатни ташкил қилганлиги сабабли айланма маблағларнинг кўпгина қисми хали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг натижаси ернинг хосилдорлиги ва унинг сифатига боғлиқ бўлади. Ернинг табиий, биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш қишлоқ хўжалигидаги мавжуд бўлган моддий ва молиявий маблағлар (маҳсулотлар, даромад ва ресурслар) доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳам муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигига эришгандан кейин иқтисодини эркинлаштириш ва аграр соҳага эътиборини қаратди. Бу бевосита ҳам табиий шароит тақозоси ва ривожланган мамлакатлар иқтисодини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Ўзбекистон иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ва аграр муносабатларининг ўзига хос ва ўзига мос тамойилларини яратди. Бу борада шуни

айтиш керакки, истиқлолга эришгач қишлокни устун даражада ривожлантирмай туриб, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги асосларда қайта тикламай туриб мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиб бўлмас, мамлакат аҳолисининг кўпчлиги ташкил қилувчи қишлоқ меҳнаткашлари турмушини янада тўкинроқ килиш вазифасини бажариб бўлмасди. Қишлок хўжалиги ва аграр соҳани ривожлантириш ва тартибга солиш мақсадида соҳага оид кўплаб қарорлар қабул килинди. Булар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида" қарори қабул қилинди. Бундан ташқари кийинги йилларда, "Ер кодекси", "Фермер хўжаликлари тўғрисида", "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги Қонун ва қарор, фармон, фармойишлар соҳани ривожлантиришдаги амалий ишлардан бўлди.

Аграр ислоҳот жараёнида кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Яни давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг стркутураси жиддий ўзгарди, бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Ташаббускорликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилишни ривожлантириш керак.

Республикада ислоҳатларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида Президентимиз Ислом Каримов фермер хўжаликларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, "Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги" қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, ҳусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Давлат мулки мулк давлатга тегишли бўлгандагина мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давлат ихтиёрида бўлади.

Давлат мулки, асосан, икки йўл билан ҳосил бўлади:

1. Хусусий мол-мулкни миллийлаштириб давлат қўлига олиш.

2. Давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш.

Давлат мулки ҳам халққа қарашли бўлган, билинмайдиган ва умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир.

Бунга мисол қилиб, такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий тузилмаларнинг каттагина қисмини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Фуқаролик Кодексига мувофиқ давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий (мунципиал) тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, Республика ҳукумати ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Қишлоқда бошқарув тизимларини қайта ташкил қилиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалиги бўғини қандай бўлиши кераклиги аниқ маълум бўлди. Бу фермер хўжаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган йўлйўриқлар кўрсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларини хал этадиган ташкилотлар бўлиши керак.

Шу сабабли, Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатишида улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат кўрсатувчи инфраструктура, агрофирмалар, машина-трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қайта

ишловчи кичик корхоналар ташкил этилди. Ишлаб чиқилган тамойиллар ва ёндошувларга асосан, биринчи босқичда, давлат хўжаликларини жамоа, копператив, акциядорлик хўжаликларига ва ҳар хил хусусий қишлоқ корхоналарига айлантириш жараёни амалга оширилди. 1992 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Улар негизида 530 жамоа хўжалиги, 350 га яқин копператив, 100 дан ортиқ ижара корхонаси, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, 1516 қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Ҳозирги вақтда чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашмаган хўжаликларнинг фермалари хусусийлаштирилмоқда ва хусусий мулк қилиб сотилмоқда.

Натижада, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркиби мулкчилик шакллари бўйича анча ўзгарди, қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор сезиларли даражада ўзгарди. 1991 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутун ҳажмтининг 37% давлат сектори ҳиссига, шунга мувофиқ ҳолда 63% давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг деярли 95%ни ишлаб чиқарди.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, одамларга ер берилишини ислоҳ қилиш кийинги йилларда ниҳоятда кескин муаммоларини ҳал қилишда жуда муҳим роль ўйнади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг мустаҳкамлаш борасидаги туб чора-тадбирлар кўриш хисобига:

– меҳнатга ярокли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан, қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилди;

– аҳолининг реал даромадларини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғиллланиб келганларга меҳнат дафтарчаси бериш ҳамда уларга қариганидан нафақа олиш ҳуқуқини

бериш билан кўпгина кишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолотларни мустаҳкамлашга эришилди;

– аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга мувоффақ бўлинди. Ер участкалари олган оилалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки уларнинг шаҳарлардаги деҳқон бозорларида сотишни анча кўпайтириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга улуш қўшди;

– якка тартибда уй-жой қурилиши кўламини анча кенгайтиришга эришилдики, бу ҳол аҳолини уй-жой билан таъминлаш, республика аҳолисининг коммунал ва маиший, уй-жой шароитларини яхшилашдаги анчагина муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берди;

– фақат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларини бартараф этиш ҳисобигагина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорқа ерларини ва боғ-дала, ҳовли ерларини ободонлаштиришда фаол қатнашиши, ўзи ва оиласининг манфаатларини кўзлаб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши натижасида одамлар митингбозлик сиёсатидан қайтарилди. Бу ҳам республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилди. Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди. Бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди. Ер олган одам даромад ола бошлади. Ўзини хўжайиндек эркин ва мустақил ҳис қилди.

Иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилган йилларда аҳоли фойдаланиш учун қўшимча суратда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Бу қарорлар қабул қилингунича аҳоли эга бўлган ер майдонидан анча кўп. Шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий мадони деярли 7 млн.га етди. 900 мингдан ортиқ аҳоли ана шу ер хосилидан фойдаланмоқда. Томорқа ерларнинг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқ бўлиб, бу ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойликдир.

Шахсий хонадонларда жами қорамолларнинг 70%, қўй ва эчкиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида

бу хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 30 % – 44 %га етди. Уларда жами сутнинг 76%, гўштнинг 70%, картошканинг 56%, сабзавотнинг 63% ва меванинг 60% етиштирилмоқда.

Мамлактимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар моҳиятан бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, у иқтисодиётнинг барча соҳаларини бирдек камраб олган. Аграр соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Ундаги ишлаб чиқариш муносабатлари ҳозирда ўзига хос мазмун ва шакл касб этмоқда.

## 2.2. Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аграр муносабатларнинг ривожланиши

XX асрда бир қатор ғарб давлатлари, шунингдек, собик социалистик тузум мамлакатларида мулкни давлат тасаррруфига ўтказиш жараёнлари юз берди. Бу жараён, айниқса, собиқ иттифоқ республикаларида шиддатли тус олди. Бу жараён миллийлаштириш ва давлат корхоналарини тезкорликда барпо этиш кўринишида амалга оширилади.

Мулкни ҳаддан ташқари давлат тасарруфига ўтказиш режаси иктисодиётни тавсифловчи муҳим жиҳатдир. 1980-йилларнинг охирига келиб, ўзининг энг юқори чўққисига эришган бундай ҳолат ишлаб чиқариш кучларини давлат тасарруфига ўтказиш режали иқтисодиётни тавсифловчи муҳим жиҳатдир. Ушбу ҳол иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни демократлаштириш йўлидаги катта гов бўлиб қолди. Бу бозор муносабатларининг риивожланишига, шунингдек, тадбиркорлик ҳаракатини ривожланишга тўсқинлик қила бошлади, иқтисодий ўсиш суръатлари тубдан секинлаша бошлади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш ва уни давлат тасарруфидан чиқариш, шу асосда хилма-хил мулк ва хўжалик юритиш шаклларига эга жамиятни барпо этиш, давлат мулки ва мулкчиликнинг бошқа шакллари ўртасида мақбул нисбатларни излаб топиш ўтишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига бағишланган ялпи ишлар тахлили кўрсатишича, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали интитуционал ўзгаришларни амалга ошириш билан ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётини барпо этиш биргаликда юз беради. Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш борасида ҳамдўстлик мамлакатлари иктисодиёти учун кўпгина умумий қонуниятлар хосдир:

– ишлаб чиқариш воситаларга давлат монополиясини хилма-хил мулкни хўжалик юритиш шаклларига алмаштириш;

– иқтисодиётни эркинлантириш;

– ҳар бир мамлакат олдида турган бозор иктисодиёти учун хос бўлган соҳалар ва ижтимоий сиёсатдан келиб чиққан ҳолда иктисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш;

– илғор техника ва техногияларни жорий этишни рағбатлантириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– макроиқтисодиётда барқарорликка эришиш;

– бозор иқтисодиёти талабларига мос тарзда молия-кредит бюджетини ислоҳ этиш;

– миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш ва уни эркин конвертациялашни таъминлаш.

Юқоридаги қонуниятлар мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва тарихий шакл-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида ҳар бир мамлакатнинг ўзигагина хос бўлган жиҳатлари мавжудлигини эътиборга олиш лозим.

Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари саноатда, умумий иқтисодиётда мужассамлашган. Қишлоқ хўжалигини жадал олга силжитиш учун жуда катта миқдорда молиявий ресурслар зарур. Бу қадар салмоқли маблағлар ёки мамлакат ичкарисида ишлаб топилиши ёки хорижий давлатлардан, халкаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Қайси йўлни танлашни, мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, ўша давлатнинг ўзи ҳал қилади. Деярли барча мамлакатларда, ҳатто, ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги

норентабел ҳисобланади, шунинг учун ҳам давлатдан кўмак олади. Қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш учун, аввало умумий иқтисодиётда, саноатда жиддий ўзгаришлар, силжишлар юз бериши керак эди.

Албатта, бундай конуният ривожланган мамлакатларга хос, кам ривожланган мамлакатларда озик-овкатга талаб тез ўсади, чунки аҳолининг тўқлиги ҳали таъминланган эмас. Шу сабабдан, аҳоли истеъмолида озиқ-овқат сарфинннг ҳиссаси ривожланган мамлакатларда камроқ ва ривожланаётган мамлакатларда кўпрок фоизни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг кишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурларида фермерларга кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланади. АҚШда булар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат фермерлар маҳсулоти ўта арзонлашиб кетиб, улар хонавайрон бўлмасликлари учун мазкур маҳсулот нархининг энг қуйи чегарасини белгилайдики, улардан паст нархда уни сотиш мумкин бўлмайди. Буни фермерларни қўллаб-қувватлаш нархи деб айтилади.

2. Давлат ортикча қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиб олиб, унинг ғамламасини уюштиради. Давлат харид этган миқдорда маҳсулот таклифи қисқаради, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини барқарорликда тутиб туриш имконини беради.

3. Давлат ортикча маҳсулотни бозорга чиқармай турган фермерларга уни сақлаш сарфини қоплаш учун субсидия беради. Шунингдек, субсидия экин майдонини давлат тавсиясига биноан қисқартирган фермерларга хам берилади.

4. Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини субсидия бериш, солиқларни қисқартириш орқали рағбатлантиради, айни вақтда, импорт учун бож пулини кўпайтириш, импорт микдорини чеклаш орқали миллий қишлоқ хўжалиги товарлари бозорини химоя қилади.

5. Давлат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фан-техника муаммолари сарфини ўз зиммасига олади, бу билан фермерларни бир қатор сарфлардан ҳоли қилади. Бу эса фермер хўжаликлари ҳаражатларини тежалишига ёрдам беради.

Хуллас, давлатнинг чора тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф мувозанатини таъминлашга ва фермер ҳаражатларини қисқартиришга қаратилади. Бу ривожланган бозор иқтисодиётидаги аграр муносабатларда давлат ўзининг иқтисодиётини тартиблаш чоралари билан фаол қатнашишдан дарак беради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда аграр секторни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини демократлаштиришга қаратилган улкан институционал ўзгаришлар ва ер ислоҳоти билан характерланади. «Қишлоқ хўжалик ерлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш Японияда 1946 йилдан 1950 йилгача давом этган ер ислоҳотларига биринчи қадам бўлди. Бунга, асосан, 5 гектардан ортиқ ва ижарадаги қишлоқ хўжалик участкалари 5 йил давомида ижарачининг ихтиёрида бўлиши лозим эди. 1946 йил «Хусусий-фермер ерларини ташкил қилишга оид махсус ўлчовлар тўғрисида» ги нисбатан қулайроқ қонун қабул қилишди. Ернинг баҳоси тенг миқдорда ҳайдаладиган ерлар учун 40 ижара тўлови миқдорида ва ҳайдалмайдиган ерлар учун 48 ижара тўлови миқдорида белгиланди. 1947 йилдан 1950 йилгача ҳукумат ер эгаларидан 1,7 млн гектар ерни олиб, илгариги ижарага берилган ерларнинг 80 %ини ташкил қиладиган давлат ерлари билан қўшиб 1,9 млн гектар ерни ижарачи-фермерларга берди. Янги ер эгаларининг ҳуқуқлари 1952 йил қабул қилинган қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу қонун Лендлоризмнинг қайтадан пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида ерга эгалик қилишда 3 гектардан ортиқча ерга эгалик қилишни таъқиқлар эди (Хоккайдода 12 гектар). Японияда ер ислоҳотлари фермерлар ўртасида ернинг тақсимланиши ва даромадларининг тенглашишини бирмунча тартибга солди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий барқарорликни яхшиланишига хизмат қилди. Хорижий мамлакатларда агросаноат ишлаб чиқаришини давлат томонидан тартибга солиниши қишлоқ хўжалигида аграр ва молиявий сиёсат юргизишнинг дастакларидан бири бўлиб ҳисобланади. 30 йилларда, АҚШ ва Ғарбий Европада иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш ислоҳотлари-

нинг бошларида, тутган ўрнига қараб давлатдан қўшимча маблағ олувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб-чиқарувчилар алоҳида гуруҳларга ажратиб олинган даврдан бошлаб иқтисоддаги вазият ижобий томонга ўзгара бошлаган. Европа Иттифоқи давлатларида фермерларни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари – ички нархнинг қатъий стабиллашуви ва меъёридан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини субсидиялашдан иборат. Европа Иттифоқи давлатларида давлатнинг аграр секторни бошқаришдаги иккита асосий қоидаси муҳим аҳамиятга эга:

– ўз ишлаб чиқаришининг ҳақиқий маҳсулотига нисбатан, яъни ички бозордаги нархга нисбатан ташқарига сотиладиган маҳсулотнинг паст нархда сотилиши таъқиқланади;

– агар кимда-ким Иттифоқ давлатларининг бирига маҳсулот импорт қилса, божхонада Европа Иттифоқи бюджетига (кўп ҳолларда маҳсулотни импорт қилаётган мамлакат бюджетига) белгиланган нарх билан жаҳон бозоридаги нарх ўртасидаги фарқни тўлайди. Бу фарқ битим учун тўлов деб номланади.

Европа Иттифоқининг бу қўллаб-қувватлаш сиёсати маълум миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини оширди ва бир қатор маҳсулотларнинг тутган ўрни бўйича Европа Иттифоқини импорт қилувчидан, ҳатто, экспорт қилувчига айланишида муҳим рол ўйнади.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, саноат билан чамбарчас боғлиқ. У ҳозир саноат билан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маданий ўғитлар ишлаб чиқариш) саноат билан тугалланади (етиштирилган хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3-5%ини ташкил этадиган фермерлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айни пайтда, ўз

маҳсулотларини бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Голландия ёки Америкада фермерларга сервис хизмати бўйича қанчадан-қанча аҳоли банд эканлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли уруғлик, минерал ўғитлар ёки техника хизмати учун арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг уч модели хосдир. Қирғизистон Республикасида иқтисодиётни ислоҳ этишнинг радикал (шок фалаж), Қозогистон Республикасида мўътадил радикал моделни қўллашаётган бўлса, Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш босқичма-босқич модели танланган ҳолда, ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги илгор тажриба бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари амалиёти умумлаштирилган мамлакатнинг ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда иқтисодиётни ислоҳ этиш мулкчилик муносабатлари соҳасида тубдан амалга ошириш борасидаги ўз модели ишлаб чиқилди. У, ҳақли равишда, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг номини олди. Бугунги кунда ушбу талаблар асосида ўтиш даврида иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида давлатнинг иқтисодий сиёсати амалга оширилмокда. Иктисодий амалга оширишнинг босқичма-босқичлилиги тамойили иқтисодиётни ислоҳ этишнинг «Ўзбек модели» учун хос бўлган жиҳатлардан биридир. Бу ҳақда Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлларида» асарида таъкидлаб ўтилганидек: «Бизнинг бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастуримиз устувор вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишга асосланади»[86].

Давлатимиз раҳбарининг яна бир бошқа асарида эса: «Биз иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг барча инқилобий усулларидан бутунлай воз кечамиз. Биз иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг эволюцион йўлидан бо-

[86] Ўзбекистон иктисодий ислоҳотлари чукурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - Б.16.

рамиз»[87] – дея таъкидланади. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда «Ўзбек моделининг бошқа муҳим хусусияти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади;

– хусусийлаштиришнинг тўловли таснифга эга эканлиги;

– хусусийлаштиришнинг аниқ манзилга йўналганлиги;

– хусусийлаштириш жараёнларида аҳолини ижтимоий химоялаш.

Бугунги кунда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишниинг «ўзбек модели» жаҳон ҳамжамияти, жумладан, ҳамдўстлик мамлакатларининг раҳбарлари кўзига кўринган иқтисодчилари томонидан эътироф этилмокда. Масалан, Россия Фанлар Академияси академиги Видяпин бу борада шундай дейди: «Ўзбекистон ўз моделини ишлаб чиқди ва ўз ривожланиш йўлини танлаб олди. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ушбу модели кўплаб хорижлик мутахассислар томонидан ўрганилмоқда ва бу билан биз, ҳақли равишда фахрланамиз».

Россия Фанлар Академияси катта илмий ходими С. Жуковнинг «Киргизия и Узбекистан: шок против градуализма» мақоласида «марказлаштирилган-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтиш борасида иктисодиётнинг ислоҳ этишнинг ўзбек моделининг моҳияти ва тамойилини дастурамал қилиб олган Ўзбекистон ва Халқаро Молия институти тавсияси иктисодиётни фалаж қилиб даволаш модели билан қуролланган Қирғизистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таққослама таҳлил этиш орқали иқтисодиётни ислоҳ этиш борасидаги икки моделнинг бир-биридан фарқи асосли тарзда кўрсатиб берилади.

Фикримизча, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг Ўзбекистон модели Қирғизистон моделидан тубдан фарқ қилади. Мазкур мақолада «икки республика ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилувчи мафкура ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг турлича воситаларига эга бўлган ҳолда Қирғизистон Жаҳон банки ва ХВФ тавсияларидан фойдаланди. Ўзбекистон эса, намойишкорона тарзда Бреттон-Вудс Тан-

[87] И.А.Каримов.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маьрузаси.«Тошкент окшоми». 16 апрел, 1999 й.

деми маслаҳатларидан воз кечди ва ўзида хўжалик юритишнинг собиқ тизимини, импорт ўрнини алмаштириш ва экспортни ривожлантиришнинг фаол сиёсати элементларини мужассам этган ўз йўлини танлаб олди»-дея таъкидлади.

2002 йилда Ҳамдўстлик мамлакатларида ЯММ ҳажми 1990 йилга нисбатан (69,1% ташкил этган бир чоғда бу давлатлар ўртасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб, ЯММ ҳажмининг 1990 йилга нисбатан 6%га ўсишни кузатилганлиги иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ўзбек модели самарадорлигини акс эттирувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистонда нодавлат мулк шаклларини ривожлантириш қуйидаги икки йўли орқали амалга оширилмоқда:

**Биринчиси** мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

**Иккинчиси** юридик ва жисмоний шахслар билан нодавлат корхоналари ташкил этиш.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида биринчи йўлга асосий эътибор қаратилмоқда. Аввал таькидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг муҳим жиҳати уни амалга оширишнинг босқичма-босқичлигидадир. Бу жараённи амалга ошириш ўзининг маьлум бир босқичларига эга.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкчилик муноса-батларини ислоҳ этишнинг муҳим жиҳати давлатнинг бош ислоҳоти сифатида фаол ҳал килувчи ўриндан иборат. Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, « давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви иқтисодий ўсишга ҳалал бермайди», деган хулоса чиқариш имконини беради.

Иқтисодий ислоҳотлар соҳасининг бутун занжирида аграр соҳадаги ўзгартиришларга катта аҳамият берилмокда. Бу эса аҳолининг аксарият қисми кишлокда яшаши, иқтисодиётнинг аграр-саноат тарзида эканлиги ҳамда ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилищда кишлоқ хўжалигининг тутган ўрни билан боғлиқ. Ҳозир иктисодиётнинг, айниқса, аграр соҳаси катта имкониятларга эга. Бу имкониятлардан фойдаланиб, аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан

таъминлашни яхшилабгина қолмай, республика қишлоқ аҳолисининг турмушини фаровон қилиш ҳам мумкин.

Сўнгги йилларда аграр саноатнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, унга эътибор кучайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини белгилашдаги номутаносибликни тугатиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилмоқда. Чунончи, сўнгги уч йилда асосий маҳсулот – пахтанинг харид нархи кўп марта кўпайтирилди, дон маҳсулотларининг нархи ҳам анча кўтарилди. Картошка, мева, сабзавот, чорва моллари ва парранда, сут, тухум ва жуннинг харид нархлари ҳам оширилди. Бугунги кунда пахта ва ғалладан бўлак қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эркин нархларда сотилмоқда. Айни пайтда, бозор муносабатларини ривожлантириш йўлига мувофиқ давлатга сотиш мажбурий бўлган қишлоқ хўжалик хом ашёси ва маҳсулотлари ҳажми анча қисқарди. Пахта, ғалла ва бошқа дон экинларига давлат буюртмаси 80% гача камайди, давлатга сотилиши шарт бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка 50% даражасида сақлаб қолинди.

Сўнгги йилларда пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ўтказилмоқда. Бу сиёсат қишлоқдаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлади. Аслида, бу давлат ерларини деҳқонларга топшириш йўлидаги дастлабки қадамлар эди. 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. Сўнгги икки йилда бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Республикада томорқаларнинг 5 %игача миқдори 1989 йилдаги 0,12 гектарга нисбатан 0,20 гектарни ташкил этмоқда, бир қанча вилоятларда эса ҳар бир оиланинг томорқаси 0,25 гектардан ошиб кетди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларини ва фермерларни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кучайтиришга рағбатлантириш учун махсус қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар жамоа

хўжаликлари ва давлат хўжаликлари зиммасига аҳолига чорва моллари ва парранда сотиш ҳамда уларни озуқа билан таъминлаш вазифасини юклади. Кишлокда ишбилармонликни, фермер хўжаликларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришга амалий-молиявий мадад бериш учун “Тадбиркор” деган махсус акционерлик тижорат банки тузилди. Бу банк, асосан, имтиёзли шартларда қарз бериш йўли билан деҳқон (фермер) хўжаликларининг, қишлоқ хўжалик ижарачиларининг, шахсий томорқа участкаларининг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган кичик, шу жумладан, хусусий корхоналар ва фирмаларнинг оёққа туриб олишига ёрдам бериши лозим. Шу билан қишлоқ ўртасидаги номутаносибликни тугатиш юзасидан кўн иш қилинмоқда. Қишлоқ аҳлининг турмуши яхшиланяпти, бироқ ана шу тафовутни тугатиш учун жами қишлоқ меҳнат қилишга, қишлоққа катта мадад кўрсатишга тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги яқин йиллар давомида ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалда марказида бўлади. Бу бутун иқтисодиётимизнинг негизидир. Деҳқончилик соҳасини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Барча иқтисодий ўзгаришларнинг бориши кўп жиҳатдан туб ўзгартишларнинг теран жараёнлари аграр соҳага қанчалик чуқур таъсир кўрсатишига, қишлоқдаги ислоҳот қай даражада амалга оширилишига, қишлоқ аҳолисининг кенг табақалари ислоҳот ғояларини нечоғлик маъқуллашига боғлиқ.

## 2.3. Аграр ислоҳотлар натижасида таркиб топган мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг самарадорлиги

Мамлакатимиз иқтисодиётида агросаноат тармоғи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, унда мамлакат ЯИМнинг қарийб 30% яратилади, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида 2008 йилда 27,5 % дан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилади.

Фикримизча ерга бўлган муносабатларни давлат мулкчилиги асосида амалга ошириш, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилишнинг асосий хусусиятли жиҳати ҳисобланади. Ерга бўлган давлат мулкчилиги шароитида аграр муносабатларнинг ўзи мазкур муносабатларнииг турли-туманлиги билан тавсифланади. Хусусан, мамлакатимизда давлат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги муносабатлар шу билан тавсифланадики, ер мазкур қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун салоҳият кўрситиш даври учун фойдаланишга берилган. Фермерларга 10 йилдан, то 50 йилгача бўлган муддатга фойдаланиш учун ер ижарага берилса, деҳқон хўжаликлари учун эса текинга умрбод оила аъзоларига мерос қилиб колдириш ҳуқуқи билан фойдаланишга берилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар) ўзларига ажратилган ер майдонларини шартнома асосида маълум муддатга деҳқонларга, уларнинг оилалари ва жамоаларга ижарага берадилар. Ижара муносабатлари Ўзбекистон Республикасида аграр муносабатларнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ерга бўлган давлат мулкчилигининг зарурлиги тарихий, ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар, мураккаб ирригация иншоотлари ва суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Суғорма деҳқончилик шароитида ер нархи ўта киммат бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик жоиздир. Чунки, уни хусусийлаштириш жараёнида қишлоқ меҳнаткашларининг жуда кўпчилик қисми уни сотиб олиш имконига эга бўлмай қолган эдилар. Шундай шароитда ер аҳолининг кам сонли қисми қўлида мужассамлашиши мумкин ҳолос. Корхона тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ерга бўлган хусусий мулкчилик унинг ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ёки оширишнинг жуда ҳам самарали усули эмас.

Мамлакатимизда аграр ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигида турлича мулк шакллари, иқтисодий субъектларнинг турли-туманлиги билан тавсифланувчи хар-хил хўжалик юритиш шакллари қарор топди. Булар мулкнинг давлат, хиссадорлик, ишлаб чиқариш коопе-ратив-

лари шаклида намоён бўлувчи жамоа ёлланма ва ўз меҳнатидан фойдаланувчи хусусий мулк шаклларидир. Аграр соҳадан ислоҳотларнинг натижаси ўларок, хўжалик юритувчи субъектларнинг таркиби ҳам тубдан ўзгарди. Аграр ислоҳотларнн амалга ошириш, аграр соҳанинг институционал асосларини яратиш асносида мамлакатимиз кишлок хўжалигида куйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:

• қишлоқ хўжалиги объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

• кўп укладли кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этилди.

• ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмокда.

• асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида хамда улар билан давлат ўртасидаги муносабатлар такомиллаштирил мокда.

Мазкур ҳолатда, нафақат давлат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги, балки қишлоқ хўжалиги корхоналари билан уларнинг ходимлари ўртасидаги иктисодий муносабатлар тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланаётган даврда аграр соҳада фермер хўжаликларни ривожланиши ва тараққий этишида уч босқични фарқлашимиз мумкин. **Биринчи боскич** 1993-1998 йилларни ўз ичига олиб, у йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини бирмунча кичикрок бўлган жамоавий шаклдаги кишлоқ хўжалиги корхоналарига, жумладан, ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш билан ташкил топади. Мазкур босқичда, бир пайтнинг ўзида деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш оркали майда товар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор каратилди.

Ушбу даврда мулкчилик шакллари бўйича кишлок хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди.

*2.3.1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шакллари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзгариши (фоизда)[88]**

| **Кўрсаткичлар** | **1993** | **1995** | **1998** | **2000** | **2003** | **2007** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан, давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 36,9 | 30,1 | 4,6 | 1,0 | 0,8 | 0,2 |
| Нодавлат корхоналарида, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 63,1 | 69,9 | 95,4 | 99,0 | 99,2 | 99,8 |

Таҳлиллар кўрсатишича, 1993-2007 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида давлат секторининг улуши 36,9%дан 0,2%-гача қисқарди, яъни амалда давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этишни бас қилди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг нодавлат секторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99,8%, жумладан, деҳқон хўжаликларида 63,3%, қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2,2%, фермер хўжаликларида 34,5% маҳсулот яратилмоқда.

1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш давлат дастурининг қабул қилиниши билан аграр муносабатларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг **иккинчи босқичи** бўлиб, мазкур босқичда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ширкатларда ички алоқаларнинг ва давлат билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги муносабатларнинг янгича механизми асослари шакллантирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг уч асосий тури: Йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар (ширкатлар), ўрта-фермерлар, майда – деҳқон хўжаликлари ташкил этилди Ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида экин майдон-

[88] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ларининг тақсимланишида маълум ўзгаришлар юз берди. **2000 йилдан хозирги кунга қадар Учинчи босқич** бўлиб. Паст рентабелли зарар кўриб ишлаётган, ўзини оқламаган ширкат хўжаликларни умуман фермер хўжаликларга айлантирилди, яъни ширкат хўжаликлар тугатилди. Мазкур ўзгаришлар қуйидаги 2.3.2-жадвалда ўз ифодасини топган.

2.3.2-жадвал

**Ўзбекистонда хўжалик юритиш шакллари бўйича экин майдонлари тузилмасининг ўзгариши (2000-2010 йилларда, фоизда)[89]**

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Қишлоқ хўжалиги корхоналари | 72,7 | 68,6 | 60,6 | 51,9 | 40,6 | 29,2 | 13,0 | 2,9 | 2,7 | 2,3 | 2,5 |
| Деҳқон хўжаликлари | 10,6 | 11,2 | 11,4 | 11,1 | 11,7 | 12,1 | 12,5 | 12,9 | 12,9 | 13,1 | 12,7 |
| Фермер хўжаликлари | 16,7 | 20,2 | 28,0 | 37,0 | 47,7 | 58,7 | 74,7 | 84,3 | 84,4 | 84,6 | 84,8 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2010 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг умумий экин майдонларидаги улуши сезиларли даражада ўзгарган. Масалан, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 72,7%ни ташкил этгани холда, 2010 йилда 2,5%га тенг бўлди. Таҳлил этилаётган даврда деҳқон ва фермер хўжаликларининг экин майдонларидаги улуши сезиларли даражада ўсди. Агар, 2000 йилда умумий экин майдонларида фермер хўжаликларининг улуши атига 16,7% га тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, ушбу кўрсаткич қарийб беш бараварга кўпайиб, 84,8% ташкил қилди.

2009 йилда деҳқон хўжаликларнинг ер майдони умумий экин майдонларининг 13,1% ташкил этгани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 63,3% мазкур хўжаликлар улушига тўғри келаётганлиги киши диққатини ўзига тортади. Бу ҳолат деҳқон хўжаликларининг ердан юқори унум билан фойдаланаётганлигидан гувоҳлик беради. Аммо, қайси хўжалик ишлаб чиқаришни бирмунча самарали юритаётган-

89 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳсиобланган

лиги тўғрисида хулоса ясаш учун мавжуд ерларнинг сифати, меҳнат сарфларининг ҳажми каби омилларни ҳам этибордан қочирмаслкқ керак. Ширкатлар жамоа хўжаликлари асосида уларнинг аъзолари ўртасида пайларни, яъни собик жамоа хўжаликларининг мулкини тақсимлаш орқали ташкил этилган бўлиб, ўз моҳиятига кўра, бу мулкни текинга хусусийлаштириш эди. Ширкатлар томонидан ўз аъзоларига ер майдонлари 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга ижара шакли кўрнишида ажратиб берилади ва ўз навбатида, оила пудрати жорий этилади. Ер майдонлари маълум муддатга вактинчалик шартнома асосида ширкат аъзолари, жамоаларга бириктирилади. Шу тариқа, собиқ жамоа хўжаликлари ижара корхоналарига айлантирилди, Пайлар бўйича ширкатларнинг фойдаси тақсимланади. Ушбу фойданинг маълум бир қисми бўлинмас фондларни кўпайтиришга йўналтирилса, фойданинг қолган қисми ширкат аъзолари ўртасида пайларга мутаносиб равишда тақсимланади. Пайларнинг қиймати (ер қийматини баҳоламаган тарзда) хозирча нисбатан паст – ўртача 24,4 минг сўм, 2003 йилнинг бошида ширкатларда пайчиларнинг умумий сони 1,4 миллион кишини ташкил этди. Хўжалик юритиш шакли сифатида ширкатларнинг ривожланишида уч давр фарқланади:

1. Ширкатлар сонининг ўсиши кузатилган давр.

2. Зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларга айлантириш даври.

3. Ширкатлар тўлиқ бошқа мулк шаклига айлантириш даври.

Собиқ жамоа хўжаликларини ширкатларга хўжалик юритишда пай тизимини жорий этиш-мулкчилик муносабатларини ислоҳ этишдаги янги босқичдир. Собиқ жамоа хўжаликлари мулкни ширкат аъзолари ўртасида тақсимлаш қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтиришдаги ўзига хос янгилик бўлди. Ширкатларни ривожлантиришнинг биринчи босқичи 1998 йилдан эътиборан бошланди. Мазкур йилда пай фонди 25,7 миллиард сўм бўлган биринчи 65 та қишлоқ хўжалик ширкати ташкил этилган бўлса, 2000 йилнинг бошига келиб мамлакатимизда 963 та ширкат хўжалиги ташкил

этилди. Мазкур хўжалик юритиш шаклларини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи 2001 йилдан бошланди. Ушбу йилда 52 та, 2002 йилда 86 та, 2003 йилда 178 та зарар кўриб ишловчи ва рентабеллиги паст бўлган ширкат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фермер хўжаликларига айлантирилди. 2004 йилда 284 та қишлоқ хўжалиги корхоналари фермер хўжаликларига айлантирилди.

Аграр соҳадаги ислоҳотлар жараёни янгича хўжалик юритиш шаклларининг вужудга келишида ўз аксини топади. Ўтган давр мобайнида уларнинг таркиби ва тузилмаси тубдан ўзгарди, буни қуйидаги (2.3.3-жадвал) маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

***2.3.3-жадвал***

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъектлар таркиби ва унинг ўзгариши (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз)[90]**

| № | Кўрсаткичлар | Йилллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1990** | **1998** | **2000** | **2003** | **2008** | **2010** |
| 1 | Жами қишлоқ хўжалиги корхоналари сони | 2159 | 3111 | 3042 | 3726 | | |
| а | Жумладан, совхозлар | 1108 | - | - | - | - | - |
| б | Жамоа хўжаликлари | 940 | 1299 | - | - | - | - |
| в | Ширкатлар | - | 426 | 1643 | 1784 | - | - |
| г | Қишлоқ хўжалиги корхоналари | 111 | 64 | 563 | 237 | - | - |
| д | Давлат хўжаликлари | - | 53 | 47 | 1537 | - | - |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибиниинг асосий қисми ширкатлар улушига тўғри келаган.

2003 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 1990 йилга нисбатан 72,6%га, 1998 йилга нисбатан эса 19,8%га ўсган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тегишли тартибда 36% ва 89,2% ташкил этди. Бу битта қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш ҳажмти 2003 йилда

---

[90] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1990 йилга нисбатан 20,9%, 1998 йилга нисбатан эса, 74,5% ташкил этганлигини билдиради.

1998 йилга нисбатан 2003 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг таркиби сезиларли даражада ўзгарганлигини кўриш мумкин. 1998 йилда 97 та ижара корхонаси, 492 та хусусийлаштирилган фермалар, 373 та ҳиссадорлик жамиятлари мавжуд бўлган бўлса, 2003 йилга келиб, бу хўжаликлар тўлалигича барҳам топди. Мазкур йиллар давомида хусусий фермалар сони 307 тадан 134 тагача қисқарди.

2000-2010 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига ўсганлигини кўриш мумкин. Мазкур йиллар мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 28,9%дан 2,2%гача қисқагани ҳолда, деҳқон ва феремер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 71,1%дан 97,8%га қадар ошди. Таҳлил этилаётган даврда фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 1995 йилда бор-йўғи 2,6%га тенг бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2010 йилда 35%ни ташкил этди. Деҳқон хўжаликларининг улуши эса 49,3%дан 62,9%гача ошган (2.3.4-жадвал).

***2.3.4-жадвал***

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда тармоқ секторлари улушининг ўзгариши (1995-2010 йилларда, фоизда)[91]**

| Кўрсаткичлар | 2000 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари | 28,9 | 23,5 | 6,3 | 2,6 | 2,2 | 2,2 | 2,1 |
| Деҳқон хўжаликлари | 66,0 | 62,4 | 62,3 | 62,7 | 65,3 | 63,3 | 62,9 |
| Фермер хўжаликлари | 5,1 | 14,1 | 31,4 | 34,7 | 32,5 | 34,5 | 35 |

[91] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бу ҳолат бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий кисми майда хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилаётганлигидан далолат беради. Бу вақтинчалик тавсифга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигининг бугунги кундаги маълум объектив омиллар билан изоҳланувчи аҳволига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бундай тезкор суръатлар билан ўсиши республика ҳукуматининг истиқболда фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айлантиришдан иборат бўлган стратегик мақсадларига тўла мос келади.

Бу хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларга айлантирилишига ҳам кўп жиҳатдан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда аҳоли хўжаликларининг устун мавқега эга бўлиши кўпчилик Ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам хосдир. Масалан, 2001-2002 йилларда Россияда мазкур хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 53,1% яратилганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Ушбу йилларда фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чикариш Россияда 3,9% ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 14,1%ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ёки фермер хўжаликлари тимсолида юқори даражада механизациялаштирилган, илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллай оладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларини қарор топтириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, факат йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларигина юкори унумли техникадан фойдаланиш илғор технологияларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида агротехника талабларига риоя этиш имкониятларига эгалар.

Йирик ишлаб чикаришнинг майда ишлаб чиқаришга нисбатан устунликлари ҳаммага маълум. Чунки майда, хусусан, деҳқон хўжаликларида юкори унумли техникадан фойдала-

ниш, алмашиб экиш қоидаларига риоя этиш ўта мушкулдир. Қишлоқ хўжалигининг келажаги йирик ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бундан келиб чиққан ҳолда, «бугун ҳам, келгусида ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликлар рус қишлоғида муҳим ўрин эгаллайди...» деган хулосага қўшилиш қийиндир. Аксинча, А.Н.Энгельгардтнинг фикри бирмунча ҳақиқатга яқинроқ, унингча майда деҳқон хўжаликлари билан самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқиришини амалга ошириш мумкин эмас.

Истиқболда йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътиборни қаратиш майда деҳқон хўжаликларининг эътибордан четга қолишини англатмайди. Аксинча, улар келгусида ҳам функцияларни бажаради ва бу функциялар сирасига киритиш мумкин:

- ўз оиласини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;
- бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор таклифини муҳим манба бўлиб хизмат қилади;
- ўзини-ўзи банд қилишнинг муҳим воситаси, бу функция бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида, айниқса, долзарблик касб этади.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамасдан иқтисодиётда чуқур таркибий силжишлар амалга оширилмоқда.Жумладан, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 30,1%дан 17,5%га қадар қисқарди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши билан изоҳланади.

*2.3.5-жадвал*

**Қишлоқ хўжалиги ривожланишида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар фоизда**[92]

| Кўрсатгичлар | 2000 й. | 2010 й. |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги улуши | 30,1 | 17,5 |
| Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши | 50,2 | 59,4 |

[92] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

| | | |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалигидаги чорвачилик маҳсулотларнинг улуши | 49,8 | 40,6 |
| Иқтисодиётдаги жами инвестицияларнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалигининг улуши | 5,7 | 3,5 |

2010 йилда мамлакат жами ялпи ички маҳсулотининг 17,5%и қишлоқ хўжалигида яратилди (2.3.5-жадвал). Мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган эркин ҳаракатдаги қаттиқ, валюта тушумининг ярмидан кўпроғи шу тармоқ маҳсулотларини экспорт қилишдан олинади. Аҳолининг 60%дан ортиқроғи қишлоқ жойларда яшайди. Халқимизнинг турмуш даражаси, инсон ресурсларининг катта бир қисмининг иш билан таъминланиши қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. 2000 йилда биргина фермер хўжаликларида 294,9 минг киши банд бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 1521,6 минг кишига етди. Агар 2001 йилда фермер хўжаликларида бор-йўғи 40,0 минг киши ёлланиб ишлаган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 465,8 минг кишига етди. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалигига эътибор, айниқса, кейинги мустақиллик йилларида ҳақли равишда катта бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик тармоғи ҳисобланиб, ялпи маҳсулотда унинг улуши камайиб бормоқда. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, 2000-2009 йилларда қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш юз берди ва унинг ўртача ўсиш суръати 5,2%ни ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг хизмат кўрсатиш тизимини нисбатан тез ривожланиб бориши туфайлигина қишлоқ хўжалигининг улуши камайган. Бу ижобий жараён ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиёти жадал ўсиб борган сари унда қишлоқ хўжалигининг улуши камайиб боради. Натижада, ривожланган саноатлашган, хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий этган мамлакатга айланишимиз таъминланади. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли, 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши бежиз эмас.

2009 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш 12642,6 млрд сўмни ташкил этди ва 2008 йилга нисбатан 5,7%га ошди.

2009 йилда аграрислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжаликларни барқарор ривожлантириш, тармоқни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иригация-мелиорация ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида 7 млн 391,6 минг тонна дон, 3 млн 401,9 минг тонна пахта хом ашёси, 24,0 минг тонна тирик пилла етиштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255-сонли қарори асосида 2007 йили республикамиз бўйича 219 та мева сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Ернинг эгалик бўлиши, боғларнинг хусусийлашиши, маҳсулот етиштирувчиларга берилган қатор имтиёзлар туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми кескин ошишига эришилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилда қишлоқ хўжалигида 1,5 млн. тонна мева, 899,6 минг тонна узум, 1,1 млн. тонна полиз ва 1,5 млн. тонна картошка маҳсулотлариш етиштирилди[93].

Республикада ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларда тизимни тубдан такомиллаштириш учун дастурлар ишлаб чиқилди:

– магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш;

– хўжаликлараро зовурлар тизимларидаги объектларни тизимли равишда таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари асосида насос станцияларини, гидротехник ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш;

– суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликларнинг моддий-техника базасини ошириш мақ-

[93] Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. – Т., 2010. - Б. 49.

садида мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналари харид қилиш белгиланган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларнинг дастлабки киймати 2008-2012 йиллар учун 604,2 млрд.сўм маблаг йўналтириш белгиланган.

2009 йилда Республика бўйича суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 105 та мелиорация объектида жами 821,8 км. Узунликдаги коллекторлар, дренаж тармокларини реконструкция килиш ва куриш ишлари бажарилиб, 54,6 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати мутассил яхшиланмоқда.Фақатгина 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километирлик колектор-дренаж тармоқлари. 208 та мелиоратив кудуқларни барпо этиш ва реканструкция қилиш, қарийб 14 минг келометирлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини беради. Қашқадарё, Бухоро,Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек Марказий Фарғона ҳудуди ва Қорақалпоғистон Республикасида иригация ҳамда мелиорация иншоатларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 милион доллордан зиёд мабилағлари жалб қилинда ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ва деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда[94].

Аграр соҳада иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва қишлоқда фермер хўжаликларни барқарор ривожлантириш учун Республикамизда 2009 йилда жами 103,1 мингта фер-

---

[94] И.А.Каримов."Барча режа ва дастурларимиз ватанитмиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади". Т., 2011 йил. – Б. 12.

мер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, 2010 йилда бу кўрсатгич 60 минг 134 тани ташкил этмоқда.

Фермер хўжаликларига 1796 та мукобил машина трактор парклари, 1666 та СФУ, 1300 та ЁММ ва 889 та минерал ўғит сотиш шахобчалари, 1135 та минибанк, 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, 2162 та зотли моллар сотиш ва зоветеринария хизматлари, 290 та ахборот таъминоти ва консалтинг шахобчаси, 82 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шахобчалар фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, 155 та туман ўсимликлари ҳимоя қилиш отрядлари, 853 та биолабаратория, 203 та агрофирмалар фаолият юритмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш натижасида 2009 йилда гўшт ишлаб чиқариш 1367,7 минг тоннани (ўтган йилга нисбатан 162,5%), сут 5779,0 минг тоннани (106,5%), тухум 2715,9 млн. донани (111,8%), жун 25,0 минг тоннани (157,6%), қоракўл тери 897,9 минг донани (120,1%) ташкил қилганини кўриш мумкин[95].

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғида пахта, донли экинлар (асосан буғдой), картошка, сабзавот, полиз, тамаки, ем-хашак экинлари, ўсимлик ёғи берадиган экинлар (масхар, кунгабоқар), богдорчилик ва узумчиликдан, қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик, отчилик (йилқичилик), қуёнчилик, туячилик, чўчқачилик тармоқлари шаклланган ва ривожланган. Бундан ташқари, республика қишлоқ хўжалигида пиллачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳалари ҳам яхши ривожланиб келмоқда. Ўрганилаётган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида катта ўзгаришлар юз бермаган. 2000 йилда деҳқончиликнинг улуши 50,2% бўлган бўлса, 2009 йилга келиб 57,1%ни ташкил этган ёки 23,1 пунктга ошган. Шу йилларда чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотдаги улуши 49,8 %дан 42,9 %га тушиб қолган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жуда кўплаб кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ечиш хаётий зарурат, вазифа сифатида давлат олдида турар эди. Энг аввало, аҳоли

---

[95] Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. – Т., 2010. - Б. 49.

учун зарур бўлган озиқ-овқат масаласини ижобий ҳал этиш керак бўлди. Мустақил Республика қишлоқ хўжалиги давлат мулкчилигига асосланган, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликлардан (совхоз ва колхозлардан) ҳамда аҳолининг ёрдамчи хўжаликларидан иборат эди. 1940 йилда 81 та совхозлар бўлган бўлса, 1990 йилда уларнинг сони 1034 тага етди, худди шу йилларда колхозлар мос равишда 1106 та ва 855 тани ташкил этди. Йирик хўжаликлар юқори органлар томонидан тасдиқланган режа асосида фаолият юритар, уларни моддий ресурслар билан таъминлаш марказлашган ҳолда олиб борилар эди.

Хусусий мулкчиликка асосланган деҳқон ва фермер хўжаликларининг республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, республикада 2009 йилда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 97,4%, сутнинг 99,5%, тухумнинг 67,7%, жуннинг 88,2%, меванинг 98,7%, узумнинг 98,0%, картошканинг 99,2%, сабзавотнинг 99,2% ушбу хўжаликлар улушига тўғри келди[96].

Демак, Республикамиз қишлоқ хўжалигида яратилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг хажмти ва ўсиш суръати кейинги йилларда ошиб бормоқда. Бу корхоналар миқдорининг ошиши, меҳнат кучларининг ўсиши ва янги техналогияларнинг кириб келиши ва жорий этилиши билан бевосита боғлиқ.

Республикага янги технологияларнинг кириб келиши фермер хўжаликлари фаолиятида жахон бозорида рақобатлашадиган маҳсулотларни экспорт килиш имкониятини беради.

Республикамиз индустриал аграр давлат бўлганлиги сабабли ўсишнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги хиссасига тўғри келади, қишлоқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш соҳада тадбиркорликни ривожлантиришни талаб этади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида республикамиз фермер хўжаликларида, умуман, ислоҳотлар тўлиқ талаб даражасида амалга оширилмаяпти. Кўпгина юзага келган янги

---

96 Ўзбекистон иктисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. –Т., 2010.-Б.49.

корхоналар бозор шароитларига ва талабларига сусткашлик билан мослашмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд нуқсонларни бартараф этишда, ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш лозим.

Шу кечаю кундузда республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги масалалар ўз ечимини топиши лозим:

– фермер хўжаликлари учун хом-ашё ресурсларига бўлган талабни қондириш;

– тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш;

– ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уларга ажратилаётган имтиёзли кредитларни кўпайтириш;

– кредитларга устама фоизлар тўланишида турли хил қийинчиликларни бартараф этиш;

– меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан солиқ юкини камайтириш;

– фермер хўжаликлари учун ҳисобот тизимини соддалаштириш;

– фермер хўжаликларига кредитлар ҳажмтини кўпайтириш билан уларни ажратиш шартларини енгиллаштириш;

– раҳбар тадбиркорлар билими ва малакасини доимий ошириш мақсадида давра столларини ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

– республика матбуотида тадбиркорлик тузилмалари ва фаолиятини ёритишнинг рақобат муҳитини шакллантириш;

– фермер хўжаликларини ташқи бозорларга чиқишларини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини кучайтириш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки илмий изланиш ва амалиёт якунларининг кўрсатишича, фермер хўжаликларининг молиявий фаолиятини яхшилаш учун уларга хизмат кўрсатувчи банклар масъулиятини ошириш зарур. Банклар фақат қисқа хизмат кўрсатиш билан эмас, балки мижозларнинг молия хўжалик фаолиятини кучайтириш мақсадида

уларнинг маниторингини олиб боришлари, аудит текшириш-ларини ташкил этишлари лозим. Республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркор фермер хўжаликларига им-тиёз ёки тижорат кредитлари ажратилишидан олдин жой-лардаги палата ва суғурта компаниялари вакиллари билан биргаликда маслаҳат қилиб, улар берган хулоса бўйича кредит ажратишни йўлга қўйиш лозим. Умуман, қишлоқ хўжалиги ва қолаверса, фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолияти негизида молиявий барқарор бўлиши билан боғлиқ. Чунки молиявий барқарорлик, биринчидан, деҳқоннинг ижтимоий хаётини яхшиланишини таъминласа, иккинчидан, ерга ва асосий воситаларга маблағ йўналтиришини (инвестиция қилинишини) таъминлайди. Натижада, тупроқ унумдор-лигини сақлаш ва ошириш, ишлаб чиқариш техналогиясини такомиллаштириш, сарф-ҳаражатни камайтириш ва пиро-вард натижада баркарор ривожланишни таъминлаш имко-нияти яратилади.

# III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

## 3.1. Ўзбекистонда аграр муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва унинг муассасалари фаолиятини такомиллаштиришдир. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида халқ хўжалиги тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда инфратузилманинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Зеро, бозор инфратузилмаси ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасида кенг миқёсда содир бўладиган ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, уларга кўп қиррали хизматлар кўрсатувчи ҳамда, шу билан бир қаторда, ишчи кучларини оқилона такрор ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнайдиган турли муассасалар мажмуидир. Бу муассасалар фаолиятини ривожлантириш, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқаришдан уни истеъмолчига етказиш тизимини яратиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг имкониятлар очиб бериш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини муттасил кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб ва таклиф доирасида ташкил этиш, янги иш ўринларини барпо этиш, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш каби қатор бозор иқтисодиётига хос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар очиб беради.

Республикамизда, айниқса, унинг агросаноат мажмуида инфратузилма тармоқлари етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчилар талабини тўла қондиришгача бўлган оралиқда номутаносибликлар вужудга келишига, ишлаб чиқариш сарфларининг ўсиши ва маҳсулот нобудгарчилигининг кўпайишига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг

пасайишига ва йил давомида истеъмол даражасининг турличалигига олиб келади. Шунинг учун ҳам инфратузилма тизими ривожини боскичма-боскич самарали амалга оширмасдан туриб қишлоқда фермерлар ва деҳқонлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ишлаб чиқаришини реал даражада кенгайтириш, аҳоли даромадини ошириш ва қишлоқ хўжалик экспорт салоҳиятини ўстириш каби масалаларни ижобий хал қилиш мумкин эмас.

Жахон тажрибасида инфратузилма тушунчаси XX аср бошларида биринчи бор харбий куролли кучларнинг тўлақонли фаолият юргизиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Ғарб давлатларида иқтисодий тараккиёт боскичининг 1940 йилларига келиб, инфратузилмани моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларнинг яхлит бир тизими сифатида тушунилган. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб собиқ иттифоқ республикалари, жумладан, Ўзбекистон олимларининг илмий-тадқиқот изланишларида ва амалиётда инфратузилманинг назарий-амалий муаммолари ўрганила бошланган.

Инфратузилма – барча иқтисодий тизимнинг таркибий қисмларидан бўлиб, ўзининг кўрсатадиган кўп қиррали хизматлари туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқ ва корхоналарнинг ички иқтисодий фаолиятини ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилади. Инфратузилма миллий иқтисодиётнинг бутун таркиби таянадиган пойдеворидир.

Баъзи иқтисодий адабиётларда такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлашдир. Асосий ишлаб чиқариш инфраструктураси энергия таъминоти, транспорт ва алоқа тармоқларидир.

Инфратузилма мажмуаси бевосита моддий неъмат ишлаб чиқариш умумий шароитини ва кишилар хаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуидан иборат бўлиб, қуйидаги 4 хил шаклда намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўп қиррали ва мураккаб тармоқларни ўз ичига олади. Жум-

ладан, унинг таркибига қуйидагилар киради: электр қувватини узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, илмий ва ахборот таъминоти, йўл хўжалиги, транспорт хўжалиги, моддий-техника таъминоти, техник хизмат кўрсатиш, мелиорация хизмати, агрохимия хизмати, маҳсулотларни сақлаш, саралаш ва тайёрлаш хизмати ҳамда ветеринария хизмати. Бироқ ушбу ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг айрим турлари (йўл, транспорт, савдо, электр ва алоқа тармоқдари) халқ хўжалигининг барча жабхалари учун хизмат қилади:

– қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалардан фарқли равишда ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиши сабабли, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ташкил этишда мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиниши лозим бўлади. Бу ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини хўжаликларга кулай жойларда ташкил этишни тақазо этади;

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги. Бу экинларни экиш, суғориш, ўғитлаш, агротехника хизмати кўрсатиш, хосилни йиғиб олиш, ерларни кейинги йил мавсумига тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилишини зарур қилиб, шунга мос равишда хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари фаолиятида хам мавсумийлик хусусияти мавжуд бўлади;

– қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг табиий-биологик шароитнинг таъсири остида бўлиши. Бу об-хаво, иқлимнинг ўзгариб туриши (қурғоқчилик ёки ёғингарчилик ва бошқа шу каби ҳолатлар) натижасида айрим ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига бўлган талаб турли регион ва даврларда турлича уларнинг ўзи ҳам ўзгариб туришини билдиради;

– қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг асосий қисми бир марта хосил бериши. Истеъмолчиларни кишлоқ хўжалик маҳсулотлар билан йил давомида узлуксиз таъминлаш талаби уларни ташкил этишда бу омил эътиборга олиниши кераклигини билдиради.

Республикада ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ривожининг ҳозирги ҳолати тахлили уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун бир қатор омиллар эътиборга олиниши лозимлигини билдиради:

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг, улар хизматидан фойдаланувчи соҳаларига нисбатан жойлашишдаги номутаносиблиги;

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий маблағлар билан таъминлаш даражаси тўғри ташкил этилмаганлиги;

– қишлоқ жойларида мукобил хизмат турларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни вужудга келтириш зарурлиги.

Шундай қилиб, фермер хўжаликларини ривожлантириш учун, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда хамда мавжуд муаммоларни хал этиш орқали улар хизматини бозор талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш лозим. Тажрибаларнинг кўрсатишича, бугунги кунда ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимининг ҳолати, жумладан, қишлоқ хўжалигида техника ва мелиоратив қурилмаларининг аксарияти ишга яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, агрохимия, электр энергиясидан фойдаланиш ва техника хизматлари нархининг кескин ошиб кетганлиги, шунингдек, маҳсулотларни сақлаш қувватларининг етишмаслиги ва мавжудларининг талаб даражасида эмаслиги, ушбу соҳадаги камчиликларни тубдан бартараф этиш ва улар фаолиятини бозор талабларига мослаб ривожлантиришни талаб этади.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини бир маромда тўхтовсиз ва самарали юргизиш учун уларнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини таъминловчи инфратузилмалар тизими яратилиши талаб қилинади.

Қишлоқда инфратузилма тармоқлари тизими ва унинг ажралмас қисми хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантириш, биринчидан, фермерларнинг турли хизматларга бўлган эҳ-

тиёжини қондириш, иккинчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосининг ҳал қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳолининг даромадлари ҳамда давлат хазина маблағларини (солиқлар орқали) шаклланишининг манбаларидан бири ҳисобланади.

Хозирги кунда ҳам ҳал этилиши талаб қилинаётган асосий йўналиш бу – қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи навбатда, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этишдир. Бу ўринда шуни айтиш керакки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Голландия, Жанубий Корея ва бошқа шу каби иктисодиёти тараққий этган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши ижтимоий фаол аҳолининг 5-7% ташкил этса, бизда бу кўрсаткич 40 %дан ортиқ. Хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётганларнинг улуши ушбу ривожланган давлатларда иқтисодиётда банд аҳолининг 55-77% ташкил этади. Айни вақтда, бизда, бу кўрсаткич 10-15%га боради, ҳолос.

Чунки ислоҳотларнинг ушбу босқичига тегишли хусусият бўлган паст рентабелли ва сурункали зарар билан фаолият кўрсатаётган хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида собиқ хўжаликнинг мулки негизида ташкил этилаётган инфратузилма объектларига таъсисчилар ўз мулкий улушларини қандай тартибда киритадилар ҳамда ушбу мулкни даъвогарлар ўртасида тақсимлашда ижтимоий адолат тамойилини бузилишини олдини олиш учун қандай масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган муаммовий масалалар юзага чиқади.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа масалалар ичидан ўзига хос ечим топишни талаб қиладиган муаммо - бу илгари умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқидаги жамоа хўжаликлари аъзоларига тегишли бўлган мулкни тақсимлаш масаласи бўлса, иккинчи асосий мулкий муносабатларнинг ўзаги ҳисобланган мулкий манфаат муаммосининг ечимини топишдир. Демак, бугунги кунда амалга оширилаётган мулкий ислоҳотлар жараёнида қуйидаги иккита масала ечими тўла тугалланмаганлиги билан ажралиб туради:

– Собик хўжаликларда умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида амалда бўлган аъзолар иштирокида вужудга келтирилган мулкка даъвогар сифатида ким чиқиши лозим.

– Зарар билан ишлаб келган хўжаликларни тарқатиш асосида фермер хўжаликларни ташкил этиш жараёнида мавжуд мол-мулк улар ўртасида қандай тақсимланиши керак.

Юқорида санаб ўтилган биринчи муаммо, айникса, бугунги кунда умумий улушли мулкчилик негизида ташкил этилган ширкат хўжаликларини кайта ташкил этиш жараёнида алоҳида муаммо сифатида юзага чиқади. Чунки келгусида нафақат сурункали зарар билан ишлаётган, балки фойда олиб фаолият кўрсатиб келган хўжаликларни ҳам фермер хўжаликларига тарқатиш табиий ҳолдир. Бундай ҳолатда мавжуд мулк кандай тақсимланиши керак, муқобиллик асосида ташкил этилаётган машина трактор нарклари ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг таъсисчилари сифатида кимлар катнашади қабилидаги саволлар келиб чиқади.

Бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган хўжаликларни қайта ташкил этиш буйича тартиб қоидаларга асосан мавжуд мол-мулкнинг ворислари сифатида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари чикмоқда.

Бу амалдаги конунчилик талабларига маълум даражада зид ҳисобланади, яъни «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан «қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) кредиторлар даъволари каноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади» деб эътироф этилган. Демак, бугунги кунда қайта ташкил этилаётган хўжаликларнинг асосий кредиторлик қарзларининг ҳисобдан чиқарилаётганлигини эътиборга олсак, мулкнинг ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланиши ноқонунийдир. Чунки хўжаликларни қайта ташкил этиш жараёнида ўтказилаётган танлов жараёнига нафақат собиқ хўжаликларнинг аъзолари, балки улар билан тенг хуқуқларда бошқа фуқароларнинг ҳам қатнашиши белгилаб қуйилган. Танловда ғолиб бўлган, собиқ хўжаликнинг аъзоси бўлмаган фуқарога хўжалик мулкининг

тақсимлаб берилиши ширкат хўжалиги тўғрисидаги конун талабларига зиддир.

Бундай фукароларга нисбатан агарда шу мулкни тақсимлаш қатъий заруриият бўлган тақдирда сотиб олиш шарти киритилса ҳамда сотишдан олинган пул даромадлари ҳисоботга аъзолар мулкий даъволари қондирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Танлов ғолиби бўлган собиқ хўжалик аъзоларига ҳам ўзларига тегишли мулкдан ташқари оладиган мулкини сотиб олиш шарти киритилиши, фермер хўжалиги ташкил қила олмаган хўжалик аъзоларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун асос яратади.

Мулкий даъвогарлик масаласини юқорида қайд этиб ўтилган тарзда ҳал этилиши, биринчидан, уни яратган жамият аъзоларининг мулкий ҳуқуқини қонунчилик доирасида ҳал этилишини таъминласа, иккинчидан, ижтимоий адолатсизликлар оқибатида келиб чиқарилган ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш имкониятини яратади.

Ислоҳотларнинг бугунги кундаги босқичида мулкий ислоҳотларнинг яна бир асосий масаласи бу мавжуд молмулкни ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ўртасида тақсимлаш механизмидир. Хўжаликларни қайта ташкил этиш жараёнида қўлланилаётган ва амалда фойдаланилаётган мол-мулкни тақсимлаш механизми ўзининг айрим томонлари билан ижтимоий адолат тамойилини бузилишига олиб келмоқда. Яъни, мулк таксимоти жараёнида қуйидаги икки усулдан фойдаланилмоқда:

Ташкил этилган фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларига мутаносиб равишда;

Ташкил этилган фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонлари ўлчамлари ва сифатидан келиб чиқиб аниқланадиган балл, гектарларга мутаносиб равишда.

Бизнинг фикримизча, Республика бўйича тасдиқланган ва асосан кўпчилик ҳолатларда мулк тақсимотида фойдаланилаётган механизм ҳам, айрим хўжаликларда фойдаланишга ажратилган ер майдонларига мутаносиб равишда мулк таксимоти механизми ҳам айрим камчиликлардан ҳоли

эмас. Чунки юқори сифатли ерларда фермер хўжалиги ташкил этаётган фуқароларнинг мос равишда кўпрок мулк улушларига эга бўлиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари таркибига киришини уларга кўшимча имтиёзлар берилиши билан тенглаштириш мумкин. Чунки ундай фермер хўжаликлари ернинг табиий унумдорлиги ҳисобига олинадиган қўшимча даромад (дифференциал рента I) соҳибига айланиши билан бир қаторда мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган дивиденд орқали яна бир қўшимча манфаатга эга бўладилар. Аксинча, паст сифатли ер майдонларида ташкил қилинган фермер хўжаликларининг манфаати ҳар иккита мезон бўйича ҳам пастлигича колади.

Қишлоқ хўжалиги техникаси 4867,2 минг сўм, зарур иморат ва иншоатлар 6068,8 минг сўмни ташкил қилган. Фермер хўжаликлари ўртасида ўртача сифат кўрсаткичи 27 баллга тенг 5140 гектар ер майдони тақсимланган.

Муқобил МТПга таъсисчиларнинг улушлари кўринишида ўтказиб берилган мол-мулк қиймати ўртача бир гектар ҳисобида 2127,63 сўмга, бир балл-гектар ҳисобида 78,79 сўмга тенг бўлиб, мулкдаги тегишли улушлар миқдори ушбу кўрсаткичларга мутаносиб равишда аниқланади.

Мулкийислоҳотларнинг иктисодий моҳиятини тўла тушуниб етилган шароитда, агарда мана шу механизмдан фойдаланиш давом эттириладиган бўлса паст сифатли, айникса, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар негизида фермер хўжаликларни ташкил қилиш муаммога айланиб бораверади.

Муқобил МТП натижаларидан олган фойдасидан бир қисмини дивиденд сифатида ажратган тақдирда мое равишда каттароқ улушга эга бўлган фермер хўжаликлари кўпроқ дивиденд олиш имкониятига эга бўлади. Аксинча, пастроқ сифатли ер майдонларида ташкил қилинган фермер хўжаликлари ернинг табиий унумдорлигига мутаносиб равишда майдон бирлигидан камрок олиш билан бир вақтда, ўз таъсири сифатида киритган мулкига нисбатан ҳам камрок дивиденд эгаси бўладилар.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда муқобил МТП ва бошқа бирлашмаларни, аъзолик бадалини хўжалик

мулкини тақсимлаш асосида ташкил қилишда улар мулкини фермер хўжаликлари ўртасида тақсимлаш механизмини, паст сифатли ерлардаги фермер хўжаликлари манфаатларини оширишни кўзлаб, такомиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда нисбатан паст сифатли ерларда фермер хўжаликларни ташкил қилганларнинг мулкий улушларини кўпайтириш асосий мезон сифатида қаралиши лозим.

МТП устав жамғармаси ташкил этилади. Кейинчалик фермер хўжаликлари ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун талаб қилинадиган миқдорда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машина жиҳозларига эга бўлган тақдирда мукробил МТП ташкил қилиш жараёнида қўшган кириш бадалини тегишли қўшимчалар қўшган ҳолда олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш қонуниятлари ва заруриятн ўзига хос янги замонавий аграр муносабатларни шакллантиришни муқаррар қилиб қўяди, унинг мақсади ва вазифалари ишлаб чиқариш ҳамда фаолият йўналишларидан бевосита халқ хўжалигининг барча субъектлари ўртасида содир бўладиган бозор муносабатлари ичида ўз фаолиятини юргизади ва у моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларига ҳам бир хил даражада таъсир этади ва хизмат кўрсатади.

Қишлоқ бозор инфратузилмаси яхлит инфратузилма таркибида барча тармоқлар ўртасида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол ўртасидаги муносабатларни боғлаб, иқтисодиётда моддий, молиявий ва ахборот заҳираларининг айланишини тезлаштириб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги оширилишини ҳамда мунтазам такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди. Савдо-воситачилик, молиявий-кредит, ташқи иқтисодий, ахборот ва иқтисодий ҳуқуқий хизматлар кўрсатишда иштирок этиб, қишлоқ хўжалиги субъектларининг иқтисодиётдаги барча субъектлари билан моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини боғловчи звено бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмаси ўзининг барча таркибий қисмлари молиявий-кредит, иқтисодий-ҳуқуқий, савдо-воситачилик, ахборот ва ташқи иқтисо-

дий алоқалари бўйича шаклланмоқда. Бу тузилмаларнинг кенг кўламда шаклланиши нафақат бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда, айниқса, қишлоқ хўжалигида бевосита банд бўлган аҳоли сонини қискартиришга ва кишлок жойларида қўшимча иш жойлари яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ бозор инфратузилмасининг иқтисодиётимизда тутган ўрнини миқдорий тавсифномаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда аграр муносабатлари фаолияти учун зарур бўлган барча элементлар, асосан, шаклланган, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий асослари яратилган, жуғрофий нуқтаи-назардан ҳам барча вилоятларда бозор инфратузилмаси элементлари фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг сифати тавсифи бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди ва уларни тўлиқ қамраб олмайди.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган хўжаликлар негизида шаклланаётган фермер хўжаликлари билан бошқа бозор субъектлари ўртасидаги молиявий операцияларни амалга оширишда ортикча ҳаражатларни камайтириш мақсадида ҳудудий жойлашиши ва собиқ хўжаликларнинг катта кичиклиги омиллари эътиборга олинган ҳолда бозор инфратузилмасини муҳим бўғини ҳисобланган банклар ташкил этилади. Мини банклар ушбу ҳудудда жойлашган барча субъектларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси бўғини ҳисобланади.

Республикадаги ҳудудий бўлинмалар ўртасида ташкил этилган инфратузилма объектлари ва фермер хўжаликлари сони ўтасида маълум фарқланиш мавжудлиги, битта объектнинг хизмат кўрсатиш юкламаси турличалигини келтириб чиқармоқда.

Ана шу тоифадаги корхоналарни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро бозор муносабатларини амалга оширувчи, уларга кўмаклашувчи ташкилотлар бозор инфратузилмаси муассасалари бўлиб ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича миллатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида бозор инфратузилмаси муассасаларини, жумладан, консал-

тинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта ва шу каби бошқа тизимлар фаолиятини ривожлантиришни устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудларида юқорида санаб ўтилган инфратузилма муассасалари шаклланмоқда ва фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги консалтинг фаолияти билан республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тизимига кирувчи туман ва шаҳар палаталари қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат марказлари шуғулланмоқда. Булардан ташқари, давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармалари қошида эксперт марказлари мавжуд бўлиб, улар ҳам ахборот-маслаҳат ишларини олиб бориш имкониятига эга.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, республика бўйича ахборот-маслаҳат марказига мурожаат килган битта тадбиркорга кўрсатилган пул ҳисобидаги ахборот-маслаҳат хизмати, айникса, фермер хўжаликларига кўрсатилган хизмат улуши хали дам паст даражададир.

Қорақалпоғистон Республикасида бир йилда битта туман ахборот-маслаҳат марказига 46 тадбиркор, Навоий вилоятида 20, Сурхандарёда 13, Жиззах вилоятида 40 тадбиркор мурожаат қилганлар, уларга кўрсатилган ўртача пуллик хизматлар ҳам нисбатан паст.

Шунингдек, жойларда комплекс сервис хизмати кўрсатувчи марказлар ташкил этилиши бугунги кунда катта аҳамиятга эгадир, чунки бундай марказлар орқали фермер хўжаликлари ўзларининг кўпгина муаммоларини ҳал этиш имкониятларига эга бўладилар.

Комплекс сервис хизмати кўрсатиш марказлари шартнома асосида куйидаги ишларни амалга ошириши мумкин:

– ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш;

– зарурий ресурслар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиш;

– етиштирилган маҳсулотларни сотишда хизматлар кўрсатиш;

– етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари ишини ташкил этиш;

– фермер хўжаликларига турли хизматлар кўрсатиш.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг равнақи учун техник сервисни ривожланишидаги замонавий техник ва иқтисодий сиёсатни шакллантиришнинг асосига қўйилган тамойиллар қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

– фермер хўжаликларининг техник сервисни бажарувчиларни танлашдаги мустақиллигини кенгайтириш;

– хизматлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш бахосидан келиб чиққан ҳолда саноат маҳсулотлари нархи, бахосини тартибга солинишини таъминлаш. Заводлар ва уларнинг номидан иштирок этувчи ўзагромаш ва ўзқишхўжмашлизинг ташкилотларининг техникани сотиш билан кафолатланган даврда, машиналарнинг ишга яроқли бўлишида маъсулиятини ошириш. Машиналар билан бирга меъёрий техник ҳужжатлар, эҳтиёт қисмлар ҳам етказиб берилиши керак;

– ҳар бир сервис корхонасида техник сервис хизматлари рўйхатини кенгайтириш, айрим ҳолатларда ишлаб чиқариш йўналиши ва ихтисослашувини ўзгартириш лозим ва нихоят, барча сервис хизматларининг фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фермер хўжаликлари меҳнатининг энг юқори самарадорлигини ва энг кўп фойдасини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Сервис хизмат кўрсатишда ҳам кооперацияни қўллаш максадга мувофиқ бўлади. Буни кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Масалан, ГФР урушдан кейинги йилларда хўжаликларнинг кичиклиги, уларнинг машина ва ускуналарни сотиб олишга маблағи етишмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш бўйича хизмат кўрсатувчи жамоа кооперативлари ташкил этилган. ГФРда 80-йилларда «Машина жамияти», «Машиналар банки», «Машина кооперативлари» номлари билан хизмат кўрсатиш кооперативлари тузилиб, қишлоқ хўжалик техникасидан биргаликда фойдаланиш йўлга қўйилган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда фермерлар агрокимёвий хизматга ҳам катта эҳтиёж сеза бош-

ладилар. Шунинг учун жойлардаги агрокимёвий лабараториялар фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишни янада яхширок йўлга қўйишлари лозим бўлади.

Шунингдек, юқоридаги айтилган муаммоларни бартараф этиш учун қишлоқ жойларда комплекс сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Комплекс сервис хизмати кўрсатиш марказлари шартнома асосида қуйидаги ишларни ташкил қилиши ва амалга ошириши мумкин:

– ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, (ерларига ишлов беришда, экинларни парваришлашда, ем-хашак жамғаришда);

– зарурий ресурслар билан таъминлаш (фермер хўжаликларини ем-хашак, озуқа зотдор моллар, уруғлик, минерал ўғит, пестицидлар, қурилиш материаллари билан таъминлаш);

– етиштирилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш (фермер хўжаликларида шартномада кўрсатилгандан ортиқча етиштирилган маҳсулотларини сотишда);

– етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашда (тегирмон, мойжувоз ва шу каби қайта ишлаш корхоналари ишини ташкил қилиш);

– фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш (маркетинг, менежмент, консалтинг, аудит, транспорт, ветеринария хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш).

Жойларда ташкил қилинадиган комплекс сервис хизмати кўрсатиш маркази фермер хўжаликларига шартнома асосида зарурий хизматларни кўрсатади. Бундай марказлар давлат томонидан, хусусий шахслар томонидан ёки пайчилик асосида ташкил қилиниши мумкин. Фермер хўжаликлари билан ушбу марказ ўртасида тузиладиган шартнома:

– қисқа муддатли (мавсумий);
– ўрта муддатли (5 йилгача);
– узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Шартнома аниқ ва икки томонлама манфаат асосида тузилади. Сервис хизмати кўрсатиш маркази ўзи хизмат кўрсатадиган худуд доирасидаги фермер хўжаликлари сони, ер

майдони ва экиладиган экин турларидан келиб чикиб хизмат кўрсатиш турларини белгилайди.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида бундай марказларни ташкил қилинишини рағбатлантириш, уларга кредит олишда хар хил имтиёзлар бериш орқали фермер хўжаликларига бир мунча арзон нархларда хизмат кўрсатилишига эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда сервис хизмат кўрсатувчи ва қишлок хўжалик корхоналари ўртасидаги узвий алоқалар бирмунча сустлашди. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий манфаатини кўзлаб иш тутиши оқибатида умумий фаолият тарқоқ ҳолда амалга оширилмоқда. Сервис корхоналари ишлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ишлаб чиқаришининг пировард натижалари билан узвий богланмаган. Бундан ташқари, техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотлари нархлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини янада оғирлаштирмоқда. Фермер хўжаликларида молиявий ресурслар ҳамда иш унумдорлиги юқори бўлган замонавий техникалар етишмаётган шароитда улар олдида янги техникаларга эга бўлиш, ўзларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва мавжуд техникалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг янги шакллари ва усулларини топиш масаласи кундаланг турибди. Бунинг бирдан-бир йўли фермер хўжаликларининг кооперация асосида бирлашишидир. Бунда кооперативга аъзоликнинг қуйидаги тамойиллари амал қилади:

– ихтиёрийлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

– мустақил иш юритиш ва ихтисослиги буйича ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

– хўжалик мустақиллигини тўла сақлаш;

– фаолият натижаларидан ходимлар манфаатдорлигининг ягонавийлиги;

– ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кўпайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш;

– кооперацияни бошқаришда демократияни тамойилларга риоя қилиш.

– хозирги кунда фермер хўжаликлари ўзаро бирлашиб, техник сервис хизмати кўрсатиш кооперативини ташкил этишнинг заруратини қуйидагилар белгилаб беради:

– қишлоқ хўжалик техника воситалари нархининг баландлиги сабабли уларни сотиб олиш имкониятига эга эмаслиги (молиявий ҳолати яхши бўлган фермерларда ҳам янги техникани сотиб олиш имкониятини чекланиши);

– фермер хўжаликларининг кўпчилиги зарур қишлоқ хўжалик техникаларига эга эмасликлари;

– баъзи техника воситаларига эга бўлган фермер хўжаликларида ҳам уларни таъмирлаш ва техник кўрикдан ўтказиш устахоналарининг йўқлиги;

– унумли техника воситасини битта фермер сотиб олиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги (йил давомида меъёр бўйича иш билан таъминлай олмаслиги);

– сервис корхоналари билан узвий алоқалари заифлашиб боряпти ва хўжаликлар манфаатининг ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари билан боғланмаганлиги;

– сервис корхоналари томонидан ўрнатиладиган хизматларга белгиланган ҳақларнинг ниҳоятда юқорилиги.

Фермер хўжаликлари бирлашиб, техникавий сервис хизмати кўрсатиш кооперативини ташкил этиши куйидаги қулайликларни яратади:

– кооперативни ташкил этиш йирик капитал маблағлар жалб қилишни талаб этмайди;

– техникавий сервис тизимида рақобат мухитини вужудга келтиради;

– соф даромад (фойда)дан улуш ҳар бир аъзонинг қўшган ҳиссасига қараб тақсимланиши эвазига томонлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар содир бўлмайди;

– иқтисодий манфаатдорлик ошиши ҳисобига иш сифати яхшиланади;

– хизмат ҳаққини сунъий ошириб юбориш ҳолатларига чек қўйилади;

– хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши натижасида сервис хизматларидан доимий фойдаланувчилар сафи янада кенгаяди;

– барча техникалар тўлиқ иш билан таъминланиб, улардан самарали фойдаланиш ҳисобига хизмат ҳақи арзонлашади.

Кооперативга аъзо бўлиш хар бир иштирокчи ёки фермер хўжалиги учун қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

– иш унумдорлиги юқори бўлган, замонавий техникалардан фойдаланиш имконияти кенгаяди;

– техникаларни таъмирлаш ва сақлаш харажатларини қисқартиришга ҳамда улардан самарали фойдаланишга эришилади;

– янги техналогия ва услублардан, илғор тажрибалардан фойдаланиш ва уларни жорий этиш имконияти яратади;

– нархларни сунъий ошириш ҳолатларига чек қўйилиши ҳисобига арзон (олдингига нисбатан) хизматлардан фойдаланиш имконияти вужудга келади;

– механизация ҳаражатлари камайиши ҳисобига маҳсулот таннархининг арзонлашишига эришилади;

– мавжуд техникаларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун ўз вактида зарур воситалар, технологик қурилмалар ва малакали мухандис ходимлар билан таъминланиш имкони кенгаяди.

Кооперативларнинг молиявий фаолияти уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмтига боғлиқ. Молиявий йил якунида олинган соф даромад (фойда)ни иштирокчилар ўртасида тақсимланади, яъни хизматлар кўрсатишдан тушган даромаднинг барча тўловлар тўлангандан кейин қолган қисми кооператив аъзолари орасида уларнинг бу жараёнга қўшган ҳиссасига мувофиқ тақсимланади.

Техника сервис хизмати кўрсатувчи кооперативларни республикадаги сервис корхоналари билан биргаликда, машинасозлик заводларини жалб қилган ҳолда ҳам, шунингдек, қуйидаги йўналишлар буйича ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

– моддий-материаллар (техника, асбоб-ускуна, уруғлик, ем-хашак, минерал ўғит ва кимёвий воситалар) билан таъминлаш хизмати кўрсатиш;

– мелиорация, қурилиш-монтаж хизмати кўрсатиш;

– агрокимё хизмати кўрсатиш;

– зооветеринария хизмати кўрсатиш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

– кредит билан таъминлаш.

Республикада ўтказилаётган аграр ислоҳот муносабати билан экин майдонларининг таркибида катта-катта ўзгаришлар юз бериб, донли экинлар майдони анча кенгайди ва пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда қисқарди. 1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилдагига қараганда 44% кўп дон етиштирилди. 1995 -йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортди дон, шу жумладан, 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштирилди. Буни таъминлаш учун экин майдонлари таркибини йириклаштирилиб, суғориладиган майдонларни 972 минг гектарга етказилди.

Қишлоқ хўжалик кооперациясини ташкил этишда давлатнинг ролини ошириш зарурлиги исботлаб берилди. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси табиати қишлоқ хўжалиги бозорлари тузилмасининг уни “мукаммал рақобат” бозорларига яқинлаштирувчи иқтисодий моҳияти билан белгиланади. Бундай бозорлар ишлаб чиқарувчилар сонининг кўплиги ва ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмининг бозор миқдорига нисбатан жуда пастлиги билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси фермер, деҳқон хўжаликларида ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни таъминлайди, уларга ем-хашак етказиб беради, хизматлар кўрсатади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ёрдам беради. Диссертация ишида кооперативлар тизимини яратиш таклиф этилди, қишлоқ хўжалиги кооперациясининг ташкилий тузилмаси берилган **(5-расм)**.




5-расм . Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ташкилий тузилмаси [97]

Фикримизча каоперация тизими ривожини босқичма-босқич самарали амалга оширмасдан туриб қишлоқда фермерлар ва деҳқонлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ишлаб чиқаришини реал даражада кенгайтириш, қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш каби масалаларни ижобий ҳал қилиш мумкин эмас.

Назаримизда хўжаликларда унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуришимиз ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ерларда жойлаштиришимиз керак, деган хулосага келдик. Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсак, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин бўлади. Шу билан бир вақтда, ортиқча меҳнат ресурсларини бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасидан индустриал соҳаларга, сервис ва

[97] Муаллиф томонидан тузилган.

хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш қишлоқнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли дастур изчил амалга ошириб келинди. Қисқа вақт ичида минглаб километр сув қувурлари ва газ тармоғи ўтказилди. Ичимлик суви, табиий газ кўплаб олис посёлка ва қишлоқларга етиб борди. Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ёйган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани барпо этиш, сервис ва маиший хизмат тармоғини шакллантириш муаммоси ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаётир. Бундан ташқари, ҳар бир посёлкада, ҳар бир қишлоқда майда улгуржи деҳқонлар, таъмирлаш устахоналари, деҳқонларни қишлоқ хўжалик техникаси, кўчатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминловчи пунктларнинг кенг тармоқли вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, республикада аграр ислоҳот етарли даражада жадал олиб борилмаётир, у кўпдан-кўп ижтимоий-иқтисодий тўсиқларга учрамоқда. Бу тўсиқлар, энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тайёрга айёрлик кайфиятини кишилар онгидан суриб чиқариш ва уни бозор асосига ўтказиш жараёни бораётгани туфайли келиб чиқмоқда. Ислоҳотларнинг ташаббускорлари уларни фаол амалга оширилиши керак бўлган раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам бозор иқтисодиётига хос янги вазифаларни ҳали тўла-тўкис англаб етганлари йўқ. Жойларда хўжалик юритишнинг янги қоидалари тушуниб етилмаётганлиги сезилмоқда. Бошқарувнинг ҳамма бўғинларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмаётир. Амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар, яратиб берилган иқтисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай, хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Қабул қилинган қонунлар ва фармонларга эътибор бермаслик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган ўзаро олди-берди қилувчи тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши механизми яхши ишлаб чиқилма-

ган. Шу сабабли, аграр ислохотларни чукурлаштиришнинг янги боскичидаги асосий вазифа ислохотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезрок бартараф этишдан, шунингдек аграр муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тугаллашдан иборат бўлмоғи керак. Агрофирмалар, бозор ва ижтимоий ишлаб чикариш инфраструктураси тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чикаришининг оқилона структурасини вужудга келтириш, деҳқонлар меҳнатига техникани жорий этишни кучайтириш, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш ҳам шундай вазифалардандир. Ушбу вазифалар занжиридаги энг муҳим нарса қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларида ўз мулкининг хўжайини ҳиссини мустаҳкамлаш учун зарур ишларнинг барчасини амалга оширишдан иборатдир.

## 3.2. Ўзбекистонда бозор ислохотларини чукурлаштириш даврида аграр муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари

Бозор иқтисодиётини қарор топтириш биринчи навбатда иқтисодиётни эркинлаштиришни тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири бу иқтисодий фаолият эркинлигидир. Лекин эркинлаштириш дегани бутунлай назоратсизлик дегани эмас, балки давлат мувофиқлаштиришни маълум бир йўллар билан ўз қўлида ушлаб туриши керак.

Бозор шароитида иқтисодиётнинг бошқарилиши иқтисодий дастак (восита)лар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида баъзи муаммоларни ҳал қилишга давлат аралашувини талаб қилади. Бу аграр соҳага ҳам тегишлидир.Иктисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида ўрин тутади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб тармоқлараро рақобатга бардош бера олмайди. Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермер хўжаликларини ҳам бозор шароитида ўз-ўзини бошқариш билан барқарорликка эришади, деб ўйлаш доимо тўғри бўлавермайди. Умуман, давлатнинг иқтисодиётни мувофиқлашти-

рищдаги вазифалари қишлоқ хўжалигига бевосита тааллуқлидир. Давлатнинг бу соҳадаги вазифалари тўғрисида олимлар турли фикрдадирлар. К.Макконел ва С.Брюлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий вазифаларини қуйидагича таърифланади:

– тизим самарали амал қилишини таъминловчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни яратиш;

– рақобатни ҳимоя қилиш;

– даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;

– миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотига ўзгартиришлар киритиш;

– иқтисодиётни барқарорлаштиришни таъминлаш яъни бандлик ва инфляция даражасини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Бу фикр бозорни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини тасдиқловчи олимларнинг фикрига мос келади. Шунинг учун мазкур қарашларни аграр иқтисодиётга нисбатан асос қилиб олиб, бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари билан мослаштирган ҳолда давлатнинг иқтисодий вазифаларини белгилаш мумкин.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши мулкчилик шаклининг алмашиниши билангина чегараланиб қолаётгани йўқ чунки кўп укладлиликнинг шаклланиши рақобат муҳитини яратиш, нархларни эркинлаштириш, монополияларни тартибга солиш ва ниҳоят давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўли билан янги ишлаб чиқариш шаклларининг ўрни иқтисодий жиҳатдан юзага чиқиш учун шарт-шароитларпи шакллантиришни назарда тутади.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар давлатнинг аграр соҳадаги вазифаларини фермер хўжаликлари муаммолари билан боғлаган. Уларнинг фикрича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳаражатлари, фермерларнинг моддий-техник ресурсларни сотиб олишда уларга ўтказиладиган тазйиқ «бозор хукмронлиги» давлат томонидан соҳани қўллаб қувватлашни белгилаб беради.

П.Самуэльсон АҚШда давлатнинг қишлоқ хўжалигига ёрдами: **биринчидан**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига та-

шобни ўрганишдан ва ҳақиқий харажатларни камайтиришдан; **иккинчидан**, баҳоларга ижобий таъсир қилувчи тадбирларни қўллашдан; **учинчидан**, субсидиялар беришдан; **тўртинчидан**, баҳоларни кўтариш мақсадида айрим экин майдонларини қисқартиришга қаратилган дастурларни қўллашдан; **бешинчидан**, фермерларга тўғридан-тўғри ёрдам беришдан иборат бўлишини таъкидлайди.

Давлат субсидиялари ёрдамида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг малакасини ошириш асосида бандлик масалаларини ҳал этилишини таъминлаши лозим:

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда давлатнинг фермер хўжаликларига ёрдами қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

– фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини таъминловчи ҳуқуқий асосни яратиш;

– давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган маҳсулотларни улар томонидан эркин тасарруф этиш механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

– иқтисодий дастаклар, биринчи навбатда, солиқлар орқали имтиёзлар тизимини яратиш;

– соҳа хусусиятини эътиборга олиб дотациялар ва субсидиялар механизми орқали молиявий маблағлар таъминотида барқарорлика эришиш;

– ўтиш даври қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техника билан таъминланишида хар томонлама ёрдам бериш (лизинг асосида техника билан таъминлашни йўлга қўйиш);

– ички бозорда маҳсулот баҳоси кескин пасайиб кетганда, фермер хўжаликлари синишининг олдини олиш мақсадида давлат харидини ташкил этиш;

– ўтиш даври иқтисодиётида хўжалик юритишнинг бу шакли янги бўлганлиги учун, доимий равишда хўжалик рахбарларининг малакасини ошириб бориш мақсадида қайта ўқитишни ташкил этиш, ҳамда бу соҳага кадрлар тайёрлаш тизимини тўғри такомиллаштириш;

– фермерларга давлат тўғридан-тўғри, беғараз ёрдам бериши учун деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини мавқеини мустаҳкамлаш.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, қишлоқ фуқароларини қўллаб-қувватлаш дастурлари фермерларга шакллантириш чора-тадбирларини белгилаш талаб қилинади. Ушбу тадбирлар қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

– тармокдаги эркин рақобат муҳитини эътиборга олиб, фермерлар маҳсулоти кескин арзонлашиб кетиши ва улар хонавайрон бўлмаслиги учун мазкур маҳсулот нархининг энг қуйи бахосини стонавий нарх белгилаши лозим.

– Давлат ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиб олиб унинг захирасини яратиши керак. Натижада, давлат харид этган миқдорда маҳсулот таклифи қисқаради, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини нисбий барқарор ушлаб туриш имконини беради.

– давлат ортиқча маҳсулотни бозорга чиқармай турган фермерларга уни сақлаш сарфини қоплаш учун экин майдонини давлат тавсиясига биноан қискдртирган фермерларга субсидия беришни ташкил қилиши керак.

– давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини субсидия бериш, солиқларни қисқартириш орқали рағбатлантириши айни вақтда импорт учун божни ошириш, импорт миқдорини чеклаш орқали миллий қишлоқ хўжалиги товарлари бозорини ҳимоя қилиши лозим.

– давлат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фан-техника муаммолари сарфини ўз зиммасига олиб, фермер айни маълум тарафлардан ҳоли қилиши керак.

Давлатнинг аграр сиёсати тармоқ маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф мувозанатини таъминлаш ва фермер ҳаражатларини қисқартириш ҳамда тармоқ маҳсулотларини сотиб олиш ва унга хизмат кўрсатувчи соҳалардаги монопсон ва монопол бозор имкониятларини чеклашга қаратилиши лозим.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши уларга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратишдир.

Фермер хўжаликларининг муаммоларидан бири ишлаб чиқариш ҳаражатларининг кўплиги ва соф фойда кам бўлганлиги натижасида уларнинг даромадлари ҳаражатининг пастлиги туфайли такрор ишлаб чиқариш эмониятлари дои-

мо мавжуд эмаслигидир. Бу муаммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш билан ҳал қилинса, қишлоқда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, фермер хўжаликларида банд бўлганларнинг даромадини ва турмиш даражасини ошириш мумкин.

Ҳозирги найтда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида юзага келган номутаносиблик фермер хўжаликлари ўз фаолиятини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тамойиллари асосида олиб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай номутаносибликнинг сабаблари:

– қишлоқ хўжалигида тартибга солинадиган, бошқа тармоқларда эса тўла эркин бозор иқтисодиётининг амал қилиши;

– аграр сиёсатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан уствор тамойилини амал қилаётганлиги;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларига боғланмаган ҳолда моддий-техник ресурслар, сервис хизматлари нархларининг кескин ортиб кетиши, қайта ишловчи, тайёрлов, харид корхоналарининг монопол ва монопсон ҳукмронлиги, аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиб кетиши ва бозорга нисбатан арзон импорт маҳсулотларининг кириб келишидир.

Давлат томонидан фермер хўжаликлари манфаатлари дунёдаги турли йўллар билан ҳимоя қилиниши мумкин:

– ерга бўлган ҳуқуқий кафолатни таъминлаш ва ундан эркин фойдаланиш механизмини яратиш;

– иқтисодий дастаклар (тарифлар, квоталар, солиқлар, товар баҳоларини ушлаб туриш ва бошқалар киради) орқали итисодиётни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш;

– бевосита тўловлар (табиий офатлар учун суғурталар ва бошқа ҳар хил тўловлар) тизимини яратиш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид ва тайёрлов тизимини эркинлаштириб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар сонини кўпайтириб, улар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали фермер хўжаликлари олдида турган муаммоларни ечиш;

Ривожланган давлатлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, аграр соҳани давлат томонидан иктисодий воситалар ёрдамида қўллаб кувватлаш ўзини оқлаган. Шу билан

биргаликда бунда бозор иштирокчилари ташаббус кўрсатиш ва тадбиркорликдан махрум бўлиб, улар факат давлатнинг назоратида қолади, деб қараш нотўғри Буларди. Амалда бозор механизми асосий роль ўйнагани ҳолда, давлат бозор иқтисодиётининг қатъий талабларидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар хўжалигининг юксалишидан манфаатдор бўлган. Шундай қилиб, тартибга солинадиган бозорнинг турли хил кўринишлари шароитида давлатнинг роли шундан иборатки, у бозор механизмини тартибга солиб туради (қисман агар бу стратегия зарур деб ҳисобланса, жамият манфаатларига зид борадиган оқибатларга ҳам йўл қўяди), ишлаб чиқариш якка хукмронликнинг олдини олиш, озиқ-овқат товарлари сифатини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради. Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ўзининг мақсадларига эга бўлиб, пировард натижада мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

